


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

О. Яқубжонов, С. Қодиров

ҒҮЗА БИОЛОГИЯСИ

(Дарслик)



«ANDIJON NASHRIYOT-MATVAA»
очиқ акциядорлик жамияти
2006

42.16 Толғаси йигириләдигүн бейтликләр

Мазкур ўкув адабиёти республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими илмий-методик бирлашмалар фоалиятини мурбоиқлаштирувчи кенгашиномонидан магистратуранинг «5А620503-пахта ҳом ашёси етишишириш, саклаш ва уни дастлабки қайта ишилаш технологияси» мутахассислиги талабалари учун дарслик сифотида нашрга төвсия этилган.

Тақризчилар:

ТошДАУ ўсимликшунослик кафедраси доценти,

қ.х ф.н. Р. Рўзметов,

ЎзПИТИ Андижон вилояти тармоғи директори,

қ.х ф.д. О. Маҳмудов

Масъул муҳаррир:

қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди, доцент

С. Баҳромов.

Яқубжонов О., Қодиров С.

Гўза биологияси (Дарслик) - Андижон, «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ. 2006 й. 152 бет.

Дарсликда асосан гўза ўсимлигининг келиб чиқиши, морфологияси, биологияси, ривожланиш босқичлари, ташқи омилларга муносабати акс этирилган. Шунингдек гўза ўсимлигидан олинадиган маҳсулотлар ва уларнинг ҳалқ ҳўжалигидаги аҳамияти, дунё мамлакатларида гўзанинг экин майдонлари, ҳосилдорлиги ҳақидаги маълумотлар баён этилган. Бундан ташқари унда гўза ўсимлиги органларининг тузилиши, ривожланиши, гўза нав алмашинуви ҳақидаги, мамлакатимиз гўза навларининг тавсифи бўйича маълумотлар мавжуд.


Мазкур дарслик асосан қишлоқ ҳўжалиги институтида бакалавр ва магистр йўналишлари бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Шунингдек, ундан қишлоқ ҳўжалиги йўналишидаги лицейлар, касб-хунар коллекларининг ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

1032045
391

Андижон вилоятининг
Бобурномали
Кутубхонаси
42.162.(5)Узб
Я-49

© О. Якубжонов, С. Қодиров,
2006.

© «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ,
2006.



«Пахта Ўзбекистон учун республика мустақиллигини кафолатлайдиган сиёсий ва иқтисодий куч-кудрат манбаи ...»

Ислом КАРИМОВ

КИРИШ

Ўзбекистон жаҳон пахтачилигига ялпи ҳосил миқдори бўйича бешинчи, тола экспорти бўйича эса иккинчи ўринда туради. Ўтган иили Тошкентда бўлиб ўтган халқаро пахта ярмаркаси ҳам жаҳон бозорида ўзбек пахтасининг нуфузи ортиб бораётганини яққол намоён этди.

Ярмаркада 26 мамлакатнинг 200 дан зиёд компаниялари вакиллари билан жорий ва келгуси йиллар ҳисобидан қарийб 1,5 миллион тонна пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар тузилди.

Ушбу шартномалар жуда катта миқдордаги валюта тушуми, бунёдкорлик ишлари учун молиявий манба, юрт фаровонлиги асоси ҳамда ҳеч кимдан кам, ҳеч кимга қарам бўлмайдиган ориятли халқимиз яхши яшашининг кафолати демакдир.

Мамлакатимизда пахта майдонлари 1,5 млн. гектар бўлиб, ялпи ҳосилдорлиги қарийб 4 млн. тонна ҳажмида сақлаб қолинмоқда. Пахта ҳосилдорлигининг ортишига қараб пахта экиладиган майдонлар кўламини камайтириш назарда тутилган. Шу мақсадда пахтачиликини экин майдонларини кўпайтириш ҳисобига эмас, балки гўза биологиясини, ўсимликнинг ривожланиш қонуниятларини тўла ўрганиб, шунга монанд парвариш агротехникасини қўллаб, гектар ҳисобидан олинадиган ҳосилдорликни ошириш йўли билан юксалтириш вазифаси қўйилган.

Бинобарин, гузанинг пахта ҳосилдорлиги бўйича ички имкониятлари жуда катта. Бу Ўзбекистон Пахтачилик илмий тадқиқот институти тажрибаларида тўла илмий асосланган. Мазкур институт маълумотларига кўра, сунъий яратилган мукаммал мұхит (гидропоника)да бир туп гўза 60-70 донадан кўсак олган бўлиб, бу гектар ҳисобига 240-280 центнер пахта ҳосилига тўғри келади. Ҳозирги пайтда эса гузанинг бир турида ўртача 10-15 дона кўсак сақланиб қолади, 60-70 фоиз ҳосил нишоналари кўсакка

айланмай тўкилиб кетади ва пахта ҳосилдорлиги амалда ўртacha 1 гектарда 30-35 центнердан ортмайди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ерга зғалик шаклини босқичма-босқич ўзгартириб бориб, меҳнатни жамоа асосида, оила, ижара пудрати, фермерлик асосида ташкил этиш ҳам пахта етишириш интенсив технологиясининг иқтисодий давоми ҳисобланади. Ўзбекистоннинг мустақиллиги туфайли мулкчилик ва ерга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Иирик хўжаликлар фермер (дехқон) хўжаликларига, акционерлик жамоаларига айлантирилмоқда. Бу ўз навбатида пахта етиширишга янгича ёндошишга, пахтачилик соҳасининг агротехник ва иқтисодий самарадорлигини, экологик мақбуллигини, ижтимоий нуфузини таъминлашга имкон беради. Шу сабабдан мазкур дарсликда ғўза ўсимлигининг биологияси, келиб чиқиши, морфологик тузилиши, физиологияси, ривожланиш босқичлари, ҳаёт омилларига талаби, ундан олинадиган маҳсулотлар, уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ўсимлик мева органларининг тузилиши, ривожланиш жараёнлари, пахтачиликда ғўза навларини алмаштириш тартиби ҳамда мамлакатимизда экилган ва экилаётган асосий навларнинг тавсифи берилган.

«Ғўза биологияси» дарслиги асосан қишлоқ хўжалиги институтларининг талабалари ҳамда магистрлари учун мўлжалланган. Ундан қишлоқ хўжалиги йўналишидаги лицей, касб-хунар коллежларининг ўқувчилари, пахтачилик соҳасининг мутахассислари, фермерлар ва пудратчилар ҳам фойдаланиши мумкин.

1 боб

ҒҮЗА ЎСИМЛИГИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

1. Ғүза ўсимлигининг келиб чиқиши

Табиатда ғўзанинг 37 тури, жуда кўп шакллари, навлари мавжуд. Уларнинг ҳаммаси «Госсилиум» авлодига, гулхайридошлар оиласига киради. Ғўза тропик, яъни йилнинг энг совуқ ойла-рида ҳам ҳаво ҳарорати +18 дан пастга тушмайдиган минтақада пайдо бўлган.

Ғўза иссиқсевар ўсимликлар гуруҳига киради. Агар бир йиллик ғўзани кузда совуқ урмаса, у бир неча йил яшashi мумкин. Маълумки, у ўз ватанида кўп йиллик дараҳтсимон ўсимлик. Лекин ёввойи ғўзаларнинг ҳосили кам ва тола сифати паст бўлади. Янги ғўза нави етиштирувчи селекциячилар ёввойи ғўзанинг баъзи қимматли хусусиятларидан фойдаланадилар.

Кўп йиллик ёввойи ғўзанинг бўйи 5-7 м, баъзан 10-20 м ҳам бўлади. Бир йиллик бутасимон маданий навлариники эса 30-40 см дан 2 м гача етади. Ҳозир экилаётган навларнинг бўйи 90-100 см.ни ташкил этади.

Кўп йиллик ғўза поясининг ер бетига яқин қисми йўғонлиги 15-30 см ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Бир йиллик маданий ғўзаларда эса 1-2 см ва ҳатто 3 см атрофида бўлиши мумкин.

Археология тадқиқотлари натижасида маълум бўлишича, ғўза авлоди бундан тахминан 70-100 миллион йил аввал, яъни бўр даврининг иккинчи ярмида, баъзи текширишларга қараганда, ҳатто бўр давридан илгари вужудга келган.

Маълумки, Ер юзи илгари яхлит битта материикдан иборат бўлиб, кейинчалик геологик ўзгаришлар натижасида қитъаларга бўлинган. Уларнинг иқлим шароитлари бир-биридан фарқ

қилган. Ғұза үсімлігі ҳам мана шу иқлим шароитлари таъсирида үзгарған. Шундай қилиб, ғұзанинг бир-биридан фарқланадиган 3 та катта географик гурухы - Австралия (стуртия), Осиё-Африка (палеотропик-эугоссипиум) ва Америка (неотропик) гурухлари пайдо бўлган.

Ушбу гурухлардаги ғўзалар ҳам ташқи муҳитга ва ирсий хусусиятларига кўра бир қанча кичик гурухчаларга бўлинган. Жумладан, ғўзанинг Осиё-Африка гурухи Осиё (Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё) ва Африка (Африка ва Жануби-ғарбий Осиёнинг бир қисми) гурухларига, Америка гурухи ҳам иккита кичик гурухга - Марказий Америка ва Жанубий Америка гурухларига бўлинган.

Инсоният пахтачилик билан мунтазам шуғулланиши натижасида бу гурухларга мансуб ғұза турларининг янги шаклларини яратди. Жумладан, турлараро дурагайлаш йўли билан янги ғұза шакллари яратилиб, унинг табиати шу қадар үзгартирилдики, оқибатда у тропик минтақада ўсиб ҳосил берибина қолмай, балки субтропик ва ҳатто иссиқлик камроқ бўладиган, амал даври бирмунча қисқа бўлган континентал иқлим шароитида ҳам ўсиб юқори ҳосил берадиган бўлди. Тропик минтақада ғўзанинг дарахтсиз шаклларида дастлабки кўсак 7-9 ойда пишиб етилса, бир йиллик ғўзада 4-6 ойда бемалол пишмоқда.

Илмий маълумотларга қараганда, Ер юзида ғўзанинг 37 та тури бўлиб, шундан 4 таси маданий хисобланади. Етиштириладиган экин майдонларининг катталиги жиҳатидан биринчи ўринда *G. hirsutum* (*Gossypium hirsutum*) туради. Унинг табиий ҳолда тарқалган жойи Марказий Америкадаги Мексика мамлакати бўлгани учун Мексика ғўзаси деб аталади. Бизда бу турнинг табиатига бирмунча үзгартиришлар киритилган ва у ўрта толали ғўза дейилади. Бу турнинг ҳосилдорлиги бошқаларнидан юқори, аммо тола сифати бирмунча пастроқ. Шунга қарамай ғўза 5 та қитъада етиштириб келинмоқда.

Экин майдонининг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда *G. arboreum* (*Gossypium arboreum*) туради. Унинг асл ватани Ҳинди-Хитой хисобланади. Шунинг учун Ҳинди-Хитой ғўзаси деб аталади.

Экин майдонининг катталиги жиҳатидан учинчи ўринда *G. barbadense* (*Gossypium barbadense*) туради. Табиий ҳолда Жа-

нубий Америка қитъасидаги Перу мамлакатида ўсганлиги учун Перу ғұзаси дейилади. Аммо бу турнинг энг яхши навлари Мисрда яратилғанлиги сабабли Миср ғұзаси деб ҳам юритилади. Ұзбекистон селекционерлари Миср ғұзасининг тезпишар, тола сифати жиҳатидан устун турадиган тур ва хилларини яратғанлар, у ингичка толали ғұза деб юритилади, систематикада ҳам шу атама қабул қилинган.

Перу ғұзасининг ҳосили бошқа турларга мансуб ғұзалар ҳосилидан бирмунча камроқ, аммо тола сифати жуда юқори. Ҳосили кеч пишгани учун унинг амал даври узунроқ. Шу боисдан ҳозир у иссиқлик етарли бүлгап зоналарда экилмоқда. Кейинги йилларда селекционерларимиз шундай тезпишар ингичка толали навларни яратдиларки, улар ўрта толали ғұза навига нисбатан ҳам тез пишиб етилади. Аммо бу навлардаги ғұзаларда күсакларнинг етилиши секинроқ кечади. Ұмуман Ұзбекистон Ер юзида ингичка толали пахта етиштирувчи энг шимолий мамлакат ҳи-собланади.

Ниҳоят, түртінчи үринде *Gossypium herbaceum* туради. Бу тур табиий ҳолда Осиё (Жанубий ва жануби-шарқий Осиё) ва Африка (Африка ва қысман жануби-ғарбий Осиё) да тарқалғани учун Африка-Осиё ғұзаси ёки биэда жайдари ғұза деб юритилади. Бу турнинг навлари, асосан, Осиё қитъасидаги баъзи мамлакатларда етиштириб келинмоқда. Жайдари ғұза Ватанимизда 1928 йилгача экилған. Унинг ҳосилдорлиги паст ва тола сифати тұқымачилик саноати талабларига жавоб бермайди.

Госспиум авлодининг 4 та маданий туридан ташқари ёввойи ва ярим ёввойи турлари ҳозир ҳам қысман ўз ватанида етиштириб келинмоқда.

Инсоният ибтидоий жамоа тузуми даврида ҳам пахта толасидан фойдаланған. Тұғри, у даврларда ёввойи ғұза күсагидан чувиб олинған пахта толасидан кийим-кечак тайёрланмаган, балки балиқ овлаш учун түр тұқылған, ёввойи ҳайвонларни овлаш учун арқон эшилған.

Ұмуман инсон пахта толасидан 15-30 минг йил ва ундан ҳам илгарироқдан бошлаб фойдаланған бўлиши керак. Вақт ўтиши билан ғұзанинг серҳосил ва сифатли тола берадиган шакллари танлаб олинған ва пировард натижада ҳозирги замон ғұза навлари яратилишига асос солинган.

Қуида дунёдаги пахта етиштирувчи мамлакатлар рўйхати берилмоқда:

Европа

1. Руминия
2. Италия
3. Югославия
4. Испания
5. Болгария
6. Албания
7. Греция

Осиё ва Океания

8. Жанубий Корея
9. Хитой
10. Туркия
11. Сурія
12. Ироқ
13. Эрон
14. Афғонистон
15. Истроил
16. Пакистон
17. Бангладеш
18. Бирма
19. Лаос
20. Бирлашган Араб Амириклари
21. Яман АР
22. Яман ХДР
23. Ҳиндистон
24. Таиланд
25. Кампучия
26. Вьетнам
27. Шри-Ланка
28. Индонезия
29. Австралия
30. Океания

Африка

31. Марокаш
32. Жазоир
33. Миср
34. Мали
35. Нигерия
36. Чад
37. Сенегал
38. Судан
39. Замбия
40. Буркина Фасо
41. Бенин
42. Нигерия
43. Сомали
44. Фил суюги
киргони
45. Гана
46. Того
47. Камерун
48. Марказий Африка Республикаси
49. Эфиопия
50. Заир
51. Уганда
52. Кения
53. Бурунди
54. Танзания
55. Ангола
56. Малави
57. Зимбабве
58. Ботсвана
59. Мозамбик
60. Мадагаскар
61. Свазиленд

62. Жанубий Африка Республикаси

Шимолий ва Марказий Америка

63. АҚШ
64. Мексика
65. Куба
66. Гаити
67. Доминика
68. Гватемала
69. Сальвадор
70. Гондурас
71. Никарагуа
72. Коста-Рика

Жанубий Америка

73. Венесуэла
74. Колумбия
75. Эквадор
76. Перу
77. Бразилия
78. Боливия
79. Парагвай
80. Аргентина
81. Уругвай

Марказий Осиё

82. Ўзбекистон
83. Тоҷикистон
84. Туркманистон
85. Қозогистон
86. Қирғизистон

Маълумки, пахта толасидан мато (газлама) тўқиши ишларининг бошланиши пахтачилик тарихидаги иккинчи давр ҳисобланади. Пахта толасидан фойдаланилган энг қадимги мамлакат-

лардан бири Ҳиндистон эканлиги маълум бўлди. Археологик қазилмалар чогида Мохенжо Даро шаҳридан 5000 йиллик мато парчалари топилган. Ҳиндларнинг бундан 3500 йил илгари яратилган Ричвенда деб аталган мадҳиясида ҳам пахтадан фойдаланиш ҳақидаги сўзлар бор.

Ўсимлик толаси (зигир толаси)дан, ипак ва жундан газлама тўқийдиган ибтидоий дастгоҳлар Мисрда бундан 6000 йил, Юнонистон (Греция)да 4500 йил илгари кашф этилган.

Хитойда пахтачилик билан шуғулланиш Ҳиндистонга нисбатан бирмунча кечроқ бошланган. Чунки Хитойда кийим-кечак учун ипак, рами ва каноп ишлатилган. Ғўза манзарали ўсимлик сифатида экилган. Лекин шунга қарамай Жанубий Хитойда эрамиздан бир неча аср илгари, бошқа тарихий манбаларга қараганда, эрамиздан 45 йил илгари пахтачилик билан шуғулланилган, оз бўлса-да ип-газлама тўқилган. Шимолий Хитойда пахтачилик бирмунча кеч ривожланган. Бу ерга ғўзанинг Африка-Осиё (жайдари) тури келтирилган. Мамлакатнинг бу қисмida пахтачилик асосан эрамизнинг V-VI асрларида тараққий этган. Бу ерда пахтадан тайёрланган моллар Хитойнинг ички бозорларига ҳам чиқарилган.

Ҳозирги вақтда пахта етишириладиган майдонларининг катталиги жиҳатидан Хитой дунёда иккинчи, ялпи маҳсулоти бўйича биринчи ўринда туради. Айни вақтда бу мамлакатда пахта ҳосилдорлиги тез ўсиб бормоқда. Чунки тўқимачилик саноати тез суръатлар билан ривожланаётганлиги туфайли пахтага бўлган талаб ортятти.

Тарихий маълумотларга қараганда, Эрон ва араб мамлакатларида бундан 2500-2600 йил илгари ҳам пахта етиширилган. Чет мамлакатларда Эронда тўқилган матолар сифати юқорилиги туфайли харидоргир бўлган.

Қадимги Мисрда пахтачилик у қадар ривожланмаган эди. Чунки ерли ҳалқ кўпроқ зигир ўстириб, унинг толасидан мато тўқишини яхши йўлга қўйган. Ҳатто бундан 6000 йил муқаддам зигир толасидан оддий дастгоҳларда ип-газлама тўқилган. Эрамиздан аввалги асрларда яшаган юонон тадқиқотчиларидан Геродот ва Теофрастлар ўз асарларида Мисрда қимматли буюмлар ип-газламадан тайёрланганлигини ёзар эканлар, аҳоли уму-

ман пахтачилик билан нисбатан кам шуғулланғанлыгини қайд этиб ўтишган.

Үрта асрларда ва ундан кейинги даврда бу мамлакатларда ҳам пахтачилик билан шуғулланиш көнгайған. Мисрга 1800 йили Жанубий Америкадан Перу (Г.барбадензе) ғұзасининг күп йиллик, кейинроқ эса бир йиллик турлари келтириб экилған. Улар-нинг толаси узун, пишиқ, ипаксимон, оқ-сарғыш рангда бўлғанлиги учун жайдари ғўза (Г.гербацеум)ни сиқиб чиқарған. Келтирилған ғўза навлари аралашмасидан «Ашмуни» нави яратилған. Бу нав қатор устунликларга эга ва серхосил бўлғанлиги сабабли Миср ғұзаси деган ном олган. Шундан кейин Миср ва бошқа мамлакатларда Перу ғұзаси «Миср ғұзаси» деб юритиладиган бўлған. Ҳозирги Бирлашган Араб амирликларида асосан шу турдаги ғўза навлари ўстирилади ва дунёда шу навдаги пахта сифати бўйича биринчى ўринда туради.

Грецияда қадим замонлардан бери пахтачилик билан шуғулланиб келишгани тарихдан маълум, VII асрдан бошлаб араблар томонидан Испания ва Италия истило қилинганидан сўнг бу мамлакатларда ҳам пахта етишириш бошланған.

Шу тариқа Европанинг жанубидаги (Үрта ерлар денгизи қирғоғидаги) давлатларда пахта етишириш расм бўлған. Франция, Германия ва Англияда ҳам пахта толасидан газлама тўқиш ишлари аста-секин көнгайиб борған. Ҳозирги вақтда Болгария, Югославия, Руминия каби мамлакатларда оз миқдорда бўлса ҳам пахта етишириб келинмоқда.

Америкада қадим замонлардан бери пахтачилик билан шуғулланиб келишган. Бунинг асосий сабаби Марказий Америка, яъни Мексикада ғўзанинг Г. хирзурутум тури ва Жанубий Америка, яъни Перуда барбадензе турларининг тарқалғанлигидир. Маҳаллий халқ ғўзадан қимматли экин сифатида фойдаланған. Перу ва Мексикадаги қадимий топилмалар орасида пахта толасидан ясалған буюмлар топилған. Бу топилмалар зрамиздан олдинги V асрға тўғри келади.

Испанлар Жанубий ва Марказий Америка мамлакатларини ўз мустамлакасига айлантириб олган даврда Лотин Америкаси халқлари пахтачилик билан шуғулланишган ва бу қитъада пахта толасидан газлама тўқиб чиқариш ривожланған. Америка Қўшма Штатларида эса пахтачилик XVII асрдан бошлаб ривожланған.

Умуман, пахтачилик билан шуғулланадиган ҳамма мамлакаттарда асосий қийинчилік пахта ҳосилини қайта ишлашда чигитдан толани ажратиб олиш ҳисобланган. XVIII аср охирига қадар чигитдан толани ажратиб олиш ибтидои даражада бўлган (қўл чигириғи ва ёғоч дастгоҳ). 1793 йилда АҚШда толани ажратиб оладиган, металлдан тайёрланган арра тишли машина ихтиро этилди. Бу машина (джин) пайдо бўлиши дунё пахтачилигининг тез суръатлар билан ривожланишига асос солди. АҚШда пахта етиштириш учун тупроқ-иқлим шароити қулай бўлганилиги ва тўқимачилик саноати тез ривожланганлиги туфайли пахта толасини кўплаб экспорт қилишга имкон яратилди.

Шундай қилиб, АҚШ XIX аср охирига келиб пахта етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди, бу вақтга қадар Хиндистон биринчи ўринда эди. Ҳозирги вақтда ҳам АҚШ дунёдаги пахта етиштирувчи асосий давлатлар ичida салмоқли ўринни згаллаб келмоқда.

Қадимда Австралияда пахтачилик билан деярли шуғулланмagan. У ерда гўзанинг ёввойи стуртия кенжа авлоди табиий ҳолда тарқалган бўлса ҳам, амалий жиҳатдан аҳамиятга эга эмас эди. XIX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб, бу қитъада Мексика гўзасининг Упланд турига мансуб гўза навлари экилган.

2. Пахтачилик билан шуғулланувчи асосий мамлакатлар

Дунёдаги пахта етиштирадиган мамлакатларда 1999 йилда 18,6 млн. тонна тола ишлаб чиқарилган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 20,1 млн. тоннани ташкил қилган.

Дунёдаги пахта етиштирувчи асосий мамлакатлар ва уларда пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажмини кўйидаги 1-, 2- жадваллардан кўриш мумкин.

1-жадвал

Пахта етиширирадиган асосий мамлакатлар

Т / р	Мамла- катлар	Ер майдони, минг гектар		Пахта ҳосил- дорлиги, ц/га (тола ҳисоби- да)		Ишлаб чиқарилган то- ла, минг тонна	
		1987/88	1993/94	1987/88	1993/94	1987/88	1993/94
1	АҚШ	4016	2848	7,99	7,0	3210	3806
2	МДХ	3442	3148	7,28	7,5	2507	2136
3	Хитой	4853	5783	8,26	8,3	4012	4800
4	Ҳиндистон	7413	7806	2,06	2,94	1626	2295
5	Покистон	2408	3282	4,16	5,8	1275	1904
6	Бразилия	3520	1707	2,29	3,75	807	640
7	Мексика	227	255	9,89	9,4	225	240
8	Миср	488	468	8,73	7,8	356	365
9	Туркия	678	614	8,96	9,3	518	571
10	Сурия	179,1	-	10,6	-	190,0	-
11	Аргентина	322,2	322,2	3,4	4,0	121,0	143,0
12	Никарагуа	91,3	-	6,3	-	62,3	-
13	Гватемала	675,5	-	6,4	-	44,0	-
14	Перу	-	-	-	-	98,0	-
15	Судан	396,9	405,0	3,7	4,5	148,5	187,0
16	Австралия	208-8	162,0	12,9	12,0	127,3	165,0
17	Исроил	62,5	56,3	13,7	13,6	100,1	77,9
18	Греция	223,6	228,1	7,4	7,6	176,9	176,0
Жами:		32986	34100	5,21	5,67	17188	19319

2-жадвал

Дунёда пахта толаси ишлаб чиқарыш (млн. тонна)

T / p	Давлатлар	1998-1999 йй.	1999-2000 йй.	2000-2001 йй.	2001-2002 йй.	2002-2003 йй.	2003-2004 й (январ)
1	Хитой	4,5	3,8	4,4	5,3	4,9	4,8
2	АҚШ	3,0	3,7	3,7	4,4	3,7	4,0
3	Хинди斯顿	2,8	2,7	2,4	2,7	2,3	2,8
4	Покистон	1,4	1,9	1,8	1,8	1,7	1,7
5	Ўзбекистон	1,0	1,1	1,0	1,1	1,0	0,9
6	Африка давлатлари	0,9	0,8	0,7	1,0	0,9	1,0
7	Туркия	0,8	0,8	0,8	0,9	0,9	0,9
8	Бразилия	0,5	0,7	0,9	0,8	0,8	1,1
9	Австралия	0,7	0,8	0,8	0,7	0,4	0,4
10	Греция	0,4	0,4	0,4	0,5	0,4	0,4
11	Миср	0,2	0,2	0,2	0,3	0,3	0,2
12	Сурия	0,3	0,3	0,4	0,4	0,2	0,3
13	Туркманистон	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
14	Эрон	0,1	0,1	0,2	0,1	0,1	0,1
15	Аргентина	0,2	0,1	0,2	0,1	0,1	0,1
16	Парагвай	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
17	Бошқалар	1,3	1,2	1,2	1,3	1,2	1,4
	Дунё бўйича:	18,6	19,1	19,3	21,4	19,2	20,1

3. Марказий Осиё пахтачилиги

Марказий Осиё халқлари қадим замонларда ҳам пахтачилик билан шуғулланганлиги тарихий манбаларда қайд этиб ўтилган. Эрамиздан олдинги VI асрда Александр Македонский қўшинлари Хинди斯顿га юриш қилганида Марказий Осиё халқлари пахта етиштириб, ундан мато тўқишининг гувоҳи бўлишган. Хитойнинг тарихий манбаларидан маълум бўлишича, эрамиздан олдинги II асрда Фаргона водийсида жуда кўп шаҳар ва

қишлоқлар бўлган. Ерли аҳоли дехқончилик ва тўқимачилик билан шуғулланган.

Россия Фанлар Академияси археология институтининг профессори Ю.А.Заднепровский раҳбарлигига Чустда олиб борилган қазилмалар чоғида мато қийқимлари топилган. Бу мато эрамиздан олдинги X асрда тўқилганлиги маълум бўлди. Хоразмдаги Тупроқ қалъани академик С.П.Толстов раҳбарлигидаги бир гурӯҳ археологлар текширганда, топилмалар орасидан VI-VII асрларга таалуқли пахта ашёси ва пахталик чопон парчаси чиққан.

X асрда яшаган араб географларининг қўлёзма маълумотларига қараганда, пахтадан тўқилган турли газлама ва хотин-қизлар ўрайдиган нафис рўмоллар Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Чимкент шаҳарларидан кўшни давлатларга чиқарилган.

XVI - XVII асрларда Марказий Осиё халқлари Россия билан савдо-сотиқ муносабатларини йўлга қўйганларидан кейин, бу ўлкага бошқа моллар қатори ип-газлама, пахта толаси ҳам жўнатиб турилган. XVIII ва XIX асрларга келиб Россияга жўнатилаётган пахта маҳсулотлари ва пахта толаси ҳажми анча ортиди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёни чор Россияси қўшинлари босиб олганидан сўнг чор ҳукумати тўқимачилик саноати талабини қондириш мақсадида пахтачиликни ривожлантириш бўйича қатор тадбирлар кўрди. Жумладан, пахта ҳосилдорлигини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун маҳаллий жайдари ғўза (Г.гербацеум) ўрнига Марказий Америкадаги Упланд турига ки-рувчи Мексика (Г.hirsutum) навлари уруғи келтирилди. Пахта хом ашёсини ташиб кетиш учун Красноводскдан Самарқандгача темир йўл қурилди. Пахтага бўлган талаб тобора ортиб борди. 1913 йилда Ўзбекистонда 423,3 минг гектар майдонда ғўза ўстирилиб, унинг ҳар гектаридан 12,2 га центнер пахта олинган, ялпи ҳосил 521,0 минг тоннани ташкил қилган. Ҳозир мустақил Ўзбекистон қарийб 1,5 млн. гектар ерга чигит экиб, 4 млн. тонна атрофида пахта хом ашёси етиштирмоқда.

Марказий Осиёда пахта етиштириладиган минтақалар Ер шарининг 37° ва 43° параллеллари ўртасида, шимолий кенглиқда жойлашган. Бу минтақалар Ўрта Осиё ва Кавказорти регионларига бўлинади. Марказий Осиё регионига Ўзбекистон, Тожики-

стон, Туркманистан ва Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод ҳамда Қозогистоннинг Чимкент вилоятлари, Кавказорти регионига Озарбайжон киради (3-жадвал).

З-жадвал

Марказий Осиёдаги пахта етиширадиган мамлакатлар

Т / р	Номи	Ялпи пахта ҳосили, минг тонна			Марказий Осиё бўйича салмоғи, фоиз		
		1980	1990	1994	1980	1990	1994
1	Ўзбекистон	6237	5055	3910	62,6	61,0	61,0
2	Туркманистан	1258	1448	1320	12,6	17,5	20,6
3	Тоҷикистон	1011	838	552	10,1	8,8	8,6
4	Озарбайжон	884	642	370	8,9	7,8	5,8
5	Қозогистон	357	323	210	3,6	3,9	3,3
6	Қирғизистон	215	80	45	2,2	1,0	0,7

Уларнинг табиий-иқлим шароити бир-биридан анча фарқ қиласиди. Марказий Осиё республикаларининг иқлими анча қуруқ, атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори кам, ҳавонинг ҳарорати кўклам ва ёз ойларида юқори, куз ойларида Кавказортига нисбатан бирмунча паст бўлади.

Марказий Осиё регионада ғўзанинг Г.hirsutum турига мансуб ўрта толали ва Г.барбадензе турига мансуб ингичка толали навлари экиласиди.

4. Ғўза маҳсулотлари, уларнинг ҳалқ хўялигидағи аҳамияти

Ғўза ўсимлиги техник экинлар ичидаги энг қимматли ўсимлик бўлиб, у асосан пахта толаси олиш учун экиласиди. Пахта толаси жуда кенг миқёсда ва турли мақсадларда ишлатилади. Пахта хом ашёси ва унинг турли қисмлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бундай хусусиятлар бошқа табиий ва сунъий толаларда учрамайди. Уни микроскоп остида кўрганимизда спирал шаклида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам пахта толалари эластиклик хусусиятига эга, дастгоҳларда улар бир-бирига яхши уланади.

Ғұза үсімлигидан 200 хилга яқын кенг истеъмол моллари ва техникабол маҳсулотлар олинади. Бир тонна пахта хом ашёсідан 320-340 кг тола, 560-580 кг чигит олинади. 340 кг толадан үз навбатида 3500 м² газмол, 580 кг чигитдан эса 112 кг ёғ, 10 кг совун, 270 кг кунжара, 170 кг шүлхә ва 8 кг линт ишлаб чиқарилади.

Пахта тозалаш заводларида дастлабки ишлаш жараёнида чигитдан узунлиги 20 мм дан ошадиган тола, толасининг узунлиги 20 мм дан қисқа момик (линт) ва толасининг узунлиги 3 мм дан кам делинг ажратилади. Пахта толаси енгил саноатнинг тұқимачилик ва бошқа тармоқларида ишлатилади.

Индустриянинг озиқ-овқат, кимё, электроника, авиаация, автомобил саноати каби тармоқлари ҳам пахта тозалаш саноати маҳсулотларидан фойдаланади.

Пахтадан ип йигирилади, пахта ва момиқнинг бир оз қисмидангина медицина, кийим ва мебель таҳтаси ҳозирлаш, ҳар хил буюмлар, қистирма (прокладка)лар, сузич қофоз ва қофозлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Агар бир килограмм толаны ип шаклида йигирилса, ундан 8 метр сурп ёки 12 метр чит ҳамда 150 метр ғалтак ип тайёрлаш мүмкін ёки йигирилган тайёр ипдан асосан чит, сурп, сатин, майя, вальта марказет, вуаль, батист, поплин, зефир, тафта, кашмир, шотландка, байка каби түрли газламалар тұқилади.

Бундан ташқари, пахта или (асосан ингичка тола или) билан сунъий ипак аралаштирилиб, юқори сифатли газламалар, масалан, саржа, сатин-дубль, костюмбоп газламалардан: репс, трико, диогнасъ, ярим духоба, меланж трико, коверкот тұқилади. Тола аралашмаси материалларидан корд (машиналар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари учун) ва кирзалар ишлаб чиқариша фойдаланиш мүмкін экан.

Бир тонна чигитдан эса 170 кг мой, 400 кг кунжара, 50-60 кг момик, 60 кг үсімлик оқсили, 300 кг шулхә олинади. Бундан ташқари, ундан маргарин, кирсовун, атир совунлар, алиф мойи тайёрлашда фойдаланилади. Ҳозирги вақтда чигит таркибидаги мой кимёвий усулда тұлық ажратыб олинмоқда. Бу эса чигитдан чиқадиган мой миқдорини ошириш имконини беради.

Ғұзапоядан халқ хұжалигыда үтін сифатида фойдаланилади. Баъзи хұжаликларда у ўрыб олинади ва майдаланади, сүнгра

чорва молларини боқиш учун сершира ва тўйимли концентрат озукалар билан аралаштириб берилади. Ўзаси вилт билан касалланмаган майдонларда гўзапоя маҳсус майдалагич мосламалар билан даланинг ўзида майдалаб ташланади, сўнг ер ҳайдалади. Бунда бир тонна гўзапоя қиммати бўйича 15-20 кг азотга тенг. У органик ўғит сифатида тупроқнинг физик, кимёвий ва микробиологик хусусиятларини яхшилади. Ҳозирги вақтда саноатда гўзапоядан тахта плиталар тайёрланиб, қурилиш материали сифатида ва саноатда мебель ишлаб чиқариш учун ишлатилмоқда.

1 кг чигитли пахтада тахминан 6000-10000 дона чигит бўлади. Ўрта ҳисобда чигитнинг бўйи 12 мм, эни 5 мм, қалинлиги 4-5 мм га тенг.


Чигитнинг мағзи жуда қимматли хом ашё ҳисобланади. Мағиз чигит умумий оғирлигининг 40-70 фоизини ташкил қиласди. Чигит ва унинг мағзидан мой, совун, глицерин, спирт, оқсил моддалар, фосфорит ва госсипол каби моддалар олиш мумкин. Фосфорит таркибида инсон организми учун зарур модда: В₄ ва В₃ витаминлари мавжудлиги билан ажralиб туради.


Гўзапоядан яна целлюлоза, дағал қофоз, техник спирт, фурфурол каби маҳсулотлар олинади. Гўза баргидан олма, лимон кислоталар олиш мумкин. Гўза ўсимлиги ва унинг гули сершира бўлгани учун бир гектар ердаги гўзадан ўртacha 100-200 кг нектар асал олса бўлади (1-расм).

Гўза ўсимлиги қолдиқларидан чигит пўстлоги - шулхани гидролиз қилиш натижасида бир қанча маҳсулотлар олинади. Охирги қолдиқ лигнин бўлиб, уни азот кислотаси билан парчалаш натижасида ўстирувчи модда олинади.

5. Гўзанинг ботаник синфлари

Гўзанинг ҳозирги пайтда тарқалган барча тур, шакл ва навлари Госсипиум авлодига мансубdir. Бу авлод гулхайридошлар (Malvaceae) оиласига киради. Баъзи ботаниклар бу оиласга нисбатан гўзадошлар деган атамани ҳам ишлатишади. Каноп ва дағал каноп, бамия каби луб тола берадиган ўсимликлар ҳам шу оиласга мансубdir.





1-расм

Үсімліклар дунёсини, жумладан ғұзани синфларга бўлиш билан қадимги замон олимлари ҳам шуғулланишган. Эрамиздан илгариги V асрда Геродот, IV асрда Теофраст, эрамизнинг X-XI асрларида Беруний ғұзанинг мұкаммал бўлмаган таърифини беришган. Бунда баъзи үсімлік турлари бир-бири билан аралаштириб юборилган. Масалан, ғұза унга бирмунча яқин бўлган бамбакс оиласига қарашли үсімліклар билан чалкаштирилган.

XVIII асрда яшаган швед олимни Карл Линней үсімлікларнинг дастлабки синфларини илмий жиҳатдан асослаб берди. У Госсипиум авлодини 5 та турга бўлиб, бундан кўп ҳам, кам ҳам бўлмайди, деб таъкидлади.

К. Линней ўз синфлашини фақат қоритилган гербарий асосида тузган. Бу синфлаш сунъий ва метафизик деб ҳисобланади. Лекин шунга қарамай, К. Линней үсімліклар дунёси систематикасининг ҳисобланади.

К. Линней синфлашидан кейин ҳам қатор ботаник олимлар Госсипиум авлодини қайта-қайта синфларга бўлдилар. Табиатда янгидан-янги ғұза шаклларининг вужудга келиши, селекция ишлари туфайли янги навларнинг яратилиши бунга сабаб бўлди. Тадқиқотчилар Госсипиум авлодини турлича миқдорда синфларга ажратдилар.

1-расм(18-бетда). Ғұза үсімлігидан олинадиган асосий маҳсулотлар.

1-фланель; 2-сочиқбоп газлама; 3-вискоза; 4-сатин; 5-трикотаж; 6-чит; 7-ич кийимбоп газлама; 8-штапель; 9-тукли газлама; 10-пахта; 11-пух пахта; 12-ип; 13-калава; 14-фибра; 15-целлофан; 16-шнур; 17-целлюлоза; 18-қоғоз; 19-тола; 20-чигит; 21-ацетил-целлюлоза; 22-сунъий шойи; 23-ацетат шойи; 24-сунъий фетр; 25-синмайдиган ойна; 26-динолеум; 27-брезент шланга; 28-сунъий чарм; 29-изолента; 30-картон; 31-кунжара; 32-чигит магзи; 33-шулха; 34-капрон; 35-нейлон; 36-витамин Е; 37-фитин; 38-сунъий каучук; 39-каллодий; 40-портловчи модда; 41-самолёт лаки; 42-фотоплёнка; 43-алиф; 44-стеорин; 45-глицерин; 46-мой; 47-совун; 48-глюказа; 49-лигнин; 50-вино спирти; 51-эндотал; 52-поливильванли смола; 53-фурфорол; 54-картон; 55-фильтр қоғоз; 56-электр шнури; 57-ёнилғи; 58-спирт; 59-углекислота; 60-поя ва чанок; 61-барг ва пўстлоқ; 62-кальций оксалат; 63-смола; 64-лимон кислотаси; 65-крахмал.

Ууман олганда, XVIII асрда Линней тузган синфлашдан бошлаб бизнинг асримизгача тузилган барча синфлашларда Госсириум авлодининг эволюцияси ёритилмаган, деган холосага келиш мумкин. Бу синфлашларда гўзанинг биологик хусусиятлари, яшаш шароити, физиологик, цитологик ва бошқа жиҳатларига мутлақо эътибор берилмаган.

Г. С. Зайцев Госсириум авлодини замонавий синфлаши Тошкент яқинидаги Туркистон марказий селекция станцияси (Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилик илмий-текшириш институти)да амалга оширди. Олим гўза ўсимлиги билан шугулланиб, уни биологик-физиологик ва цитологик жиҳатдан ўрганиш, унинг табиий ҳолда Ер юзида тарқалишини таҳлил қилиш орқали синфларни тузиб чиқди. Г.С.Зайцев гўзанинг экиладиган шаклларинигина тадқиқот обьекти қилиб олди ва маданий гўзаларни 4 та кенжга гурухга бўлди.

Г. С. Зайцевнинг синфлаши текшириш ва тадқиқотларга асосланганлиги сабабли бундан илгари тузилган гўза систематикалигига қараганда анча мукаммал эди. Бироқ у ўз синфлашида ёввойи гўзаларни эътибордан четда қолдирди.

С.С.Канаш, А.И.Автономов, С.М.Мираҳмедов ва бошқалар эса гўзанинг янги навларини яратишда кўп йиллик ёввойи гўзаларнинг муҳим хусусиятларидан ҳам фойдаланишди. Чунки ёввойи гўзаларнинг баъзи формаларига вертициллёз ва фузариз вилтига, бактериоз, илдиз чириши касалликларига ва совуққа, баъзи ҳашаротлар таъсирига ўта чидамлилик, ернинг шўрланишига анча мойиллик хосдир.

Гўзанинг айрим ёввойи турлари серкўсак, тезпишар, толаси ялтироқ ипаксимондир. Бундай хусусиятлар маданий гўзаларда йўқ.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, Г.С.Зайцев ўз синфлашини ниҳоясига етказмаган эди. Кейинги олимлар унинг гўза синфлашини бирмунча тўлдиришибди. Улар баъзи ёввойи турларни ҳам синфларга киритишибди. Ҳозирги вақтда Ж.Хатчинсон (Г.Н.Саундарс киритган қўшимчалар билан), Ф.М.Мауэр ва Л.А.Абдуллаевларнинг синфлашлари қўлланилади.

Жумладан, Ф.М.Мауэр гўзанинг Госсириум авлодини 35 та турга бўлган. Бундан 30 таси ёввойи ва 5 таси экиладиган маданий тур ҳисобланади (G. Hirsutum, G. Barbadense, G. Herbaceum,

C. Arboreum ва *G. Tricuspidatum*). Унинг систематикаси бўйича, гўза авлоди филогенетик ривожланиш ва бошқа белгиларига кўра битта умумий аждоддан ҳар хил даврда келиб чиқсан учта филогенетик тармоқ ва гуруҳдан иборат учта кенжка авлодга бўлинади.

Ф.М.Мауер экилаётган ўрта толали гўзани учта гуруҳга: Ўрта Осиё, Кавказорти ва Шимолий Кавказ-Украина гуруҳига ажратади ва айни вақтда ҳар бир гурухни яна кенжка гуруҳларига: Ўрта Осиё гурухини - жанубий, марказий, шимолий ва тоғ олди; Кавказорти гурухини - шарқий текислик ва ғарбий тоғ олди; Шимолий Кавказ, Украина гурухини - Шимолий Кавказ ва Украина кенжка гуруҳларига бўлади.

Шунга ўхшаш ингичка толали гўзани иккита: Турон ва Озарбайжон гуруҳига бўлади. Туron гурухини эса шарқий ва ғарбий кенжка гуруҳларига ажратади. Озарбайжон гурухи кичик бўлганилиги учун уни кенжка гуруҳга бўлмаган.

Бу иккала турнинг тартибий синфланишини шартли, деб айтиш мумкин. Тўғри, бунда уларнинг биологик ҳусусиятлари ва ташқи шароитга бўлган талаблари ҳисобга олинади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, баъзи гўза навлари марказий ва шимолий гуруҳ минтақаларида ҳам экиласди.

А. Абдуллаев Мауернинг ишини давом эттириб, табиатда *Gossypium L.* авлодининг 37 та тури мавжудлигини, шундан 4 таси маданий эканлигини исботлади. У Мауер таърифлаган бешта маданий турнинг биттасини, яъни *G. Tricuspidatum L.* тури кўп жиҳатдан *G. hirsutum L.* га ўхшаб кетганлиги учун уни шу турга кенжка тур қилиб қўшди.

6. Гўза турлари ва уларнинг биологик, морфологик ҳусусиятлари

1. *Gossypium hirsutum* табиий ҳолда Марказий Америкада жойлашган Мексика территориясида тарқалган. Мазкур турга мансуб гўзаларнинг кечпишар ва эртапишар навлари мавжуд. Мамлакатимизда ўстирилаётган ўрта толали гўза навлари ҳам шу турга мансуб. Ер юзида етиширилаётган пахта толасининг тах-

минан 70% и шу турдан олинади. Бизда экилаётган *G. hirsutum* L. навларининг биологик хўжалик таърифи қуидагича: амал даври узун, 110-150 кун. Битта етилган кўсакдан чиқсан чигитли пахтанинг вазни 5-8 г ва ундан кўпроқ, тола узунлиги 30-31 мм дан 34-36 мм гача, тола чиқиши 32-40% гача, 1000 дона чигитининг вазни 100-140 г. Чигити тукли ёки туки чигит сиртида сийрак бўлади. Чигитининг 20-25% ини мой ташкил қиласи. *G. hirsutum* L. турининг экилаётган кўпчилик навлари гоммоз, илдиз чириши ва вилт касалликларига мойилроқ бўлади (4-жадвал).

4-жадвал

Gossypium L. авлодининг турлари

№	Gossypium авлодининг турлари	Хромосо- малар сони		Геном Струк- тураси	Табиий ҳолда тарқалган жой
		Дип- лоид (2n)	Гап- лоид (n)		
1	2	3	4	5	6
<i>Янги дунё ёёввойи турлари</i>					
1	<i>G. aridum</i> (Rose and standl) Skovsted	26	13	D_4	Калифорниянинг жануби
2	<i>G. armouri-anum</i> Kearney	26	13	D_{2-1}	Мексиканинг Тинч океани қирғоги
3	<i>G. harknessii</i> Brandg	26	13	D_{2-2}	Мексиканинг соҳилбўйи
4	<i>G. klotzschianum</i> Anderss	26	13	D_3-K	Мексиканинг ғарби
5	<i>G. davidsonii</i> Kell	26	13	D_3-D	Галапагос ороллари
6	<i>G. raimondii</i> Ulbr	26	13	D_5	Перу
7	<i>G. thurderi</i> Tod	26	13	D_1	Аризона, Мексика
8	<i>G. gossypoides</i> (Ulbr) Standl	26	13	D_6	Аризона, Мексика
9	<i>G. lobatum</i> Gentry	26	13	D_7	Аризона, Мексика
10	<i>G. trilobum</i> (Mos et Sess ex DC) Skovsted	26	13	D_8	Аризона, Мексика
<i>Эски дунё ёёввойи турлари</i>					
11	<i>G. anomalum</i> Wawra et Peyr	26	13	B_1	Ғарбий Африканинг жануби
12	<i>G. triphyllum</i> (Harv) Hochr	26	13	B_2	Сомали, Саҳрои Кабир
13	<i>G. bardo sanum</i> Phill and Clem	26	13	B_3	Яшил Бурун ороли

1	2	3	4	5	6
14	<i>G. capitis-viridis</i> Mauer	26	13	B ₄	Яшил Бурун ороли
15	<i>G. stockii</i> Mast	26	13	E ₁	Арабистон
16	<i>G. somalense</i> (Gurke) Hutch	26	13	E ₂	Африка
17	<i>G. arevsianum</i> Defl	26	13	E ₃	Арабистон
18	<i>G. incanum</i> (Schwartz) Hillc	26	13	E ₄	Арабистон
19	<i>G. longicalyx</i> Hutch Lee	26	13	E ₅	Африка
<i>Эски дүнёнинг маданий турлари ва үларнинг ёввойи шакллари</i>					
20	<i>G. herbaceum</i> L.	26	13	A ₁	Африка ва Осиё
21	<i>G. arboreum</i> L.	26	13	A ₂	Африка ва Осиё
22	<i>G. herbaceum</i> var <i>africanum</i> (Watt) Hutch	26	13	A	Африка ва Осиё
23	<i>G. herbaceum</i> var <i>acerifolium</i> (Guill et Perr) Chevalier.	26	13	A	Африка ва Осиё
<i>Австралия ёввойи турлари</i>					
24	<i>G. sturtii</i> Mull	25	13	C ₁	Марказий Австралия
25	<i>G. radissonii</i> Mull	26	13	C ₂	Австралия гарби
26	<i>G. australe</i> Mull	26	13	C ₃	Австралия шимоли-гарби ва шимоли
27	<i>G. bickii</i> Prokh	26	13	C ₄	Квисленд, Австралия
28	<i>G. cistostylatum</i> Tod	26	13	C ₅	Австралия гарби ва шимоли-гарби
29	<i>G. cunninghamii</i> Tod	26	13	C ₇	Австралия гарби ва шимоли-гарби
30	<i>G. populifolium</i> (Benkth) Mull	26	13	C ₆	Австралия шимоли
31	<i>G. pulchellum</i> (Gardn) Fryx	26	13	C ₈	Австралия гарби ва шимоли-гарби
32	<i>G. timerense</i> Prokh	26	13	C ₆	Тимор ороллари
33	<i>G.sturtianum</i> var <i>nandawa-rense</i> (Der) Fryx	26	13	C _{1-п}	Австралия
<i>Янги дунёнинг ёввойи ва маданий турлари</i>					
34	<i>G. hirsutum</i> L.	52	13	(АД)1	Мексика жануби
35	<i>G. barbadense</i> L.	52	26	(АД)2	Перу ва Галапагос оролла- ри

1	2	3	4	5	6
36	<i>G. tomentosum</i> Nutt ex Seem	52	26	(АД3)	Гавай ороллари
37	<i>G. tricuspidatum</i> Lam	52	26	(АД)	Антил ороллари ва Бразилия шимоли-шарқи
38	<i>G. mustelinum</i> Miers ex Watt	52	26	(АД)	

Морфологик белгилари: ердан униб чиққан ёш ўсиммик туксиз ёки бироз туки уруғбарг остики почасида бўлади. Уруғбарги яшил, буйраксимон шаклда, уруғбарг банди яқинида қизғиш доғи бор. Пояси яшил, баъзи навларида қизил бўлиши мумкин. Поя сиртида кўпинча қизғиш (антацион) доғ бўлади. Поя ва новдаларда майда қора нуқтаси (бези) бор. Поянинг ўсиш нуқтасига яқин қисми туклар билан қопланган. У ўсан сари пастки қисмидаги туки тўклиб бораверади. Поя шакли бута, бутасимон, бўйи 80-120 см. Шохланиши симподиал турга киради. Кўпинча симподиал шохлар сони парваришга қараб 13-16 тага етганда чилпиш ўтказилади. Унинг айримларида 20-25 тагача ҳосил шохлари бўлиши мумкин. Ҳосил шохларининг шохланиши кўпинча I-II кенжак турга, тезпишарлари I кенжак турга ва кечпишарлари эса II-III кенжак турга киради. Поянинг пастки қисмida нав хилига қараб 1-2, баъзан 3 тагача ўсув (моноподиал) шохи бўлади.

Барги навига ва парваришга қараб хар хил катталиқда бўлади. Барг шапалоги қисқа учбуручаксимон бўлакларга бўлинган (3-7 та) бўлиши мумкин. Барги сийрак, тукли. Барг шапалогининг орқа томонидаги катта ва ён томирлар асосида тўғарак шаклдаги нектарниги бўлади. Нектарникка шира ажралиб туради. Булар барг шапалогининг бандига яқинроқ жойда жойлашган. Барг шапалогининг ранги навига қараб оч ёки тўқ яшил рангда. Барг бандининг пояга ёки новдага туташган жойида иккитадан қулоқсимон барг ёнлиги ўсиб чиқади, улар 2-3 ҳафтадан кейин куриб, тўклиб кетади.

Мева банди, одатда, йўғон, узунлиги 3-5 см бўлади.

Гул ёнлиги катта, чети арра тишли, тишлари бир-бирига параллел бўлиб ўсади. Тишлар сони 5-7-11 та. Гул ёнлигининг остида сиртқи томонида шира чиқариб турадиган битта нектарник

мавжуд. Косача чети беш тишли ёки тўлқинсимон бешта чиқиқдан иборат. Гул ичидан ҳам (гул косада) нектарник бўлиб, унда туклар бор. Гул тохиси ўртacha катталикда оқ-сарғиш рангда, баъзан оқиш ва новвот ранг, уларнинг сони одатда бешта бўлади. Оталик чангдони ва чанги, одатда, сарғиш ёки хира оқиш рангда.

Кўсаги 4-5 чаноқли, тухумсимон, чўзик думалоқ шаклда. Кўсак сирти пишиб очилгунча чаноқ чегаралари тилимли чок билан чегараланиб туради. Кўсак пишгунга қадар оч яшил ёки яшил, пишганда эса жигарранг тус олади. Пишган кўсак яхши очилади, пахтаси лўппи, кўсакдан чиқиб туради. Чигити тухумсимон, пахта толаси оқ. Ҳар хил товланади. Баъзи турлараро чатиштириб олинган навларида эса оч пушти, новвотранг, малларанг ёки яшил тусда ҳам бўлиши мумкин.

2. *Gossypium barbadense* L. табиий ҳолда Жанубий Американинг Перу, Бразилия, Боливия давлатларида ҳамда Барбадос оролларида учрайди. Илгари бу тур биринчи марта Барбадос оролларида топилгани учун систематиклар Барбадос тури деб аташган. Бироқ табиий ҳолда Перуда тарқалганлиги аён бўлгач, уни Перу гўзаси деб атай бошлашган. Бу тур гўзанинг толаси маданий гўзалар толаси ичидаги энг қимматлиси ҳисобланади. Шунинг учун бу навга бўлган талаб жуда катта. Турнинг ҳосилдорлиги пастроқ. Унинг турли навлари Перу, Бразилия, АҚШ, Миср, Судан, Туркия, Эрон каби ўсув даври етарли бўлган давлатларда етиштирилади. Мисрда бу гўза катта майдонларда экилади ва у ерда энг яхши навлар яратилган. Миср пахта толасини экспорт қилиш бўйича дунёда биринчи ўринда туради.

Gossypium barbadense L. турига мансуб гўза навларининг биологик-хўжалик таърифи: ўсув даврининг узунлиги 130-155 кун. Баъзи навлари ҳатто ўрта толали гўза навларидан эрта гуллайди ва эрта пишади. Аммо кўсакларининг навбатма-навбат етилиб пишиши секин боради. Битта пишган кўсакдаги чигитли пахта массаси 3,0-4,2 г, тола узунлиги 35-36 мм дан 40-42 мм гача, тола чиқиши 30-36%. Чигит сиртидаги тук сийрак, у курларанг ёки кўкимтир бўлиши мумкин. 1000 дона чигитнинг массаси 120-140 г. Таркибидаги мой миқдори ўрта толали гўза чигитидагидан кўпроқ.

Бу тур навлари ҳам фузариоз вилти, илдиз чириши ва гоммоз касалликларига мойилроқ.

Морфологик белгилари: чигити тупроқдан униб чиққанда, уруғбарги остики почасида тук бўлмайди. Уруғбарги йирик этли, яшил рангда, қуи қисмида билинар-билинмас қизғиш доги бор. Бош пояси ўрта толали ғўза навлариникига нисбатан баланд ва йўғон, поя сирти бирмунча қизғиш, майда қора нуқтачалари бор, танаси сийрак туклар билан қопланган ёки кўпинча тук бўлмайди. Бош пояси ўсиш нуқтасига яқин бўлган жойда тук кўпроқ бўлади. Бош поянинг бўйи 90-110 см. Симподиал шохларининг ҳосил шохи чекланмаган турга, яъни III-IV кенжга турга киради. Демак, тути тарвақайлаб (ёйик) ўсади. Шу билан бирга қатор ғўза навлари шохламай ўсади. Бунда мева бош поянинг барг қўлтигидан, тўғридан-тўғри куртакларидан ўсиб чиқади. У шартли равишда «нулёвка ғўза» деб аталади. Ғўза чеканка қилинмаса, бош пояда 20-30 талаб ҳосил шохлари ёки бўғимларда мевалар ҳосил бўлади. Бу шаклдаги «нулёвка ғўзалар» жуда хипча бўлиб ўсади.

Барг шапалоги йирик, 3-5-7 бўлакли, шакли чўзилган учбурчак, юраксимон, кертиги унча чуқур эмас. Ранги тўқ яшил. Барг шапалоги томирларининг тугунчалари қизғиш рангда бўлиб, билиниб туради. Унинг орқа томонидаги йўғон томирларида биттадан уттагача шира чиқарадиган нектарниги мавжуд.

Барг бандининг тагида иккитадан чўзиқ наштарсимон барг ёнлиги бўлади. У ҳам ўрта толали ғўзаникига ўхшаб узоқ яшамайди. Кўсак банди бирмунча йўғон, узунлиги 10 см гача бўлиши мумкин. Гул ёнлиги одатда учта, четлари арра тишли.

Гулкосачанинг юқориги чети тўлқинсимон ёки текис бўлиб, бешта чизиги бор. Косача таг қисмининг ташки томонида, гул ёнликларининг ўртасида биттадан нектарник бўлиб (ички гулдан ташқари ички нектарник), одатда туксиз. Гулнинг ички қисмидаги нектарниги эса кўпинча тукли. Гултожиси йирик, тўқ сариқ, баъзан новвот рангда ҳам бўлади. Гултожисининг пастки қисмида қизғиш ёки оч жигарранг холи бор. Гултожилари катта бўлгани учун уларнинг ёnlари бир-бирига киришиб кетган, очилганда эса карнайга ўхшаб кетади. Ботаникада буни тўлиқ очилмаганилиги учун клейстогамия гули деб ҳам аталади.

Оталик чангдони ва чангдончалари түқ сариқ, қисман новвот рангда бўлади.

Кўсагининг шакли тухумсимон, конуссимон, чўзиқ, тумшуғи узун, бъязан калта найзасимон, учтўрт чаноқли. Қисман беш ёки икки чаноқлиги ҳам учраб туради. Кўсак сирти майда чукурчали бўлиб, унда қора нуқта бор. Ранги түқ яшил. Кўсак сиртида бўйига томон чаноқ сонини кўрсатадиган чоклари бор. Пишганда чоклар бир-биридан ажралиб, кўсак очилади.

Чигити тухумсимон, ноксимон. Толаси олинган чигитининг халаза (йўғон кенг қисми) ва микропиле (ингичка узун қисми) томонлари сийрак тук билан қопланган. Туклари ҳар хил: оқ, қўнғир ва зумрад рангда бўлади. Толаси узун, ингичка, пишиқ ва эластик ипаксимон, оч кулранг ёки новвот ранг.

Назорат учун саволлар:

1. *Ғўза ўсимлигининг келиб чиқиши?*
2. *Дунёниг қайси мамлакатларида гўза экиласди?*
3. *Ер юзида ўртacha қанча майдонга гўза экиласди?*
4. *Дунёда ҳар йили ўртacha неча тонна тола етиштирилади?*
5. *Марказий Осиёниг қайси мамлакатларида гўза экиласди?*
6. *Ғўза ўсимлигидан олинадиган маҳсулотлар ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти?*
7. *Ғўза қайси ўсимликлар оиласига киради?*
8. *Ғўзанинг нечта тури бор, шундан қанчаси маданийлашган?*

II бөб

ҒҮЗАНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Бошқа қишлоқ хўжалиги ўсимликларида бўлгани каби ғўзада ҳам унинг ўсиши ва ривожланиши процессида бир қатор органлар - илдиз, поя, шохлар, барглар ва гуллар ҳосил бўлади. Гуллардан мевалар, кўсаклар пайдо бўлади. Кўсаклар ичидаги то́ла ва чигитлар етилади.

Бу органлардан ҳар бири ғўзанинг ҳаётида ўз вазифасига эга бўлиб, маълум функцияни бажаради.

1. Ғўза илдиз тизимининг морфологик тузилиши ва ривожланиши

Ғўза илдизи ўқ илдиз тибида бўлади. У асосий ўқ илдиздан ва ён илдизлардан иборат. Ўрта Осиё далаларида яхши ўсиб тўла шаклланган ўсимликнинг асосий ўқ илдизи бўғзининг диаметри ғўзанинг турига, навига, ўсиш шароитларига қараб 1,0-1,5 см, баъзан 2,0 см гача ва ҳатто 3,0 см гача бўлади.

Етилган ўсимликда асосий ўқ илдизнинг устки қисми пастроқдан ингичкалашиб, 20-25 см чуқурликда диаметри 2-3 мм ли ингичка томирча ҳолида бўлади. Ўқ илдиз бундан ҳам чуқурлашган сари ингичкалашиб боради.

Ер бетидан 4-6 см пастроқда ўқ илдиздан биринчи тартибдаги ён илдизлар ҳосил бўлади. Улар ўқ илдиз атрофида тупроқ ичидаги ёйилади. Биринчи дараражали ён илдизлардан ингичкароқ, иккинчи тартибдаги ён илдизлар ўсиб чиқади, улардан эса яна ҳам ингичкароқ учинчи тартибдаги илдизлар ўсиб чиқади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ён илдизларнинг тупроқ орасига тарқалган қалин илдиз тизими ҳосил бўлади.

Үсіб етилган ғұзада асосий үқ илдиз ва қаріб ёғочға айланған ҳар хил тартибдаги ён илдизларнинг усти жигар рангли пүк как түқимаси билан қопланади. Ёш ён илдиз тармоқчалари жуда нозик ва оқ бўлиб, улардан майда тукчалар үсіб чиқади. Ёш үсимликтиннинг ҳатто биринчи тартибли ён илдизларида ҳамда үқ илдизда пўк как түқимаси ҳосил бўлгунча тукчалар бўлади. Тукчалар оқ илдизчалар билан биргаликда ердаги сувда эриган минерал озиқ моддаларни сўриб олади. Шунинг учун уларни ишchan илдизлар, деб атайдилар.

Дагаллашган жигар рангдаги илдизларга суюқлик ўтказувчи илдизлар, деб аталади. Улар ердан олинган озиқ моддаларни ва сувни үқ илдизга ўтказади.

Озиқ ва сув үқ илдиздан пояга, поядан новдаларга ва баргларга ўтади. Баргларда бу озиқ зритмалари ҳаводан олинган углерод билан биргаликда алоҳида органик моддаларга айланади. Шу хилда ҳосил бўлган органик моддалар барглардан үсимликтиннинг барча организмига тарқалади.


Амал даврининг охирида асосий үқ илдиз ерга 1,5-2, баъзан 2,5 м гача чуқур кетади. Ён илдизлар эса унча чуқурга кетмайди; баъзан улардан айримларигина асосий үқ илдиз борган чуқурликкача етади.

Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерларида үқ илдиздан ён атрофга тупроқнинг юза қаватида ён илдизлар кетади. Уларнинг узунлиги 0,75-1,0 м ва ҳатто 1,5 м гача етади.

Ғўзанинг илдизлари тупроқда анча чуқур кетса ҳам, илдиз тизимидағи ён тармоқларнинг асосий қисми суғориладиган ерларда тупроқнинг 40-50 см чуқурликдаги қаватида бўлади (2-расм). Шундай бўлса ҳам ён илдизларнинг анча қисми 1 м чуқурликкача етади.

Ғўза озиқ ва намликни асосан мана шу бир метрлик қатламдан олади. Бу қатлам ғўза илдиз тизимининг ишчи чуқурлиги деб аталади.

Тупроқ-иқлим ва бошқа шароитларига қараб илдиз тизимининг бу ишчи қатлами ўзгариши мумкин. Маълумки, турли ўсиш даврларида ғўза илдиз тизимининг ишчи чуқурлиги ҳар хил бўлади, у ғўзанинг ўсишига қараб то кўсак етила бошлагунча астасекин ортиб боради.



2-расм. Сугориладиган ердаги ғұза илдизи

Түр ва навлари ҳар хил бўлган ғўзаларнинг илдиз тузилиши ҳамда ривожланишида кескин фарқ бўлиши мумкин.

Кечпишар ғұза навларининг илдиз тизими тезпишар навларнидан кучлироқ бўлади. Бундан ташқари, ҳар хил навларнинг ён илдизлари тупроқ қатламлари бўйича турлича тақсимланиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси турли тупроқ, иқлим шароитида ўстириш учун ғұза навини танлашда ҳар хил навларнинг илдиз тизими ривожини ҳисобга олишни талаб қиласди.

Ғўзанинг илдизи чигит унишидан бошлаб ривожланади. Муртак илдизаси чигит униши билан тезда тупроқ ичига киради. Сўнгра илдиз ерга маҳкамланиши билан муртакнинг уруғбарги ўрнашган жойи ўса бошлайди. Натижада уруғбарг почаси ҳосил бўлиб, уруғбаргни ер бетига кўтариб чиқаради. Шу билан ниҳол кўкариб чиқсан бўлади (3-расм).



3-расм. Ғўза илдизларининг ривожланиши.

Ғўза майсаси ер бетига чиққандан кейин 5-6 кун ўтгач, ғўзанинг асосий ўқ илдизидан дастлабки ён илдизлар пайдо бўлади. Ўша вактда ўқ илдизнинг узунлиги 12-15 см.га боради.

Ғўзанинг дастлабки яшаш даврида унинг илдизи жуда тез, поясаси эса жуда секин ўсади. Масалан, 15 кунлик ғўза майсасининг асосий ўқ илдизи поясига қараганда 3-4 марта узун бўлади.

Илдиз тизими ғўза авж олиб гуллагунча тез ўсиб борса ҳам, ўша даврга келгач, секин-аста сусаяди. Ғўза ялпи гулга кирган

вақтда илдиз тұла-тұқис ривожланиб олған ва бундан кейин унинг үсиши билинар-билинмас бўлади.

5- ва 6-жадвалларда 13-15 ва 50-70 кунлик (гуллай бошланган) ғўзанинг илдиз тизимини ўрганишдан олинган хуносалар келтирилган.

Ғўза илдизларининг тез ёки секин үсишига унинг нав хусусиятларидан ташқари ташқи шароитлар - ҳарорат, намлик, тупроқдаги озиқ моддалар, илдизларга ҳавонинг етарли бўлиши, ғўзани парвариш қилиш ва шу кабилар катта таъсир этади. Бу шароитлар ғўза учун қанчалик қулай бўлса, илдиз системаси шунчалик тез ўсади.

Ўсимликнинг илдизлари намлика қараб ўсади. Шунинг учун ғўзанинг дастлабки ривожланиш даврида ҳаво ҳарорати юқори бўлмаганлиги ва тупроқнинг юза қаватида намлик заҳираси кўп бўлиши туфайли юзадаги ён илдизлар ўша қаватнинг ўзида ривожланади. Ўртача ҳаво ҳарорати кўтарилилгани сайн тупроқнинг юза қавати секин-аста қурийди ва илдизлар ундан етарли намлик топа олмасдан тупроқнинг нами кўп бўлган чуқур қаватига қараб ўсади.

Тупроқнинг юза қавати қуриб қолгандан кейин нозик ишчи илдизчалар қуриб кетади. Аммо ғўзага сув берилса, янги илдизчалар пайдо бўлади ва улар тупроқ яна қуриб қолгунча ишлайди.


Қуруқ тупроқда бу илдизчалар ҳам қурийди. Навбатдаги суғоришдан кейин тупроқнинг юза қисмида ишchan илдизчалар ҳосил бўлиб, тупроқ қуриб қолгунча хизмат қиласди.

Бинобарин, ёзги үсиш даврининг иссиқ пайтларида ғўзанинг илдиз системаси тупроқнинг юза қисмида бирдек яхши ишлай олмайди. Ғўза тупроқнинг юза қаватларидағи унумдорликдан қанчалик кўп ва тез фойдаланса, ғўзада кўсаклар шунчалик тез кўпаяди, пахта ҳосили шунчалик ошади.

Қаторлаб экилган ғўзанинг ён илдизлари ўқ илдиздан қаторнинг икки ёнига - златларга қараб кетади. Чунки илдизлар доим сувга қараб чўзилади. Ён илдизлар одатда ғўза қаторларининг узунасига қараб ривожланмайди.

Лалмикор ерга экилган ғўзанинг илдиз тизимини текширсак, шуни кўрамизки, тупроқнинг устки қаватлари жуда қуриб кетганилиги сабабли ён илдизлар ён томонларга узок кетмасдан нам

қидириб ер остига кетади. Тупроқнинг нам қаватида улар ишчан илдизчаларга эга бўлган ён илдиз тармоқчаларидан қуюқ тўр ҳосил қиласди (4-расм).



4-расм. Лалми ердаги ғўза илдизи.

Ерни ўғитлаш ҳам ғўзадаги илдиз системасининг ривожланишига таъсир этади. Илдиз системаси ўғитланган ерда ўғитланмаган ерга қараганда жуда яхши ривожланади.

Илдизнинг ривожланишига айниқса фосфор катта таъсир этади. Фосфор ишчан илдизлардан қуюқ тўр юзага келишига сабаб бўлади.

Ғўза ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиши ҳақидаги маълумотлар 5- ва 6-жадвалларда келтирилган.

5-жадвал

**Ғүза ўсимлигининг ўсиши ва ривожланиши
(ЎзПИТИ маълумоти)**

Ғүза навлари	Ғүзанинг тури	Ўсимликкниг катталини (кун хисобида)	Пая узунлиги {см жисоби- да}	Илдиз узун- лиги (см)		Илдизнинг кунига ўсиши (см)	
				асосий ўқ илдиз	ишчан илдизлар	асосий ўқ илдиз	ён илдиэларниг хаммаси
№ 1306 (тез пишар)	Госсипи- ум	13	12,2	39,3	227,5	3,2	15,1
№ 182 (ўрта тезпишар	Хирзуутум	14	14,0	34,5	220,5	2,5	18,2
Навроцкий (ўрта кечпи- шар	...	14	18,3	41,0	501,0	2,9	34,9

6-жадвал

**Ғүзанинг гуллаш даврида илдиз тизими
(ЎзПИТИ маълумоти)**

Ғүза навлари	Ғүзанинг бўйи, см	Илдиэларниг узунлиги (см)			Илдиэларниг бир кунда ўсиши (см)	
		асосий ўқ илдиз	жами ил- дизлар	ишчан илдизлар	асосий ўқ илдиз	ён илдиэлар
№ 1306	48,0	85	550,0	1599,0	1,60	48,50
№ 182	67,5	88	586,0	1731,5	1,52	46,20
Навроцкий	74,0	73	856,0	2516,0	1,29	54,70

Ғұзада илдиз системасининг ривожланишига тупроқнинг физик ва кимёвий хоссалари ҳам, масалан, тупроқнинг зичлиги, шүрланиши, еости сувларининг чуқурлуги катта таъсир күрсатади. Зич, оғир, соң тупроқда ғұзанинг илдиз системаси яхши ривожланмайды, илдизлар чуқур кетмайды. Жуда ҳам заранг тупроқда илдизлар күпинча юқорида жойлашади ва қінғирийшик бўлади.

Ҳайдалма қават тагидаги қаттиқ қатлам ҳам илдиз система-сига катта таъсир этади. Ўрта Осиёнинг сувли ерларида бу қатлам 22-30 см чуқурликда ётади. Ўқ илдиз қаттиқ қатламга етгач, уни тешиб ўта олмай, ён томонга эгилади. Илдиз қаттиқ қатлам устидан ўсиб бориб, қаттиқ қатламнинг ёрилган ёки юмшоқроқ жойидан яна пастга қайрилади. Илдизнинг қаттиқ қатлам таъсирида эгри-буғри бўлиши ғұзанинг ривожланишига ємон таъсир қиласи ва ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади.

Шўрланган тупроқ таъсирида ғұзанинг илдиз системаси умуман кичиклашиб кетади.

Илдиз тизимининг ривожланишига сувориш ва ўғитлаш каби агротехника тадбирларидан ташқари ғўза тупларининг жойлашиш қалинлиги ва ерга ишлов бериш ҳам таъсир этади.

Агар ғўза сийрак экилган бўлса, ишchan сўрувчи илдизларнинг қалин тўри тупроқнинг юза қаватларига жойлашади. Агар ғўза зичроқ қолдирилган бўлса, бу сўрувчи илдизлар чуқурроқ қаватларга жойлашиб олади. Бунинг сабаби шуки, ғўза зич экилганда илдизларнинг умумий миқдори кўп бўлади. Натижада тупроқнинг юза қаватларидаги намлиқ тезда сарф этилиб, илдизлар сув қидириб, тупроқнинг чуқур қаватлари томон кетади.

Ғўза туплари қалинлигининг ошиши илдизлар жойлашган қаватдаги озиқ моддалар ва намлиқдан тез ҳамда унумли фойдаланишига сабаб бўлади.

Пахта далаларида ўтказиладиган ишлов ҳам сув, ҳаво ва озиқланиш режимини ўзgartиши туфайли илдиз системасининг ривожланишига таъсир кўрсатади.

Ғўза қатор ораларини ишлашда кўпинча илдиз тизими зарарланади. Илдиз узилади, кесилади ёки ишлайдиган қуроллар ён илдизларни кесиб ташлайди. Илдизнинг кесилган ери тезда битиб кетади. Усти пўкак тўқимаси билан қопланади. Унинг четларидан бир қанча янги илдизчалар ўсиб чиқади. Улар

йўқотилган қисмлар ўрнини сезиларли даражада қоплади. Лекин илдиз системаси қаттиқ заарланган бўлса, ўсимликларга ва уларнинг ҳосилига катта зиён етказилади.

Илдиз тизимининг ўсимликлар ер устки қисми ўсишидаги ва пахта ҳосилдорлигининг қай даражада бўлишидаги ролини зътиборга олиб, унинг ривожланиши тегишли равишда бошқарилиши лозим. Суғориладиган районларда бу вазифани осонроқ ҳал этиш мумкин. Бунинг учун ерни тегишли равишда ишлаш ва суғориш керак.

2. Ёзга бош поясининг морфологик тузилиши ва ривожланиши

Асосий ўқ илдизнинг юқори қисми илдиз бўғзи орқали асосий пояга айланади. Ўсиб етилган ёззанинг пояси икки қисмдан иборат бўлади:

1) илдиз бўғзи билан уруғбаргчалари ўртасидаги пастки, кичикроқ қисми уруғбарг остки почаси деб аталади;

2) уруғбаргдан юқоридаги каттароқ қисми уруғбарг устки қисми деб аталади. Уруғбарг остки почасида чин барглар бўлмайди, уруғбарг устки қисмida эса барглар бўлади.

Асосий поянинг бўйи Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерлари шароитида навига ва ўсиш шароитларига қараб 70-80 см дан 120-140 см.гача, кўпинча 1 м.га яқин бўлади. Ингичка толали ёзга навларининг бўйи 120-150 см, баъзан 2 м.гача етади.

Ўрта Осиё шароитида ёзга поясининг диаметри остки қисмida 1,0-1,5, баъзан 2,0 см.гача етади. Ингичка толали ёзга навлариники эса бироз йўғонроқ.

Ҳар хил навларнинг пояси тукли ёки туксиз бўлади. Тукланиши жиҳатидан сертук ва камтук бўлади. Поянинг юқори қисми сертук, пастки қисмидаги туклар эса поянинг кексайиши ва дағаланиши орқасида тўкилиб кетади.

Ўрта толали ёзга навларининг пояси кўпинча тукли бўлади. Пояси туксиз ёззаларга ингичка толали ёзга мисол бўла олади, аммо улардан баъзи навларининг поясида бироз тук мавжуд. Поядаги туклар бир қаватли ва икки қаватли бўлади, икки қаватли тукланишда қисқа туклар билан узун туклар навбатлашиб жойлашади.

Бир қаватли тукланиш ўрта толали ғұзага ва ингичка толали ғұзага, икки қаватли тукланиш жайдари ғұзаларга хосдир.

Асосий поянинг ранги одатда яшил бўлади. Аммо оч, тўқ қизил поялар ҳам учрайди.

Поя қизил тус билан яхлит ёки қисман (қуёшга қараган томони) қопланган бўлади.

Поя рангига унинг тукланиш даражаси, шунингдек ўсимликнинг барглар билан қай даражада қопланганлиги ҳам таъсир этади. Поя қалин тук билан қопланиб, ўсимликда барглар кўп бўлса, қизил ранг заиф ҳолда бўлади, баъзан эса бутунлай бўлмайди.

Поянинг энг пастки қисми бир қанча бўғимларгача пўкак тўқимаси билан қопланган ва шу сабабли жигарранг тусда бўлади.

Асосий поя амал даврининг охиригача йиқилмай тик туриши катта аҳамиятга эга. Поянинг ётиб қолиши қатор ораларини ишлаш, ҳосилни териш (айниқса машина билан териш) ишларини қийинлаштиради. Бундан ташқари, поя ерга ётиб қолганида ҳосилнинг бир қисми бузилади ва нобуд бўлади.

Ётиб қоладиган ғұзаларнинг пояларидағи ҳужайра деворлари ётмайдиган ғұзаларнидан юпқа бўлади. Ётиб қолган ўсимликларнинг илдиз тизими, айниқса ўқ илдизнинг устки қисми яхши ривожланмаган бўлади.

Ҳар хил ғұза навлари ётиш миқдори жиҳатидан ҳам, ётиш даражаси жиҳатидан ҳам бир хилда бўлавермайди.

Кўп сугорилган ва азот билан ортиқча ўғитланган унумдор ерларда поя ётишга кўпроқ мойил бўлади. Ғұза туплари қалинлигининг бир текисда бўлмаслиги ва амал даврининг иккинчи ярмида тез-тез қаттиқ шамоллар эсиши ҳам ғұза пояларининг ётиб қолишига сабаб бўлади.

Унган чигитнинг муртак илдизчаси ерга ўрнашиб олгандан кейин уруғбарг почаси ўсади. Шу вақтдан асосий поя ривожлана бошлайди.

Уруғбарг остики почаси ўзининг устки томони билан тупроқда чигит пўсти ичида ётган уруғбарглар билан боғлиқ бўлгани учун ўсиш жараёніда мажбуран ёй шаклида эгилади. Уруғбарг ости почаси ўша ёй орқали тупроқни ёриб чиқади. Кейинчалик ўсиш натижасида уруғбарг остики почаси ёрилган чигит пўсти ичида ўса

бошлаган уруғбаргларни ажратиб олади. Сүнгра секин-аста түғриланиб, уруғбаргларни ер юзасига күтариб чиқади.

Уруғбарг буйрак шаклида ва ҳар хил ғұза турларида турли катталикда, оч, түк яшил рангда бўлади. Баъзи ғұза турларининг уруғбарглари шапалогида (устки томонида) банди олдида қизгиш дөғ (антацион дөғ) ҳосил бўлади. Масалан, ўрта толали ғўзаларда бундай дөғ мавжуд, жайдари ғўзада эса бўлмайди. Ингичка толали ғўзада бу дөғ заиф ҳолда бўлади. Бу ғўзада антацион дөғ ҳамма вақт ҳам бўлавермайди. Уруғбарг банди туклар билан қопланади.

Одатда уруғбарглар ер юзасига күтарилиб чиққанда яшил рангда бўлади. Баъзан нокулай шароитларда улар ер юзасига сарғиши ҳолда чиқади. Аммо бундай ҳолларда улар одатда уч кун ичида яшил рангга киради. Уруғбарглар ер юзасига күтарилиб чиққан пайтда, одатда бироз буришган ҳолда бўлиб, ўсиш натижасида тезда ёзилиб кетади.

Уруғбарглар ўсимлиқда амал даврининг охиригача сақланиб қолмайди. Улар ўз вазифасини тамомлагандан сўнг, яъни бир йўсинда ёш майсанни озиқ билан таъминлаб бўлгандан сўнг, ғўза гулга киргунча тўклиб кетади. Улар пояда бир-бирига қарама-қарши иккита из қолдиради. Поянинг уруғбарг бўғимини жуфт изларга қараб чинбарг бўғимидан осонликча ажратиш мумкин; чунки чинбарглар тўкилганда биттадан из қолдиради.

Ғўзанинг баъзи турларида, масалан жайдари ғўзада уруғбарг ости почаси туклар билан қопланган. Бошқа турларда эса, масалан ўрта толали ва ингичка толали ғўзада уруғбарг ости почаси туксиз ёки кам тукли бўлади.

Уруғбарг ости почаси ёш майсаннинг дастлабки кунларида жуда нозик ва мурт бўлади. Кейинчалик у аста-секин чўзилиб, йўғонлашади ва ёғоч тўқима ҳосил қилиб пишиқ бўлиб қолади. Шу билан бирга уруғбарг ости почаси баъзи ғўза турларида, масалан, ўрта толали ғўзаларда жуда қизариб кетиши мумкин. Баъзи турларда эса, бу ранг кўпинча пайдо бўлмайди.

Уруғбарг ёзилиб яшил тусга кириши билан бир вақтда асосий поянинг уруғбарг устки қисми ҳам ўса бошлайди. У иккита уруғбарг бандлари ўртасида бўлган юқори ўсиш куртагидан ўсади.

Поянинг уруғбарг устки қисми дастлабки даврда жуда секин ўсади ва ўсан сари ундан барглар ўсиб чиқади.

Асосий пояди барглар илон изи тартибида сигма ҳолида пайдо бўлади. Дастлабки 4-6 та баргнинг ораси яқинроқ бўлиб, жуфт-жуфт ўрнашганга ўхшайди, чунки, улар қисқа бўғим оралиқлари билан навбатланади.

Асосий поянинг ўсиши ва ривожланишига ғўзанинг нав хусусиятларидан ташқари шароитлар: ҳарорат, тупроқ намлиги ва озиқ моддалар билан таъминланганлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Ташқи шароитлар қанчалик мувофиқ бўлса, поя шунчалик яхши ўсади ва ривожланади.

Ғўзанинг биологик хусусиятларидан бири - шоналашгача бўлган дастлабки даврда унинг секин ўсиши ва ривожланишидир. Бундан кейин унинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Гуллаш даврида ғўза айниқса жуда тез ўсади.

Қўсаклар етилиши ва очилиши олдидан поянинг ўсиши ҳамда ривожланиши секинлашади, амал даврининг охирида бутунлай тўхтайди.

Асосий поянинг бўйи бўғим оралиқлари сонининг кўпайиши ва узайиши ҳисобига ўсади.

Ҳароратнинг кўтарилиши, тупроқда намликнинг, азот миқдорининг кўп бўлиши ва бошқалар поядаги бўғим оралиқларининг узайишига сабаб бўлади.

Ҳосилининг пишиб етилиш муддатлари ҳар хил бўлган ғўза турлари ва навлари ўсиш тезлиги жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Ҳосили кечроқ пишадиган ғўза навларида ўсишнинг тезлиги, сўнгра амал даврида бу тезликнинг пасайиши тезпишар навларнига қараганда секинроқ ўтади.

Ҳосили тезпишар ғўза навларида асосий поя гуллаш давригача ва гуллаш даврида тез ўсади. Амал даврининг охирида эса тезпишар навларнинг ўсиши кечлишарларнига қараганда тезроқ сусаяди.

3. Ғўза шохи ва шохланиш турлари

Ғўзанинг асосий поясидаги барг қўлтиқларида куртаклар бўлади. Ўша куртаклардан шохлар ўсиб чиқади. Одатда поядаги дастлабки иккита-учта барг қўлтиқларидан шохлар ўсиб

чиқмайди ва улардаги куртаклар күкармайди. Баъзан бу дастлабки икки-учта барг қўлтиғидаги куртаклар уйғониб кўкаради ва етилмаган майда баргли кичкина шохчалар ўсиб чиқади.

Ғўзанинг шохлари икки хил бўлади:

- ўсув шохлари - моноподиал шохлар;
- ҳосил шохлари - симподиал шохлар (5- расм).



5-расм. Ёза тупининг тузилиш схемаси:
1-бош поя; 2-ўсув шохи; 3-ҳосил шохи; 4-кўшимча шох;
5-шона.

Ўсув шохлари поянинг пастки қисмида ривожланади. Ҳосил шохлари эса ўсиш шохларидан юқорироқда пайдо бўлади ва асосий поянинг кейинги ҳар қайси барг қўлтиғидан ўсиб чиқаверади.

Ўсув шохи барг қўлтиғидаги асосий куртакдан ўсиб чиқиб, асосий пояга нисбатан тор бурчак ҳосил қиласи ва ўсиш нуктаси томон ўсади. Ўсув шохи шу тарзда ўсгани учун тўппа-тўғри бўлади. Ўсув шохлари одатда ҳосил шохларидан кўра бақувват бўлади. Уларнинг бақувват бўлиши ғўзанинг тури ва навига кўп жи-

ҳатдан боғлиқ. Ғұза қанчалик кечпишар бўлса, унинг ўсув шохлари шунчалик бақувват бўлади.

Ўсув шохлари ўсган сайин уларда худди асосий поядагидек илон изи ҳолида барглар ҳосил бўлади. Ўсув шохларининг қўлтиқларидағи куртаклардан иккинчи тартибдаги шохлар ҳосил бўлиши мумкин. Иккинчи тартибдаги ўсув шохлари яна шохлаб, учинчи тартибдаги шохлар бериши мумкин, лекин бу аҳён-аҳёnda учрайди.

Ўсув шохларида иккинчи тартибдаги ўсиш шохларининг пайдо бўлиши кўпроқ ғўзанинг тезпишарлигига ва озиқ моддалар, ёруғлик билан қай даражада таъмин этилганлигига боғлиқ. Ғұза қанчалик кечпишар бўлса ва озиқ моддалар, ёруғлик билан қанчалик яхши таъминланган бўлса, иккинчи тартибдаги ўсув шохлари шунчалик тез ҳосил бўлади. Жуда тезпишар ғўза навларида ўсув шохлари одатда ҳосил бўлмайди. Ҳар қайси ўсиш шохининг энг учида ўсиш куртаги ва куртак ёнида барг бўлади. Шундай қилиб, ўсув шохи, худди асосий пояга ўхшаб ривожланади.

Ҳосил шохи ёки симподиал шох ҳосил бўлиши ва тузилиши жиҳатидан ўсув шохидан кескин фарқ қиласи. Ҳосил шохи ўсув шохига қараганда поядан кенгроқ бурчак ҳосил қилган ҳолда ўсиб чиқади (5-расмга қаранг).

Ҳосил шохининг биринчи бўғим оралиғи асосий поянинг барг қўлтиғидаги куртакдан ўсиб чиқиб, шона билан тугайди. Биринчи бўғим оралиғининг охиридаги шона ёнида барг ҳосил бўлади. Бу барг қўлтиғидаги куртаклардан бири ўшишга бошлаб иккинчи бўғим оралиғини ҳосил қиласи. Бу эса шохнинг давомидир.

Иккинчи бўғим оралиғи ҳам худди биринчи бўғим оралиғига ўхшаш шона билан тугайди ва унинг ёнида барг ҳосил бўлади. Бу барг қўлтиғидаги ўшишга бошлаган куртаклардан бирининг ҳисобига учинчи бўғим оралиғи ҳосил бўлади, бу ҳам шона билан тугайди ва ҳоказо.

Шундай қилиб, ҳосил шохи галма-гал келадиган куртаклардан ривожланади ва шу билан ўсиш шохидан фарқ қиласи. Унинг ҳар қайси бўғим оралиғи янги алоҳида куртакдан ривожланади. Ҳосил шохларидаги барглар навбатма-навбат икки то-

монда жойлашади. Шу сабабли барглар шохда узунасига қараб икки қатор жойлашади.

Ҳосил шохидаги барглар икки томонда жойлашиши ва шохнинг галма-гал ривожланиши натижасида у тирсакли, эгри-бугри шаклга киради.

Ҳосил шохи доим ҳосил билан тугайди. Бундан ташқари унинг ҳар қайси бўғимида, барг қаршисида ҳам ҳосил органи бўлади. Бу - ҳосил шохининг тузилишидаги асосий хусусиятдир.

Ҳосил шохидаги ҳосил органлари ва ҳатто барглари тўклилиб кетган бўлса ҳам, уни ўсув шохидан ажратиш мумкин, чунки ҳосил шохи бўғимларида иккитадан из қолади. Булардан барг қолдирган из бурчакли, ҳосил органи қолдирган из думалоқ бўлади. Ўсув шохидаги бўғимларда эса фақатгина биттадан бурчакли барг изи бўлиши мумкин.

Ҳосил шохининг юқорида айтилган шаклда, яъни бир қанча бўғим оралиқларидан ҳосил бўлиши чекланмаган тур ва бир қанча бўғим оралиқларидан иборат бўлган ҳосил шохи чекланмаган ҳосил шохи, деб аталади (6-расм).



6-расм. Ёзанинг ҳосил шохлари:
а-чекланган ("0") туридаги; б-чекланмаган турдаги шохлар.


Чекланмаган ҳосил шохидаги бўғим оралиқларининг сони асосан ўсимликнинг озиқланиши даражасига боғлиқ; озиқланиши қанчалик яхши бўлса, шох шунчалик кучли ва бўғим оралиқларининг сони шунчалик кўп бўлади.

Аммо ҳосил шохлари бошқача шаклда ҳам бўлади. Бундай шохларда озиқланиши даражасидан қатъи назар битта бўғим

оралиғи ҳосил бўлади. Бундай шаклдаги ҳосил шохи чекланган тур, деб аталади.

Бундай чекланган ҳосил шохининг биттадан тўрттагача, баъзан эса ундан ҳам кўпроқ ҳосил органлари бўлади. Кейинги вақтларда шундай навлар яратилдики, уларнинг бош поясидан ҳақиқатда ҳеч қандай ҳосил шохлари ўсиб чиқмайди; ҳосил органлари (шона, гул ва кўсаклар) эса гул ёки мева бандлари билан тўғридан-тўғри поядаги барг қўлтиқларида туради. Демак, бундай навларда тегишли барг қўлтиқларида ҳосил шохлари эмас, балки шоналар ҳосил бўлади.

Аксарият ғўза навларида чекланмаган микдорда ҳосил шохлари бўлади (7-расм).



7-расм. Бўғим оралиқлари ҳар хил узунликда бўлган ғўзанинг ҳосил шохлари: 1 - кисқа; 2 - ўртача; 3 - узун; 4 - жуда узун шохлар.

Ҳосил шохлари, бўғим оралиқларининг узунлигига қараб, 4 хилга бўлинади:

- 1-хил - бўғим оралиқлари қисқа;
- 2-хил - бўғим оралиқлари ўртача;
- 3-хил - бўғим оралиқлари узун;
- 4-хил - бўғим оралиқлари жуда узун.

Бўғим оралиқларининг узунлиги ҳосил шохларининг умумий узунлигига, бинобарин, тупнинг ихчам ёки тарвақайлаб ўсишига ҳам катта таъсир этади. Бўғим оралиқлари қанчалик узун бўлса (масалан, 3- ва 4-хиллар), шохлар ҳам шунчалик узун бўлади, бинобарин, ғўза тути тарвақайлаб ўсади; аксинча, бўғим оралиқлари (масалан, 1- ва 2- типлар) қанчалик қисқа бўлса, шохлар ҳам шунчалик қисқа ва ғўза тути ихчам бўлади.

Амал даврида қатор ораларини ишлаш ҳамда ҳосилни йиғиб-териб олиш ўнгай бўлиши нуқтаи назаридан тупнинг ихчам ҳолда бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ғўза бош поясида юқорида айтиб ўтилган ўсув ва ҳосил шохларидан ташқари қўшимча шохлар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Барг қўлтиқларидаги асосий куртаклардан асосий шохлар ҳосил бўлса, ўша барг қўлтиқларидаги қўшимча куртаклардан қўшимча шохлар ҳосил бўлади. Одатда, қўшимча ўсув шохлари асосий ўсув шохлари орасидан, қўшимча ҳосил шохлари эса асосий ҳосил шохлари орасидан ўсиб чиқади.

Баъзан ўсимлик озиқ моддалари билан яхши таъминланган бўлса, пастдаги бир қанча асосий ҳосил шохлари орасидан қўшимча ўсув шохлари ўсиб чиқади. Қўшимча шохлар ҳосил бўлганида уларнинг сони битта-иккита, баъзан кўпроқ бўлади.

Қўшимча шохлар, одатда, асосий шохлардан кичикроқ бўлади. Асосий ҳосил шохлари олдидағи ўсув шохлари эса ўзларининг асосий шохларидан каттароқ бўлиши ҳам мумкин. Лекин биттагина бўғим оралиғи ҳосил қиласидиган қўшимча ҳосил шохлари кичкина бўлади. Баъзан асосий шохдан қўшимча шох ўрнига гул ва кўсакка айлана оладиган шона пайдо бўлади.

Қўшимча ҳосил шохлари баъзан асосий ҳосил шохларининг ўзида ҳам ривожланиши мумкин. Табиийки, амал даври охирига-ча пишишга улгурадиган кўсаклар етиштирувчи қўшимча шохларнинг ўсиши пахта ҳосилини оширади.

Одатда қўшимча шохлар ўсимлик яхши парвариш қилингандан ҳосил бўлади. Ғўзанинг баъзи шакллари қўшимча шохларни кўпроқ, баъзилари эса камроқ беради. Айниқса чекланган («0») турда шохлайдиган ғўзалар қўшимча шохларни кўпроқ ҳосил қиласиди.

Баъзан меъёрдан ошириб ўғитланган ерлардаги ғўзада гул куртаклари ўсиб чиқади, яъни ҳосил шохларининг баъзи

бўғимларида шоналар ўрнига ё ўсиш шохлари ёки ҳосил шохлари ўсади. Бу эса мутлақо кераксиз ҳолдир. Ғўзанинг ҳар хил навлари ва турларида ҳосил шохлари пайдо бўлгунча бош поядаги ўсиш шохларининг сони ҳар хил бўлади.

Иссиқ мамлакатлардаги дараҳтсимон ғўзаларда биринчи ҳосил шохи пайдо бўлгунча жуда кўп ўсув шохлари пайдо бўлади. Уларнинг миқдори 20-40 тагача етади. Маълумки, бундай ғўзалар ўсув шохлари ҳосил қилиш учун кўп вақт сарф этади ва ҳосили жуда кеч пишади.

Ер шарининг ўрта иқлим минтақаларида ўстириладиган паст бўйли ғўзаларда эса, аксинча, ўсув шохлари (моноподиялар) мутлақо ҳосил бўлмайди ёки жуда оз, масалан 1-3 тагина бўлади. Маълумки, бундай ғўзалар ҳосили тезпишар бўлади.

Экиладиган ғўза навлари мақбул агротехника шароитида парвариш қилинса, одатда уларда энг кўпи 1-3 та ўсув шохи ҳосил бўлади.

Асосий поядаги ўсув ва ҳосил шохларининг сони билан бир қаторда биринчи ҳосил шохининг ўсиб чиқиш бўғими ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Пояда биринчи ҳосил шохи қайси барг қўлтиғидан ўсиб чиқса, ўша барг бўғимининг тартиб рақами биринчи ҳосил шохининг ўсиб чиқиш баландлиги, деб аталади. Бунда поядаги уруғбарг бўғими ҳисобга олинмайди.

Ўрта Осиёда экиладиган ўрта толали ғўза навларининг биринчи ҳосил шохи поянинг 5 - 8-бўғимларидан, ингичка толали ғўза навларида эса, уларга қараганда 1-2 бўғим юқорироқдан ўсиб чиқади. Кейинги вақтларда селекциячилар биринчи ҳосил шохи яна ҳам пастроқдан, ҳатто биринчи бўғимдан ўсиб чиқадиган навларни яратдилар. Биринчи ҳосил шохининг ўсиб чиқиш баландлиги ғўзанинг тур ва нав хусусиятларидан ташқари яна маълум даражада табиий шароит ва агротехника йўли билан вужудга келтирилган ўсиш шароитларига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Биринчи ҳосил шохининг ўсиб чиқиш баландлигини қанчалик пастга туширишга эришилса, ғўзада шоналаш ва гуллаш шунчалик эрта бошланади ҳамда амал даврининг охиригача ғўза тупида кўсаклар кўпроқ тўпланади.

3. Ё́за баргининг морфологик тузилиши ва ривожланиши

Ё́за барги барг шапалоги, барг банди ва унинг остидан чиққан иккита кичкина барг ёнлигидан иборат. Барг шапалоги баъзи гўзаларда яхлит ва баъзиларида бўлмаларга бўлинган. Ҳозирги даврда экиладиган ё́за навларининг барг шапалоги 3 - 5-бўлакли бўлади (8-расм).



8-расм. Ё́за барглари. 1-йорта толали ё́за; 2-ингичка толали ё́за; 3-жайдари ё́за; 4-ҳинди-хитой ё́заси. (Ҳар жуфт баргнинг чапдагиси - ҳосил шохидан, ўнгдагиси-бош поядан олинган).

Барг шапалоги бўлакларга бўлинган ё́занинг поядан дастлаб ўсиб чиққан бир қанча баргларининг шапалоги яхлит, бўлакларга ажралмаган, кейинги чиқарган баргларнинг шапалоги эса бўлакларга ажралган бўлади.

Барг шапалоги бўлакларининг сони одатда 3, 5, 7 та бўлади. Шапалоқнинг бўлакларга бўлинган жойларидаги чуқурлик ё́занинг ҳар хил тур ва навларида жуда ҳам хилма-хилдир. Шу-

нинг натижасида бўлакларнинг узунлиги ҳам турлича бўлиши мумкин.

Ғўза навларида барг шапалогининг бўлаклари қисқа учбурчак шаклида, ингичка толали ғўза навларида эса узун учбурчак шаклида бўлади. Жайдари ғўзада барг шапалогининг бўлаклари қисқа тухум шаклини, ҳинди-хитой ғўзасида эса чўзинчоқ гумбаз шаклини олади (8-расм).

Барг шапалогининг катталиги ғўзанинг тур ва нав хусусиятларига ҳамда ўсиш шароитларига қараб 4 см^2 дан 400 см^2 гача бўлади.

Тропик минтақаларда ўсадиган баъзи дарахтсизмон ғўзаларнинг барг шапалоги жуда катта бўлади. Ҳар бир ўсимликнинг ўзида ҳам барг шапалогининг катталиги бир хил змас. Пастки барглар йирик, юқорироқдагилари майда бўлади. Бундан ташқари поядаги барглар, ён шохлардаги баргларга қараганда, йирикроқ. Ҳосил шохларидаги барглар ўсув шохларидаги барглардан кичикроқ ва бўлаклари оз. Масалан, ғўзалардаги барг шапалоги ҳосил шохларида уч бўлакли, ўсув шохларда (ва асосий пояди) беш бўлакли, баъзан эса етти бўлакли бўлади.

Ғўзанинг турига қараб, барг шапалогининг остки томонида битта ёки бир нечта асосий томирлар устида алоҳида безчанектарниклар бўлиб, улардан ширин суюқлик - нектар чиқиб турди. Шунинг учун ўсимликка кўп ҳашаротлар учиб келади.

Ғўза барглари кўпинча оч ёки тўқ яшил тусда бўлади, қизил баргли ғўза ҳам бор.

Хирзутум ғўзаси турига киравчи кўп навларнинг барглари оч яшил, баъзи навларда тўқ яшил ёки қизил рангда бўлади. Ингичка толали ғўза барглари тўқ яшил тусдадир.

Баъзи яшил баргли навларда шапалоқнинг асосий томирлар тарқаладиган жойида қизил доғ бўлиши ҳам мумкин.

Барча ғўза турларининг барглари туклар билан қопланган ва бу туклар шапалоқнинг остки томонида устки томонга қараганда қалинроқ бўлади. Шапалоқнинг устки томони кўпинча деярли туксиз бўлади. Шундай ғўза шакллари борки, уларда барг шапалоқларининг ҳар иккала томони ҳам сийрак тукли бўлиб, гўё туки йўқдек кўринади. Туклар барг шапалогининг томирлари устида жойлашади. Улар поя ва шохлардагидек узун ёки қисқа ёхуд бир вақтнинг ўзида ҳам узун, ҳам қисқа бўлиши мумкин.

Үсимлиқда амал даврининг турли босқичларида пайдо бўлган баргларнинг тукланиши бир хилда бўлмайди. Туклар баҳорда пайдо бўлган дастлабки баргларда озрок, ёз ва кузда пайдо бўлган баргларда эса кўпроқ.

Барг банди ғўзанинг ҳар хил тур ва навларида турлича узунликда бўлади. Бир үсимликтининг ўзида ҳам барглар бандининг узунлиги ҳар хил.

Барг бандининг охирида бир жуфт барг ёнликлари мавжуд. Улар ҳар хил ғўза турларида ўзига хос хусусиятларга эга. Барг ёнликлари шакли, узунлиги, кенглиги ва қайси томонга қараб туриши жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласди. Ҳосил шохларидаги барг ёнликларининг биттаси иккинчисидан кенгрок. Асосий поя ва ўсув шохларидаги баргларнинг барг ёнликлари иккаласи ҳам бир хил. Пояда дастлаб пайдо бўлган 1-2 та баргнинг барг ёнликлари бўлмайди. Барг ёнликлари үсимликларда узок вақт сақланиб турмайди, эртароқ тўкилиб кетади.

Ғўза үсимлигининг барглар билан қопланиши амалий жиҳатдан унинг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Бу белги үсимлиқдаги барча баргларнинг умумий сатҳи ва баргларнинг үсимлик бўйлаб тақсимланишидан иборатdir.

Баргларнинг умумий сатҳи:

а) үсимлиқдаги барг аппаратининг умумий катталиги; бу аппарат қуёш энергиясини ассимиляция қиласди, минерал озиқ моддаларни органик моддаларга айлантиради ва сувни буғлатиш функцияларини бажаради;

б) тупнинг ички қисми, айниқса, ҳосил органларининг соядга қолиши даражаси кўпроқ бўлади.

Кузда кўсакларнинг барглар соясида қолиши уларнинг етилиши ва очилишини секинлаштиради. Ёзда эса барглар соя қилиб, гулларнинг уруғланишига ёмон шароит туғдиради, натижада калта толали пахта салмоги кўпаяди ва пахта ҳосили камаяди.

Баргларнинг умумий сатҳи ва уларнинг үсимлиқда қандай жойлашиши ҳам очилган пахтани териб олишда, айниқса машина билан теришда катта аҳамиятга эгадир. Барг сатҳи қанчалик кичик бўлса, барглар қанчалик сийрак жойлашган бўлса, ҳосил шунчалик ўнғай ва тоза терилади.

Ғұза тупида баргларнинг жойлашиш тарзи асосан тур ва навхусусиятларига ҳамда улардаги ҳосил шохларининг типига, үсишшароитларига күй жиҳатдан боғлиқдир.

ҮзПИТИ маълумотига күра, ғұзанинг ҳар хил саноат навларида мақбул агротехника шароитида август ойида битта үсимликнинг умумий барги сатҳи 2533 см^2 дан 6397 см^2 гача, ингичка толали ғұза навларида эса 5156 см^2 дан 9038 см^2 гача етади (7-жадвал).

7-жадвал

Ғұза үсимлигининг барг сатҳи (см^2 ҳисобида)

(ҮзПИТИ маълумотлари)

Навлар	Августда	Сентябрда
<i>Үртa толали навлар гүруҳи</i>		
C-460	6397	3232
8517	5668	2827
108-ф	4728	1639
1306	2883	1151
18819	2533	971
<i>Ингичка толали ғұза навлари гүруҳи</i>		
№ 1	9038	5440
№ 2 ва 3	7323	3186
5918	7061	2536
35-1	5582	2538

Амал даврининг охирида ғұза баргларининг бир қисми түкилади. Аммо, барг түкилиш даражаси ҳар хил навларда турлича бўлади. Баъзи навлар барги жуда кўп, бошқалари эса оз түкилади.

Назорат учун саволлар:


1. Ғұза илдизи қандай түзилган?
2. Ғұза илдизи қандай ривожланади?
3. Ғұзанинг бош пояси қандай аъзолардан иборат?
4. Ғұза қандай шохлайди?
5. Ғұзанинг шохланиш турлари қандай?
6. Ғұза барги қандай түзилишга эга?
7. Ғұза барги неча бўлмали бўлади?

III боб

ҒҮЗА МЕВА ҚИСМЛАРИНИНГ МОРФОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1. Ғүза шонаси ва гулининг морфологик тузилиши ҳамда ривожланиши

Ғүза гулининг очилгунча бўлган ҳолати *шона* дейилади. Шона шаклланиш даврида жуда кичкина бўлиб, кўзга кўринадиган даражага етганда тахминан 1-2 мм катталикдаги уч қиррали пирамидани эслатади. Шона четлари ўзаро бирикаб кетган гулёнбаргдан ташкил топади. У катталашган сари гулёнбаргнинг учлари сал ажралади, кейин унинг ичидаги чўзиқ шишга ўхшаш гулкоса, сўнгра гултожнинг юқори қисми кўринади (9-расм).




9-расм. Ғүза шонасининг даврий ривожланиши.

Ўзининг шаклланишини тугаллаган ва очилиш ҳолатига келган шона гулнинг очилиш мурддати яқинлашгач, осонликча ёрилади.


Шонанинг шаклланишидан то очилишига қадар ғўзанинг ирсий хусусиятларига ва ўсиш шароитига қараб 25-30 кун ўтади. Ўрта Осиёнинг сугориладиган ерларида ўртача толали ғўза навларида дастлабки шона одатда майнинг охири ёки июннинг бошларида пайдо бўлади. Чигит зкиш муддатига, ғўза навининг хусусиятларига ва об-ҳаво шароитига қараб Ўрта Осиёнинг жа-нубий районларида одатда июннинг ўрталарида, шимолий районларида июннинг охири, июлнинг бошларида ғўза гуллай бошлайди.

Ғўзада шонанинг пайдо бўлиши ҳосил шохлари чиқиши, унинг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Ғўзанинг асосий поясидаги ҳосил шохлари шу поянинг ўсишига қараб биринкетин жойлашади. Худди шунга ўхшаб ҳосил шохидаги шоналар ҳам шохнинг ўсишига қараб аста-секин пайдо бўлади. Ҳар туп ўсимликдаги шоналар ҳам худди юқоридаги тартибда биринкетин очилади. Ғўза то кузги қора совуқ тушгунча ўсишда давом этади, демак, ўсимликнинг шоналаши ва гуллаши ҳам ғўзани совуқ ургунча давом этаверади.

Ғўза гули икки жинсли, гул органлари бешта доира бўйича бештадан жойлашган. Гул асосининг ўзида гулбанди (кейинчалик у кўсак бандига айланади) бор (10-, 11-расмлар).



10-расм. Ғўза гулининг кўндаланг кесими



11-расм. Ғўза гулининг кўндаланг кесими бўйича тузилиши:
1-гулбанд; 2-шонабарг; 3-гулкоса; 4-гултожбарг; 5-чанғчи найчаси; 6-чанғчи; 7-туғунча; 8-чанғлар устұнчаси; 9-оналик түмшукчаси.


Гулбанднинг юқори қисмида гулнинг бошқа ҳамма қисмлари жойлашади: ташқи томонига 3 та йирик гулёнбарги, кейин унчалик катта бўлмаган гулкоса, гулкосанинг ичида 5 та гулбаргдан ташкил топган гултоҷ, гултоҗнинг ичида асосидан пастга қараб ўсадиган оталик чанглар тўплами (андроцей) бор. Бу чанглар жуда кўп миқдордаги майдо чанглардан ташкил топган. Гулнинг қок ўртасида оналик (гениций) жойлашади. У уруғчи тугунча, устунча ва тумшуқчадан иборат. Тугунча гултоҷ билан чанг устунчалиси, тумшуқча эса чанг найчасидан ташқарига чиқиб туради. Гулнинг юқорида кўрсатиб ўтилган қисмларидан ташқари алоҳида безчаси - ширадони бор.

Ғўзанинг тури ва навига қараб гулбанд тўғри, бироз қийшиқрок ёки ўта букилган, эгилган бўлиши мумкин.

Ўрта толали ва ингичка толали ғўза навларида гулбанд йўғон, тўғри бўлади. Жайдари ғўза ва ҳинди-хитой ғўза навларида гулбанд ингичка бўлиб, у ёки бу даражада эгилиб туради.

Гулбанд (мевабанд) ғўзанинг тур ва навига қараб 1-10 см ва ундан ортикроқ узунликда бўлади. Ўрта толали ғўза навларида гулбанд ўртача 3-4 см, ингичка толали ғўзаларда эса бундан кўра узунрок, айниқса ҳосил шохи чиқармайдиган навларда гулбанд янада узунрок бўлади.

Гулён баргчаси (гулёнлиги) ғўза навларига қараб нисбатан каттароқ ёки ўртача катталиқда, маданий навларда эннига ҳам, бўйига ҳам 4-5 см.гача бўлиши мумкин (12-расм).



12-расм. Энг муҳим ғўза турларидаги гулёнбарглар: 1) Госсиюм хирзутумда; 2) Госсиюм барбадензеда.

Пастки томони ўзаро бир-бири билан туташмаган ёхуд у ёки бу даражада туташган. Чети текис ёки арпа тишли, тишларининг сони 3 тадан 15 тагача, камдан-кам ҳолларда бундан кўпроқ бўлиши мумкин. Гулёнлигининг тишлари гўзанинг навига қараб ҳар хил узунликда ва кенгликда бўлади. Масалан, ўрта толали гўза турига мансуб навларда гулёнлиги четининг тишлари тўғри, яъни марказий тишдан ташқарига эгилмаган, ингичка толали гўза навларида эса унинг тишлари марказий тишдан четга қайрилган.

Ҳар бир гулёнлик асосидан тишка томон узунасига асосий томир ўтади, ундан эса кейинги тартиб томирчалар тараради. Гулёнлик ҳар хил даражада тукланган бўлиши мумкин. Р.Р.Шредер номли собиқ Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станциясида олиб борган кузатишларда гулёнбарглар олиб ташланганда, у кўсакларнинг йириклигига ва ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатган. Бундай ҳолат Туркманистон Фанлар академиясида (А.К.Носов) ўтказган кузатишларда, шунингдек мазкур дарслик муаллифларининг илмий кузатишларида ҳам тасдиқланган. Мана шу кузатишлардан маълум бўлишича, шоналаш даврида гўзанинг гул ёнбарги ҳатто баргга нисбатан ҳам жадалроқ ассимиляция (ташқи муҳитдаги моддаларнинг организм томонидан ўзлаштирилиши) қиласи.

Гуллаш ва кўсакларнинг шаклланиш даврида ассимиляция жараёни шу барглар ва кўсаклар етилиши билан бир хилда кечади, кўсаклар тўла етилиши даврида эса тўхтайди.

Кўсак етилиши билан ёндош барг ҳам қурийди, жуда мурт бўлиб қолади, бу эса толани ифлослантирувчи асосий элементлардан бири ҳисобланади.

Косача 5 та косачабаргнинг бирикишидан ҳосил бўлиб, унчалик катта бўлмаган ёпик ёқага ўхшаб кетади ва гултожлар тагини ташқи томонидан ўраб олади. Косачанинг устки чети гўза навларига қараб текис, тўлқинсимон ёки арпа тишли бўлиши мумкин, бунда ўйиқларнинг ёки тишчаларнинг сони косачабарг сонига тўғри келади, яъни 5 та бўлади. Косача четидаги тўлқинсимон ўйиқлар ҳам, ундаги тишчалар ҳам ҳар хил даражада ифодаланиши мумкин. Косачанинг ранги гўза навларига қараб, оч яшил ёки қизгиш тусда бўлади. Унинг сирти кўплаб қорамтири нуқта – безчалар билан қопланган. Косачанинг вазифаси шира чиқаришдан ва маълум даражада ассимиляция

қилишдан иборат. Ёзга гуллаб мева туккандан кейин ҳам у сақланиб қолади.

Гултож очилган ёзга гулида, карнайсимон күринишда бўла-ди. Гултож баргларининг шакли тескари тухумсимон носиммет-рикдир. Агар гулбарг тиккасига ўртасидан икки қисмга ажрати-са, унинг бир чети ўёки бу даражада тўғри, иккинчи чети эса қанотга ўхшаб эгилганлигини кўриш мумкин.

Гулбаргларнинг чети буралиб, бир-бирининг орасига кириб туради. Лекин гулбаргларнинг бу хилда бўлиши барча навларда бир хил эмас. Масалан, ингичка толали ёзга навларининг гул-барглари ўрта толали ёзаларнига қараганда бир-бирини кўп-роқ қоплаб туради (13-14-расмлар). Бу ҳол гулнинг очилиш да-ражасига таъсир этади, шунинг учун ҳам ингичка толали ёзанинг гултож карнайи ўртача толали ёзанинига нисбатан кичик бўла-ди.



13-расм. Ўрта толали ёзга гули



14-расм. Ингичка толали ёзга гули.

Ҳар битта гулбаргнинг бир чети, яъни у ёнидаги (қўшни) гул-баргнинг туксиз четига суюниб турган жойи икки томондан тук-чалар билан қопланган. Гулбаргча тукли чеккасининг қўшни гул-баргчанинг туксиз четига суюниб туриши шонанинг ёзилиб, очик

гулга айланишига олиб келади. Лекин ғўзада айрим ҳолларда очилмайдиган (клейстогам) гуллар камдан-кам бўлса ҳам учрайди. Бу ҳам ғўза навларига қараб ҳар хил бўлади.

Гултож барглари ғўза навларига қараб оқ, сарғиш оқ, сариқ (лимон ранг), тўқ сариқ, пушти, қизил ва ҳар хил товланадиган қирмизи рангда бўлади. Масалан, мамлакатимизда экиладиган ўрта толали ғўза навларининг ҳаммасида гултож барглар сарғиш оқ тусда, ингичка толали ғўзаларда эса оч сариқ (лимон) рангдадир. Гуллаб бўлгандан кейин унинг ранги ўзгаради.

Кўпчилик ғўза навларидаги гултож баргининг остки қисмида ҳар хил товланишда ва турлича катталиқда антацион (пушти, оч қизил, тўқ қизил) доғ бўлади, баъзи ғўза навларидаги бу хилдаги доғ бўлмайди. Масалан, ингичка толали ғўза навларидаги антацион доғ бор, шунингдек, у жайдари ғўзада ва ҳиндӣ-хитой ғўзасида ҳам бўлади, ўрта толали ғўзаларда эса бу хилдаги доғлар учрамайди.

Ғўза навларига қараб гултожнинг ҳажми бир-биридан кескин фарқ қиласди: у йирик (диаметри 7-8 см ва ундан ҳам катта), майда (диаметри 2-3 см) ва ўртача бўлиши мумкин. Масалан, ингичка толали ғўзаларда у йирик, ўрта толали ғўза навларидаги ўртача, жайдари ғўзаларда кўпчилиги майда бўлади.

Чангчи найининг чангчи тўплами 5 та чангчи ипларининг бирикаб кетишидан ҳосил бўлади. Шунинг натижасида чангчи наийдаги чангчи тўплами сифатида жуда кўп майда чангчилар 5 қатор бўлиб узунасига жойлашади, лекин бу қаторлар ҳамма вақт аниқ ифодаланавермайди. Чангчи қисми чангчи ипидан иборат бўлиб, баъзан бу ип остки қисмидан иккига ажralади ва ҳар бирининг учидаги икки уяли чангдон эркин жойлашади.

Чангчи тўплами, чангдон ва унда ривожланадиган чанг доначалари ғўзанинг турига қараб оқ сариқдан тўқ сариқ ва қизғиш сариқ ранггача ўзгариши, баъзи ғўза турларида эса пушти ҳамда қизил рангда бўлиши мумкин.

Чанг доначалари йирик, шакли думалоқ, унинг сиртида тиканчалари бор. Тиканчалар гулга қўнган ҳашарот танасига осонгина илашади, чангланиш пайтида уруғ тумшуқасида яхши ушланиб қолиш учун ҳам хизмат қиласди. Чанг доначаларини шамол деярли учирив кета олмайди.

Оналиги одатда 3, 4 ва 5 уяли тугунчадан, камдан-кам ҳоллардагина 2 ёки 6-7 ва ундан ҳам күпроқ уяли бўлади. Тугунча уясининг бу хилда ўзгариши тугунча пайдо бўлишида иштирок этадиган мевабарг сонига боғлиқ.

Тугунча уяларининг сони ғўза навларига қараб турлича бўлади. Масалан, ўрта толали ғўза навлари ва жайдари ғўзалар тугунчаси кўпинча 4-5 уяли, камдан-кам 3 уяли; ингичка толали ғўза навларида, шунингдек, ҳинди-хитой ғўзаларида 3 - 4, айрим ҳолларда 5 уяли бўлади.

Маданий ғўзаларда битта уяда одатда 6 - 11 тагача, ёввойи навларида эса 2 - 3 тадан 9 - 11 тагача уруғкортак бўлади. Оналик тугунчаси ипсимон устунчанинг давоми бўлиб, чанглар тўплами ўртасидан чиқиб туради. Тумшуқча у ёки бу даражада спирал шаклда буралган бўлиб, учига томон сал йўғонлашиб боради. Ғўза навларига қараб тумшуқчанинг учи, чанг найчасидан чиқиб туриши ва қанотчасининг сони ўзгариб туриши мумкин.

Ғўзанинг айрим навларида тумшуқча чанг найидан анча чиқиб туради ва шу туфайли унинг охирги қисми юқори чанг найидан узоқлашиб кетади. Баъзи ғўза навларида эса тумшуқча салгина чиқиб туради, шунинг учун ҳам юқори чанг билан чангдан бир-бирига тегиб тургандай туюлади. Шунингдек, оралиқ шакллар ҳам бор.

Чангчи найидан чиқиб турадиган тумшуқча қисмининг ҳажми ундаги гулнинг жойлашишига қараб ғўзанинг тури ва навидан қатъи назар бир тупнинг ўзида ҳам турлича бўлиши мумкин.

Чанг тумшуқчасининг катта-кичиклиги ва унинг чанг устунчасидан қай даражада чиқиб туриши гулнинг чангланиш жараёнида катта аҳамиятга эга.

Тумшуқча қанотчаларининг сони тугунчадаги уялар сонига боғлиқ равишда 3-4 ёки 5 та, баъзан эса бундан оз, ёхуд кўп ва тугунча уялари сонига teng бўлади. Шунинг учун тумшуқча қанотчаларининг сонига қараб бўлғуси кўсакнинг нечта чаноқли бўлишини олдиндан аниқлаш мумкин. Тумшуқча қанотча бўйни билан ўзаро бириккан, баъзи ҳоллардагина унинг учи ажралган бўлади. Қанотчалар ўртасидан узунасига эгатча (арикча) ўтади.

Тумшуқча сирти чангни қабул қилишга хизмат қиласидиган жуда кўп сўргичлар билан қопланган. Бу сўргичлар чангнинг ушла-

ниб қолиши ва ўсишига ёрдам берадиган елимсимон модда чиқарди.

Ширадон шира чиқариш учун хизмат қиласы. Мана шу шира күплаб ҳашаротлар, шу жумладан, асалариларни жалб қиласы. Ғұза гулининг ширадони гул ичидаги ва гулдан ташқаридаги ширадонларга бўлинади. Гулдан ташқаридаги ширадонлар ўз навбатида ички ва ташки ширадонларга бўлинади. Гул ичидаги ширадонлар гулкоса тубида, ичкари томонда яхлит ҳалқа шаклида жойлашади. Гулдан ташқаридаги ички ширадонлар З та бўлиб, гул ўрнашган жойда, гулкосача тубининг ташки томонидаги гулёнларнинг чети орасига биттадан жойлашади. Гулдан ташқаридаги ширадонлар ҳам З та, улар гул ўрнашган жойдаги ҳар бир гулёнбарг тубининг ташки томонига биттадан жойлашади.

Гулдан ташқариги ширадонларнинг ҳар икки гурӯҳи кўпинча думалоқ, бурчаксимон-думалоқ ёки нотўғри учбурчак шаклида бўлиб, оқиш, яшил, пушти ёхуд қизғиши тусда, сал ботиқ бўлади. Ширадонларнинг бу икки гурӯҳи ҳам туксиз ёки тукли бўлиши мумкин.

Ғұза асалдор ўсимлик, бинобарин, ундаги деярли барча ширанни гул ширадони беради, барг ширадонидан эса шира жуда кам чиқади. Шунга қарамасдан асаларилар гулдан ташқаридаги ва барг ширадонларига кўпроқ келади, чунки булар асаларилар учун анча қулай жойдадир.

Сугориладиган бир гектар ердаги ғўзалар мавсумда тахминан 300-350 кг.гача, лалми ерлардаги ғўзалар эса 100 кг. гача шира бериши аниқланган.

Ғұза турига ва навига қараб ўзидан ҳар хил миқдорда шира ажратади. Масалан, ингичка толали ғұза навлари ўртача толали ғўзларга қараганда ширани бирмунча кўл ажратади. Ғўздан чиқадиган ширанинг миқдорига ва сифатига (серширалигига) иқлим ҳамда тупроқ шароити, шунингдек агротехника тадбирлари ҳам катта таъсир кўрсатади.

Шира гул очилиш вақтида чиқади. Гулдан ташқаридаги ширадонлардан эса шира гуллашдан кейин, яъни кўсаклар шакллаётганда ҳам чиқараверади.

Ғўзада ширанинг кўл бўлиши асаларичиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бунда асаларилар қимматбаҳо маҳсулот - асал бериши билан бирга ғұза гулларининг чангланишига

ҳам таъсир кўрсатадилар. Ҳар бир уруғуртакнинг мақбул уруғланиши учун тугунчадаги уруғуртакларга қараганда чангчи доначалари кўп бўлиши керак. Бу, пировард натижада ғўза ҳосилининг кўпайишига, шунингдек ўсимлик авлодининг келгусида яшовчан ва серхосил бўлишига таъсир кўрсатади.

2. Ғўзанинг гуллаш тартиби

Ҳар бир тупдаги шоналар пастдан юқорига қараб шохмашох, ҳар бир шоҳда эса унинг паст қисмидан учига қараб очилади. Ғўза гулларининг кетма-кет очилиши (шунингдек, шоналарнинг лайдо бўлиши)да маълум қонуният борлигини Г.С.Зайцев жаҳонда биринчи бўлиб аниқлади. Масалан, Ўрта Осиёда ўстириладиган ғўза навларида одатда ҳар тупдаги биринчи ҳосил шохининг дастлабки бўғимидағи шона очилишидан, иккинчи ҳосил шохининг биринчи бўғимидағи шона очилгунча ва бу шонанинг очилишидан учинчи ҳосил шохининг биринчи бўғимидағи шона очилгунча 2-3 кун ўтади. Ҳосил шоҳи чекланмаган турдаги ғўзанинг ҳар бир шохидаги дастлабки шона очилишидан шу шохнинг иккинчи, сўнгра учинчи, тўртинчи ва ҳоказо шоналари очилгунча 5-7 кун ўтади.


Ғўзанинг пастдан юқорига қараб шохмашох, ҳар 2-3 кунда гуллашига қисқа навбатли гуллаш; ҳар бир ҳосил шохидаги шоналарнинг 5-7 кун оралатиб кетма-кет гуллашига узоқ навбатли гуллаш дейилади.

Ҳар туп ғўзадаги шоналарнинг очилиш тартибини схема тарзida кўрсатиш мумкин (15-расм). Бунда тик чизик ғўзанинг асосий поясини, унинг икки томонидаги чизиклар асосий ҳосил шохларини ифодалайди.

Ўсиш шохидан чиқадиган ҳосил шохлари ва бошқа қўшимча шохлар 15-расмда ҳисобга олинмаган. Ҳар бир ўсув шохидаги ҳосил шохларининг гуллаш тартиби асосий поядаги ҳосил шохларининг гуллашидан фарқ қилмайди.

Гуллаш тартибига кўра, тупдаги ҳосил шохларининг ҳар бирни учта шоҳдан иборат қаватларга бўлинади. Агар ғўзада қисқа навбатли гуллаш икки кунга, узоқ навбатли гуллаш олти кунга тенг деб фараз қилсак, узоқ навбатли гуллаш билан қисқа нав-

батли гуллаш ўртасидаги нисбат учга ($6:2 = 3$) тенг бўлади. Бунда ҳар туп ғўзанинг гуллаши расмда кўрсатилганидек бўлади.



15-расм. Узоқ наебатли гуллашнинг қисқа наебатли гуллашга нисбати 6:2 бўлганда ғўзанинг гуллаш тартиби (ўнг томондаги Рим рақами ҳосил шохи қаватларининг рақамлари; ҳар икки томондаги араб рақамлари эса қаватдаги шохларнинг тартиб рақамини кўрсатади).

Шундай қилиб, ғўзада ҳосил шохларидаги биринчи бўғим шоналари пастдан юқорига қараб олдинма-кетин очилиши билан бирга, олдинги қаватларга мансуб ҳосил шохларининг уч томонидаги шона ҳам очилаверади.

Ғўзанинг шохдан-шохга ўтиб гуллаши бир шохнинг пастидан уч томонига ўтиб гуллашига қараганда тезроқ бўлганидан, ҳар тупнинг маълум пайтда ҳосил қилган ўрни худди конус шаклига ўхшаб кўринади. Ғўзанинг гуллаш тартиби кузатилса, қаватдаги

ҳосил шохлари маълум бўғим шонасини ўз ичига олган гуллаш конусининг кетма-кет пайдо бўлганлигини кўрамиз. Масалан, биринчи гуллаш конуси биринчи қават шохларининг биринчи бўғим гулларидан; иккинчи конус - иккинчи қават шохларининг биринчи бўғим ҳамда биринчи ярус шохларининг иккинчи бўғим гулларидан, учинчи конус - учинчи қават шохларининг биринчи бўғим, иккинчи ярус шохларининг иккинчи бўғим ва биринчи қават шохларининг учинчи бўғим гулларидан пайдо бўлади ва ҳоказо. Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган йўл билан узоқ навбатли гуллашнинг қисқа навбатли гуллашга нисбати 3 га тенг бўлганлигидан, ҳар бир гуллаш конуси битта узоқ навбатли гуллаш даврида, яъни олти кун ичида вужудга келади.


Ғўза тупида гуллаш тартибини кўриб чиқишдан шу нарса маълум бўляптики, ҳосил шохларининг асосий поядা учтадан шох бўлиб қаватларга бўлиниши ғўза гуллашининг биологик хусусияти билан боғлиқdir. Ҳар бир янги конус юқоридаги қўшимча янги 3 та шохнинг гуллаши билан ифодаланади.

Мана шу тартибга асосан, гуллаш конуси қанча бўлишидан қатби назар, ҳар туп ғўзадаги гуллар сонини назарий жиҳатдан осонгина аниқлаш мумкин. Масалан, гуллаш конуси 5 та бўлганда тупдаги гуллар сони қуйидагича: биринчи конусда 3 та, иккинчи конусда 6 та, учинчи конусда 9 та, тўртинчи конусда 12 та, бешинчи конусда 15 та - жами 45 та гул бўлади.

Шундай қилиб, ҳар бир кейинги конус ўзидан олдинги конусдагидан 3 та кўп гул чиқаради. Лекин ҳақиқатда ҳар хил конусдаги гуллар, айниқса учига томон жойлашган гуллар сони кўпинча назарий жиҳатдан кам бўлади. Бу, биринчидан, тупнинг исталган жойидаги шона очилишидан олдинроқ тўкилиб кетиши билан, иккинчидан эса, пастки ҳосил шохлари асосий пояга, шунингдек, тупдаги бошқа шохларга нисбатан номутаносиб равишда ривожланиши, пастки бирмунча қари ҳосил шохига нисбатан янги бўғим оралиғининг тез ва узоқроқ муддат давомида сув ҳамда озиқ моддалар билан яхши таъминланганлиги, шунингдек, кўчкат ҳаддан ташқари қалин бўлган ҳолатлар билан боғлиқ. Булардан ташқари шохлар бир-бирига нисбатан номутаносиб ривожланиши мумкин. Мана шундай номутаносиблик натижасида пастки ҳосил шохларида бирмунча тўлиқ ташқи конус ҳосил бўлиши учун бўғимлар сони одатда етишмай қолади.

Ҳар хил ғұза турлари ҳамда навларида пастки ҳосил шохининг ва асосий поянинг ривожланишидаги бундай номутаносиблик (диспропорция) турлича ифодаланади. Шунингдек, бир навга тегишли үсимликтің үзіде ҳам унинг ички потенциалига ҳамда үсиш, хусусан озиқланиш ва ёруғлік билан таъминланиш шароитига қараб ү ҳар хил даражада ифодаланиши мүмкін.

Ғұзаниң юқорида күрсатыб үтилген умумий гуллаш тартибиandan ташқари, бошқача турдаги гуллаш тартиби учраши мүмкін. Масалан, қисқа навбатли гуллаш 2 кунда содир бўлгани ҳолда, узоқ навбатли гуллаш 6 кунда эмас, балки 5 кунда рўй беради, яъни узоқ навбатли гуллашнинг қисқа навбатли гуллашга нисбати 3 га эмас, балки 2,5 га тенг бўлади. Бунда ғұза турида очилган гул (шона) ларнинг пайдо бўлиши биринчи турдаги гуллаш тартибига мансуб бўлган үсимликлардагига қараганда тезроқ кечади. Бу амалий жиҳатдан жуда муҳимдир (16-расм).



16-расм. Узоқ навбатли гуллашнинг қисқа навбатли гуллашга нисбати 5:2 бўлгандага ғұзаниң гуллаш тартиби.

Қисқа ва узоқ навбатли гуллашнинг давомийлиги ғўза тури ёки навига қараб турлича бўлади. Масалан, қисқа навбатли гуллашнинг давомийлиги (ёзда) ғўза шаклига қараб 1,9 дан 4 кунгача, узоқ муддатли гуллашнинг давомийлиги эса 5,6 дан 10,7 кунгача (Н.Н.Константинов маълумоти). Лекин тезпишар навғўзаларда навбатли гуллашнинг давомийлиги кечпишар навга қараганда бирмунча қисқароқ.

Жайдари ғўзанинг қисқа навбатли гуллаш давомийлиги ўрта толали ва ингичка толали ғўзаларнига нисбатан қисқа (С.Д.Нагибин маълумоти). Қисқа ва узоқ навбатли гуллашнинг давомийлиги, шунингдек, ташки мухит шароитига ва ўсимлик тупидаги у ёки бу қисмларнинг ёшига ҳам боғлиқ бўлади.

Навбатли гуллашнинг давомийлигига ташки омиллардан айниқса ҳаво ҳарорати, ўсимликнинг сув ва моддалар билан қай даражада таъминланганлиги ҳам таъсир этади. Бу шароитлар қанчалик қулай бўлса, ўсимлик шунчалик қисқа вақт ичida гуллаб бўлади, шу билан бирга гуллаш суръати ва гул тўпланиши тезлашади.

Амал даври охирида, ҳаво ҳарорати пасайган сари қисқа навбатли ва узоқ навбатли гуллаш муддати узоққа чўзилаверади. Қисқа муддатли гуллаш Ўрта Осиёда ёздаги 2-3 кун ўрнига, кузга бориб 4-5 кун ва ундан ҳам кўпроқ давом этади. Шунга мувофиқ узоқ муддатли гуллашнинг давомийлиги ҳам чўзилади, лекин тўлиқ пропорционал равишда эмас.

Юқорида кўрсатиб ўтилган икки хил гуллаш тартиби ҳосил шохи чекланмаган типдаги ғўзаларга тегишилдири. Ҳосил шохи чекланган типдаги ғўзаларда гуллаш тартиби бутунлай бошқача.

Битта бўғим оралиғи (тирсак) дан иборат бўлган чекланган турдаги ҳосил шохи учидан биттадан-тўртта (баъзан 5 та) гача гулга айланадиган шона бўлади. Чекланган турдаги ҳосил шохининг мана шу хусусияти туфайли бу хилдаги ғўзаларнинг гули ўзига ҳос тартиб билан очилади. Ҳосил шохи чекланган гўзалар учидаги гулларнинг бирин-кетин очилиши оралиғида тахминан 2 кун ўтади. Ушбу турдаги ғўзаларда қисқа навбатли гуллаш, яъни гулларнинг шохма-шоҳ очилиши оралиғида ҳам тахминан 2 кун ўтади.

Шундай қилиб, ҳосил шохи чекланган турдаги ғўзаларда узоқ навбатли гуллаш амалда бўлмайди. «Узоқ навбатли гуллаш» ибораси бу турдаги ғўзаларга нисбатан фақат шартли равишда айтилиши мумкин. Бинобарин, ҳосил шохи чекланган турдаги ғўзаларда ҳар бир тупдаги шона ва гулларнинг умумий сони ҳосил шохи чекланмаган ғўза турлари дагига қараганда камроқ бўлса ҳам, лекин гул тўплаш суръати ҳосил шохи чекланмаган турдаги ғўзаларни кига нисбатан жуда тезdir. Ҳосил шохи чекланган турдаги ғўзаларда гуллаш суръатининг тезлиги пахтачиликда, хусусан пахта селекциясида катта аҳамиятга эга.

Ғўза гулларнинг кун давомидаги очилиш муддатлари ҳар хил. Ғўза гули ёзда эрталаб очилади, масалан, июлда кечаси ҳаво ҳарорати қай даражада бўлишига қараб, эрталаб соат 7-9 да, баъзан бундан ҳам эртароқ - соат 6-7 ларда очилади. Кечаси ҳаво қанчалик илиқ бўлса, гул эрталаб шунчалик барвақт очилади. Кузда, ҳаво совий бошлиши билан гулнинг очилиши кун ўртасига сурила бошлади; ўсув даврининг охирида эса гул ҳатто куннинг ярмида ва бундан ҳам кечроқ очилиши кузатилади.

Ғўза гули ёзда атиги бир кун очилиб туради. Эрталаб очилган гул ўша куни кечқурун ёки иккинчи куни сўлий бошлади, бунда гултожнинг туси ўзгарилиши, масалан, ўрта толали ғўза навларида оқиш сарик, пушти рангга, сўнгра бинафша тусга киради. Гултожлар тусининг бу хилда ўзгариши ҳужайраларда кимёвий реакцияларнинг ўзгариши ва эпидермис ҳужайрада антацион модда пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Уларнинг ранги ўзгариши билан бирга у сўлиб, ўрала бошлади. Шундай кейин у ҳимирилиб, аста-секин қурийди ва орадан 2-3 кун ўтгач, тушиб кетади.

Кўпчилик ғўза шаклларида гул очилгандан кейин одатда тезда чангдон ёрилиб, чангланиш содир бўлади. Лекин ғўзанинг баъзи бир шаклларида, масалан, ингичка толали ғўза навларининг кўпчилигига, шунингдек, ўрта толали ғўза навларининг айримларида чангдон гул очилишидан олдин ёрилади.

Баъзан очилишга тайёр гулнинг очилмай қолиш ҳоллари ҳам кузатилади. У эртасига эрталаб очилади. Бундай гулларда ҳам чангдонлар гултож очилгунга қадар ёрилади. Чангдон ёрила бошлагандан кейин (таксминан 2-3 соат ичидан) гул чангни тезда

тұла етилади, бунда түмшүқча гул чангини олишга тайёр ҳолда бўлади.

Гул чанги доначалари түмшүқчага тушиши билан тезда ўсиб найча (трубка) ҳосил қиласи; бу найча түмшүқча почасининг ўтказувчи тўқимасига кириб, 12 соатдан кейин тугунчанинг уруғ куртагига бориб етади ва эртасига зарталаб уни уруғлатади.

Ғўза асосан ўзидан чангланидиган ўсимлик, лекин баъзан четдан чангланиш ҳоллари ҳам учраши мумкин. Гуллари очилмайдиган (клейстогам) ўсимликлар бундан мустасно.

Ургланишда ўсимликнинг танлаш қобилияти, ўсимлик тури, шунингдек, гул тузилишининг биологик хусусияти, ташки мұхит шароити (бунда ғўза гулига келадиган ҳашаротларнинг сони ва уларнинг турлари айниқса мұхим роль ўйнайди), ўсимликлар орасидаги масофа, гуллаш даври (гуллай бошлаган, қийғос гуллаган давр), амал давридаги об-ҳаво шароити, хусусан гуллаш даврида шамолнинг йўналиши четдан чангланишнинг кўп ёки кам бўлишига сабаб бўладиган мұхим омиллардан ҳисобланади.

Чангланишда шамолнинг бевосита таъсири жуда кам, фоизнинг мингдан бирини ташкил қиласи.

Четдан чангланишда ўсимликлар орасидаги масофа ҳам катта роль ўйнайди. Масалан, оралиқ масофа қанчалик олис бўлса, ўсимликларнинг четдан чангланиши ҳам шунча кам бўлади ва аксинча.

Четдан чангланиш ҳажмига гуллар орасидаги масофа ҳам таъсири қиласи. Шунинг учун ҳосил шохидаги бўғим оралиғи қанча қисқа бўлса, четдан чангланиш шунчалик кўп рўй беради.

Ғўзада гуллаш вақтининг четдан чангланиб ургланишга таъсири биринчи гуллаш конусини ташкил этувчи дастлабки гулларда четдан чангланиш ва ургланиш фоизининг бир улушига тўғри келиши билан ифодаланади. Кейинги бирмунча кечроқ пайдо бўлган гуллаш конусида эса бу кўрсаткич анча катта рақамни ташкил қиласи ва айрим ҳолларда 33-44 фоизга етади, ваҳоланки четдан чангланишда бутун ўсимлик бўйича ургланиш ҳажми қарийб 10 фоизга боради. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин: биринчидан, бу пайтда гуллаш эндигина бошланганлиги учун гул у ер - бу ерда кўринади, гул айрим тупларда пайдо бўла бошлайди; иккинчидан, кўпинча гуллар бир-биридан бир неча метр узоқда туради; учинчидан, ҳашаротлар ёрдамида чанглана-

ниш деярли содир бўлмайди ёки жуда кам бўлади. Ёзга қийғос гуллаганда эса барча тупларда гуллар орасидаги масофа янги конуслар пайдо бўлиши ва уларнинг сони ошиб боравериши туфайли кескин қисқаради. Шунинг учун ҳашаротлар гулдан-гулга қўниб, уларга чанг юқтиради, яъни чанглайди. Бунинг устига ёзнинг ўрталарида ёзга гулига келадиган ҳашаротлар сони анча кўпаяди (А.И.Автономов).

Л.Г.Арутюновнинг кузатишларида шу нарса аниқланганки, бир навга хос ўсимликнинг тумшуқчасига шу гулнинг ўзидан тушган гул чанги бошқа ўсимлик гулидан тушган гул чангига қараганда секинроқ ўсади. Кузатишлар натижасида ёзга ўсимлиги эволюция жараёнида узоқ вақт ўзидан чангланаверишдек салбий ҳолатни четлаб ўтишга имкон берадиган маълум бир мосланиш хусусиятини пайдо қилганлиги маълум бўлди.

Ёзга асосан жинсий уруғланиш йўли билан кўпаяди, лекин уни қаламча йўли билан ҳам кўпайтириш мумкин. Тўғри, табиий шароитда ёзани мана шу йўл билан кўпайтириш одатда кузатилмайди, лекин ёзага тегишли қулай шароит яратилса, поянинг ҳар хил қисмидан, барг ва илдииздан қаламча тайёрлаб экиб, илдиз отдириш мумкин. Ҳар хил ёзга навларини ўзаро, шунингдек, турлараро бир-бирига пайванд қилинса, улар яхши тутиб кетади ва пайванд дурагай ҳосил қиласди.

4. Ёзга кўсагининг морфологик тузилиши ва ривожланиши

Ёзанинг меваси *кўсак* сифатида ривожланиб, тўла етилганда очилади.

Кўсакбанд гулбанд каби 1 см дан 10 см гача, баъзан эса бундан ҳам узунроқ бўлади. Ўрта толали ёзга навларининг кўпчилигида кўсак бандининг узунлиги ўрта ҳисобда 3-5 смга боради.

Тўла шаклланган, лекин ҳали очилмаган кўсакларнинг шакли ёзга турига ва навига қараб тухумсимон, турли даражада чўзиқ-тухумсимон, думалоқ-овалсимон, шарсимон ва шарсимон-анжирсимон бўлиши мумкин (17-расм).



17-расм. Ғұзанинг түлиқ шаклланған күсаги (очилгунга қадар күрениши):
1) ўрта толали ғұза күсаги; 2) ингичка толали ғұза күсаги.

Күсакнинг учи (түмшүғи) ғұза нав ва турларига қараб: түмтоқ ёки наизасимон, турли даражада узун ёки кисқа бўлади.

Күсакнинг диаметри ҳам ғұза турларига қараб турли катталикда, масалан, 1 смдан кичик ва 5-6 см., ҳатто 7 см.гача бўлиши мумкин. Битта күсакдан чиқадиган чигитли пахтанинг вазни ёввойи ғұза навларида 0,25г.дан - 1,1 г.гача, маданий навларида эса 10-12 г.гача ва ундан ортиқрок бўлиши мумкин. Энг йирик күсаклар ўрта толали ғұза навларида, энг майдалари эса жайдари турга мансуб ғўзаларда учрайди.

Хозир етиширилаётган энг йирик күсакли ғўзалар ўрта толали ғұза навларидир (7-8 г.гача). Ингичка толали ғұза навларининг күсаги бирмунча майда (2,8-4 г.гача) бўлади.

Күсакнинг йириклиги ғұза тури ва навларининг ирсий хусусиятларидан ташқари ташқи мухит, жумладан, агротехника шароитига ҳамда күсак ўсимликнинг қаерида жойлашганлигига қараб ҳам ўзгаради. Одатда энг пастда жойлашган 1-, 2-хосил

шохларидаги күсаклар энг юқоридаги бир неча ҳосил шохидаги ҳамда энг сүнгги бүғимдаги күсакларга қараганда кичик бўлади. Ўсув шохида ривожланётган иккиласмчи тартиб ҳосил шохидаги күсаклар ва қўшимча шохда шаклланган күсаклар бирламчи тартиб, асосий ҳосил шохидаги күсакларга қараганда майда бўлади.

Кўсак етилгунча ғўза турига қараб унинг сирти силлик, салчутир, ғадир-будур, деярли буришган, баъзан сўгалли бўлиши мумкин. Масалан, ўрта толали ғўза навларида ва жайдари ғўзаларда кўсакнинг сирти силлик ёки салгина чутир, ингичка толали ғўза навларида ва Ҳинди-Хитой ғўзаларида кўсак сирти майда чуқурчали ёки безсимон бўлади. Бундан ташқари кўсак сирти ғўза тури ва навига қараб ялтироқ ёки хира, туксиз ёки тукли, мум-ғубор билан қопланган бўлиши мумкин.


Кўсак сиртида қорамтири нуқталар - безчалар одатда яхши кўриниб туради. Кўсак тумшуғидан таг томонга қараб ўтган, «чок» деб аталағидан буй чизиклар ёки эгатлар бўлади. Кўсак етилганда у ана шу «чокидан» ёрилиб очилади. Ғўзанинг айрим навларида кўсак тумшуғи тепасида 3, 4, 5 бурчакли, юлдузасимон, қисқа эгатчалар (юлдузчалар бурчагининг сони кўсак чаноғи сони билан баравар) бўлади.

Етилмаган кўсакнинг тузи ғўза тури ва навига қараб яшил, оч яшилдан тўқ яшилгача ҳамда пушти ёки қизил рангда бўлиб, товланиб туради. Шу билан бирга кўсагининг бир тарафи ёки кўёшга қараган томони қизғиши, иккинчи тарафи яшил бўладиган ғўза турлари ҳам бор.

Кўсакнинг оч яшил тусда бўлиши, масалан, ўрта толали ғўза навларига ва жайдари турга мансуб ғўзаларга хос хусусиятдир. Ингичка толали ғўза навларида ва ҳинди-хитой ғўзаларида эса кўсак одатда тўқ яшил рангда бўлади. Кўсаги қизил ғўза навлари эса асосан жайдари ва ҳинди-хитой ғўзаларида, камдан-кам ҳолларда ўрта толали ғўза навларида учрайди.

Кўсак ичи тўсиқлар билан хоналарга бўлинган, бу хоналар ташки томондан чаноқ билан қопланган. Кўсак очилгунча унинг чаноқлари бир-бири билан ўзаро туташган бўлиб, яхлит ғўза пўчогини ташкил этади. Кўсак ичини хоналарга бўлиб турган ҳар қайси тўсиқда қиличсимон чизик бор, бу чизиклар бир-бири билан кўсак марказида бирлашади. Шу билан бирга ҳар бир чаноқ

икки қүшни хонанинг ярмини қоплаб олиб, бир йўла уларни тўсиқлар билан ажратиб туради (18-расм).



18-расм. Ёзга кўсагининг ички тузилиши:

а) кўндаланг кесими; б) бўйига қарата кесими; 1) ёзга пўчоги; 2) чаноқ хонаси; 3) марказий чигит банди; 4) чигит; 5) кўсакнинг пишганда очиладиган жойи (чоки).

Гул тугунчаси билан чаноқлар сони хоналар сонига мос келади, яъни одатда 3-4 чаноқли бўлади. Масалан, кўсакнинг 3-4 чаноқли бўлиши ингичка толали ёзга навлари ва ҳинди-хитой гўзаларига хосдир.

Чаноғи 5 та кўсаклар кам учрайди. Кўсакнинг 4-5 чаноқли бўлиши ўрта толали гўзалар ва жайдари турга мансуб гўзалар учун хос хусусиятдир, лекин бу турдаги айрим гўзаларда баъзан 3 чаноқли кўсаклар ҳам учраб туради.

Бештадан кўп ёки учтадан кам чаноқли кўсаклардан иборат гўзалар камдан-кам учрайди. Кўп чаноқли кўсаклар нуқсонли кўсаклар қаторига киритилади. Баъзан чаноғи учтадан кам кўсаклар ҳам яхши ривожланмаган, яъни нуқсонли кўсаклар қаторига киради. Бундай кўсаклар одатда чириб пахта сифатини бузади.

Нормал ривожланган кўсакларда чаноқ ёки уялар сонининг кўп бўлиши амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга, чунки чаноқ сони оптиши билан кўсак йириклишади, бинобарин пахта ҳосили

ҳам ортади. Кўсакларда чаноқлар сонининг кўп бўлиши гўзанинг у ёки бу навларига хос хусусият. Бу ишлаб чиқариш шароитида деярли кўп кузатилади.

Гўза юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилинганда, кўсаги асосан тўрт-беш чаноқдан иборат бўладиган ўрта толали навларда беш чаноқли, кўсаги асосан уч-тўрт чаноқли ингичка толали навларда эса тўрт чаноқли кўсаклар сони кўп бўлади. Ўсимлик яхши парвариш қилинмаганда эса биринчи турга мансуб гўза навларида беш чаноқли кўсаклар сони бирмунча камайиб, тўрт чаноқли, ҳатто уч чаноқли кўсаклар сони кўпаяди. Ингичка толали гўза навларида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади.

Селекция йўли билан у ёки бу навга мансуб гўзаларда кўсакдаги чаноқ (уя) лар сонини маълум даражада ўзгартириш мумкин. Масалан, А.И.Автономов ва В.Г.Кулебаевлар айрим ингичка толали гўза навларида бу ирсий белгиларни ўзгартиришга муваффақ бўлганлар, яъни тўрт чаноқли кўсаклар сонини кўпайтиришга эришганлар.

Кўсакни чаноқларга бўладиган тўсиқлар бориб туташадиган марказни марказий чигитбанд дейилади, чунки кўсакдаги барча чигитларнинг банди шу ерда бўлади. Кўсакнинг ҳар бир чаноғида 5-10 тадан чигит ривожланади, булар тўсиқнинг ҳар иккала томонида икки қатор жойлашиб, банди тўсиқ чети орқали кўсак марказига келади. Демак, ҳар бир кўсакда ундаги чаноқ сонига қараб ўрта ҳисобда 25-50 тагача чигит бўлиши мумкин. Кўсак етилгандан кейин қурийди ва кўсак чоклари ёрилиб, чаноқлари секин-аста атрофга керилади. Гўзанинг шундай турлари ҳам борки, уларда етилган кўсак салгина очилади ёки бутунлай очилмайди.

Кўсак чаногининг ўрта қисми четига қараганда серэт ва серсув тўқималардан иборат. Улар қуриган пайтда серсув тўқималар қаттиқроқ бўлиб буришади, демак, чаноқ четларини ўртага қараб тортади. Натижада кўсак чокларидан ёрилади, у қуриган сари чаноқлари бир-биридан кўпроқ ажralиб, четлари орқасига сал қайрилади. Етилган кўсакнинг очилиш даражаси гўзанинг ирсий белгисидир, унинг кўсаги очиладиган навларида бу жараён ниҳоятда хилма-хил бўлади. Масалан, баъзан кўсак

чаногининг учи пастга эгилган, чаноқ четлари ташқи томонга бироз қайрилган бўлиб, уч томонигина сал очилади.

Ғўза навларига қараб кўсакларнинг очилиш даражаси чаноқ ичининг анатомик тузилишига, жумладан, чаноқдаги ўтказувчи радиал тўқималар тутамининг сонига ва кучига ҳамда чаноқда қанчалик радиал жойлашувига боғлиқdir. Бу тўқима қанчалик кўп ва кучли ривожланган, шунингдек, улар қанчалик радиал жойлашуви бўлса, кўсак шунчалик катта очилади, чунки чаноқлар қуриган сари ундаги радиал жойлашган ўтказувчи тўқима тутамлари худди пай каби чаноқни бир-биридан ажратиб, четларини орқага қайради.

Кўсакларнинг очилишида радиал тутамларнинг сони, радиалликнинг қай даражада ривожланганлиги ва унинг жойлашувидан ташқари чаноқларнинг узунаси бўйлаб тутамларнинг қанчалик бир текисда тақсимланганлигининг ҳам аҳамияти катта.

Пахтани териб олиш қулай бўлиши учун кўсак яхши етилиб очилиши (лекин ҳаддан ташқари очилиб кетмаслиги), чаноқ учлари шунингдек, четлари орқага ҳаддан ташқари қайрилмаслиги, яъни пахта ўз-ўзидан тўкилиб кетмаслиги, айни вақтда уни ушлаб тортганда чаноқдан осонгина ажралиб чиқадиган бўлиши керак. Кўсаги шу тартибда яхши очиладиган, лекин пахтаси ўз-ўзидан тўкилиб кетмайдиган ғўзаларни *шамолга чидамли гўзалар* дейилади.

Ўрта толали ғўза навларининг кўсаги яхши очилади, бу турга мансуб ғўзаларнинг шамолга чидамли навларида пахтаси чаноқдан лўппи бўлиб чиқиб туради. Шунингдек, ингичка толали ғўзаларда ҳам кўсак яхши очилади.

Кўпчилик жайдари ғўза навларидан кўсак ёмон очилади, чунки кўсаклари етилганда чоки ёки фақат тумшуғи ёрилиб, пахтаси сал-пал кўриниб туради. Тўғри, жайдари ғўзалар орасида баъзан етилган кўсаги ўрта толали ғўзаларнинг кўсагига ўхшаб яхши очиладиганлари ҳам учрайди (мас., Эрон ғўза нави).

Кўсакларнинг ривожланиши оналик тугунчаси уруғланган, яъни гул очилган кундан бошлаб кўсак етилгунча, яъни чокидан ёрила бошлагунча (кўсаги очиладиган ғўза навларидан) ўрта толали ғўза навларидан 50-60 кун, ингичка толали ғўзаларда эса янада кўпроқ вақт ўтади. Кўсак ривожланишининг давомийлиги ғўза тури ёки навининг тезпишарлигига, шунингдек, об-ҳаво ша-

роитига ва құлланилган агротехникага қараб у ёки бу томонга үзгәради. Ғұза тупида кечроқ пайдо бўлган кўсакларнинг ривожланиш даври 70-80 кунгача давом этиши мумкин.

Кўсакда кечадиган ўзгариш характеристига ва ривожланиш даврига кўра қулай шароитда ҳар бири 25-30 кун давом этадиган икки босқичга бўлинади. Биринчи босқич давомида кўсак ўзининг барча қисмлари билан ҳажми катталашиб, у ёки бу ғұза турига хос катталикка етади. Агар 25 кунлик кўсакни кесиб қаралса, унинг ички NPK қисмлари ҳали шаклланмаганлигини, чигити серсувлигини ва етилмаганлигини кўриш мумкин. Кўсакнинг барча элементлари шаклланиши ва уларнинг етилиши ривожланишнинг иккинчи босқичида содир бўлади.

Ҳар бир туп ғўзада шона пайдо бўлишида ва гул очилишида маълум тартиб бўлганидек етилган кўсакнинг очилиши ҳам худди ўша тартибда, яъни қисқа ва узоқ навбатли ҳамда гуллаш конусидаги каби рўй беради. Аммо қисқа ва узоқ навбатли гуллашга қараганда кўсакнинг қисқа ва узоқ навбат билан очилиши бироз кўпга чўзилади. Шу билан бирга кўсак қанчалик кеч етилса, очилиш навбати шунчалик узоқ давом этади, чунки бунда кўсакнинг очилишига об-ҳавонинг пастлаши сабаб бўлади. Бироқ, об-ҳаво билан бир қаторда баъзи агротехник шароитлар (сугориш, ўғитлаш, пайкалдаги кўчат қалинлиги ва бошқалар) ҳам таъсир қилиши мумкин.

Ўрта Осиёнинг сугориладиган дәхқончилик шароитида кўсаклар август ойининг ўрталаридан сентябрнинг биринчи ўн кунлигигача бўлган давр ичиде очила бошлайди, лекин бу жойнинг географик кенглигига, навнинг тезпишарлигига, ғұза парваришига ва об-ҳаво шароитига қараб үзгәради.

Ғұза кузги қора совук тушунга қадар гуллашда давом этади, шунинг учун кўсакларнинг ҳаммаси ҳам пишишга ултурмайди. Ўрта Осиё ва Кавказортида одатда дастлабки 3-4, баъзан 5-конусдаги кўсаклар пишади. Совук урган ҳом кўсаклар ҳам об-ҳаво шароити қулай келганда тезда қуриб очилади, лекин у етук кўсакка нисбатан кичик бўлади. Совук ургандан кейин у ёки бу даражада очилган ғұза мевалари кўрак дейилади. Ғўзанинг энг четки конусларида пайдо бўлган жуда ёш кўраклар совук ургандан кейин очилмай қолади ёки учи салгина ёрилади, бундай кўракларни кўр кўрак ҳам дейилади.

У ёки бу муддатда ҳар тупдаги етилмаган кўсакларнинг умумий сони (уларнинг ёшидан қатъи назар) гўзанинг кўсаклаши (мевалали) дейилади. Ӯсимликтининг амал даври охиридаги кўсаклаш миқдори айниқса муҳим роль ўйнайди.

Пахтачиликда гўзанинг умумий кўсаклаши эмас, балки хўжалик жиҳатдан фойдали ҳисобланган кўсаклари сони муҳимдир. Бундан кейин пайдо бўлган ялпи кўсак сонидан ўта хом, яъни совуқ ургандан кейин ҳам ҳатто кўрак пахта чиқмайдиган кўсаклар чегириб ташланади. Бинобарин, хўжалик жиҳатдан фойдали кўсаклар деганди, гўзада амал даври охиригача пайдо бўлган ва турли сифот даражасидаги пахта берадиган, етилган ҳамда тўла етилмаган кўсакларнинг умумий сони тушунилади.

Ўрта толали гўза навларида кўчат нормал қалинликда бўлса, ўсув даврининг охиригача ҳар тупда 8-10 тагача хўжалик жиҳатдан фойдали кўсак бўлади. Агар гўза юқори агротехника талаблари асосида парвариш қилинса, бу хилдаги кўсаклар сони 10-12 тагача етади ва ундан ҳам ортади. Гўзаси яхши ривожланган пайкалларда 30 - 40 - 50 та ва ундан ҳам кўпроқ пахта берадиган кўсаклари бўлган айрим гўза тупларини учратиш мумкин. Ўрта Осиёдаги айрим гўза навларининг тупида 100-150 та, ҳатто бир неча юзтагача хўжалик жиҳатдан фойдали ҳисобланган кўсаклар бўлиши маълум. Бундай гўза тупларини кўчатлар ниҳоятда сийраклашиб қолган участкаларда учратиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси гўзанинг ҳосил тўплаш борасида жуда катта потенциалга зга эканлигидан далолат беради.

Гўзанинг кўсаклаши унинг тур ва нав хусусиятларидан ташқари ўсиш шароитига, агротехникага кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўсиш шароити қанча қулай бўлса, гўзанинг кўсаклаши ҳам шунча яхши бўлади.

4. Гўза меваларининг тўкилиши

Юқорида айтилганидек, пахтачилик билан шуғулланадиган минтақада гўзанинг амал даври бирмунча қисқа бўлганлигидан уларда пайдо бўладиган шоналар, гуллар, тугунчаларнинг ҳаммаси пахта берадиган кўсакка айланмайди, чунки кўп қисми ри-


вожланишнинг турли босқичларида, асосан ёшлигига тўкилиб кетади. Шонага нисбатан қўсакчалар кўпроқ, гул эса кам тўкилади.

Қўсакча ва шоналарнинг 10 кунлик бўлмаганлари, асосан 5-7 кунлик бўлганлари кўп тўкилади. 10 кунликкача бўлган қўсакчаларни тугунча дейиш қабул қилинган. Амалиётда ва пахтачиликка оид адабиётларда кўпинча «тугунчаларнинг тўкилиши» деганда 10 кунликкача бўлган тугунчалар эмас, балки барча ҳосил органлари - шона, гул ва ёшидан қатъи назар ҳар хил катталиктаги қўсакларнинг тўкилиши тушунилади.

Ғўза ҳосил органларининг тўкилиш миқдори одатда ўсимликнинг тур ва нав хусусиятига, шунингдек ўсиш шароитига қараб кескин ўзгаради. Масалан, ўрта толали ғўза навларида уларнинг қарийб 60-70 фоизи, ингичка толали навларда эса бундан тахминан икки марта кам тўкилади. Ғўзанинг ўсиш шароити нокулай бўлганда, ҳосил органларининг 80-90 фоизи, баъзан 100 фоизи тўкилиб кетиши мумкин, қулай шароитда ўсиб ривожланган ғўзаларда эса ҳосил органларининг тўкилиши кескин камаяди.

Ҳосил органларининг тўкилиш миқдори ғўза тури доирасида маълум бир қонуниятнинг ўзгариши билан боғлиқ. Масалан, ҳосил органларининг тўкилиши конуснинг ички томонидан ташки томонига ўтган сари аста-секин кўпая боради, лекин ташки конусларда унинг миқдори анча кўп бўлади. Ҳар бир конус доирасида унинг пастки қисмидаги ҳосил органлари юкори қисмидагига нисбатан кўп тўкилади. Шунингдек, пастдан юкорига чиқсан сари ҳосил органларининг тўкилиши камаяди (19-расмга қаранг).

Ҳар бир туп доирасида ҳосил органларининг тўкилишидаги қонуниятни дастлаб Г.С.Зайцев аниқлаган. Ҳосил органларининг тўкилишидаги бу қонуният ўсимликда мазкур органларнинг жойлашиш ўрнига, яъни ғўзани озиқлантирувчи бош артерия - асосий поядан ҳосил органларининг қанчалик узоқлигига ва жойлашиш баландлигига қараб рўй беради. Ҳосил органлари асосий поядан қанчалик узоқ ва баланд жойлашган бўлса, уларга озиқ моддалар ва сув шунча кам боради. Шу сабабли уларнинг тўкилиш эҳтимоли ортади.



19-расм. Фұза ҳосил органларининг түкилиши (доира ичидаги қора ранг билан ҳосил органларининг нисбий түкилиш мөкдори; рақамларда ҳосил органларининг охирғи рақами күрсатылған).

Баъзан ҳосил органлари түкилишининг ички қонусдан ташқи конусга қараб аста-секин ортиб бориши бузилади. Масалан, бу хилдаги бузилиш ички шоналаш ва гуллаш конуслари шаклланада сүфориш режимининг ёки биронта шунга үхашш таъсир этувчи шароитнинг кескин ўзgartыриб юборилиши оқибатида рўй бериши мумкин. Натижада мана шу конуслардаги шона ва ёш кўсакча (тугунча)лар одатдагидан кўра кўпроқ түкилади.

Ҳосил органларида юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари вақтга қараб түкилиш хусусияти ҳам бор. Масалан, фұзаның ҳосил органлари июль охири ва август бошигача (Марказий Осиё ва Кавказортида), одатда, унчалик кўп түкилмайди, июль охири ва август бошидан августдан ёки охиригача бўлган

давр ичидә ҳосил органлари айниңса күп түкилади. Амал даврининг охирига келиб эса ҳосил органларнинг түкилиши нисбатан камаяди.

Шундай қилиб, ҳар тупдаги ҳосил органларининг түкилишида икки томонни фарқлаш мумкин: биринчиси, ички томон, бунда ҳосил органлари унчалик күп түкилмайди; иккинчиси, ташқи томон, бунда ҳосил органлари кўплаб түкилади.

Ҳосил органларининг түкилишига тупроқда нам етишмаслиги ёки сернамлик, юқори ҳарорат, минерал озиқ ва углеводларнинг етишмаслиги, азотнинг ортиқчалиги, ёруғликнинг камлиги каби ташқи муҳит омиллари ҳам сабаб бўлади. Бу омиллардан ташқари ҳосил органларининг түкилишига ғўзага зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларнинг шикаст етказиши, шунингдек, оналик тугунчасидаги уругкуртакнинг уруғланмаслиги ҳам салбий таъсир этади.

Тупроқ бирдан қуриб қолиб, ўсимликда транспирация (сувнинг буғланиб кетиши) жараёни кучайган пайтда, масалан, гармсел вақтида ғўзага сув етишмаслиги унга, айниңса, ёмон таъсир қиласди.

Тупроқда намлик ва азот ҳаддан ташқари күп бўлса, ўсимлик ғовлаб кетади, демак, озиқ моддалар ва сувнинг асосий қисми ғўзанинг ўсув органларига сарфланиши натижасида ҳосил түкилади. Шунингдек, ғўзанинг ўсув органлари ҳаддан ташқари ривожланиши туфайли ўсимлик ораларига ёруғлик яхши тушмайди, натижада ички конусларда гуллар сояланиб, ундаги энг қимматли ҳосил органлари кўплаб түкилади. Демак, ҳосил органларининг, айниңса, ички конусни ташкил этган ҳосил органларининг иложи борича кам түкилиши учун тегишли агротехник тадбирларни кўллаш керак.

Ғўза шохи чеккаларидаги ҳосил органларининг түкилиши унчалик аҳамиятли эмас, чунки бу ерларда августнинг иккинчи ярмида пайдо бўладиган шоналардан амал даври охиригача лоақал кўрак пахта берадиган кўсаклар пайдо бўлмайди. Шунинг учун бу даврда (август ойида) қилинадиган барча парвариш ишлари асосан шу вақтгача ҳосил бўлган кўсакларни сақлаб қолишга ва уларнинг нормал ривожланиб, яхши етилишига қаратилган бўлиши керак.

Фақат Марказий Осиёнинг энг жанубидаги, яъни кузги илик кунлар бирмунча узоқ давом этадиган пахтакор туманлардагина августнинг иккинчи ярмида ва сентябрь бошларида пайдо бўлган гуллардан кўсаклар пайдо бўлиб, улар очилиши мумкин.


Ҳосил органлари ғўзанинг тур ва навига қараб ҳар хил миқдорда тўкилади. Уларнинг тўкилишини селекция йўли билан ҳам камайтириш мумкин. Шу нарса маълумки, ҳосил органлари кўплаб тўкиладиган ғўзалар орасида, баъзан шона, гул, тугунчалар жуда кўп бўлишидан қатъи назар уларнинг биронтаси тўкилмайдиган ғўзалар ҳам учрайди. Бу эса ғўзаларда ҳосил органларининг тўкилишига йўл қўймайдиган потенциал (яширин имкониятлар) борлигидан далолат беради. Тегишли селекция ишларини амалга ошириб, ҳосил органлари жуда кам миқдорда тўкиладиган ғўза навларини яратиш мумкин. Ғўзанинг ҳосил органлари тўкилишини камайтириш хўжалик нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Ҳосил органларининг тўкилишига сабаб бўладиган физиологик-биокимёвий жараёнларни чуқур ўрганиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу эса тўкилишга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

5. Чигитнинг морфологик тузилиши ва ривожланиши

Тўла шаклланган ва етилган чигит тухумсимон ёки ноксимон кўринишда бўлади. Ғўза турларига қараб у узунчоқ, бироз узунчоқ, деярли думалоқ ҳам бўлиши мумкин.

Чигит муртакдан ва уни ўраб олган иккита қобиқ (пўст)дан иборат. Пардасимон ташки пўсти ёғочланиб, қаттиқлашган бўлади ва у пўчоқ дейилади (20-расм).

Чигит пўчогининг сирти туклар билан қопланган. Баъзи турдаги ғўзалар чигитининг пўчогида фақат узун туклар, бошқа бир турларида эса ҳам узун, ҳам қисқа туклар бўлади. Узун туклар тола, қисқалари эса чигит туки ёки линтер деб аталади. Ғўзанинг баъзи ёввойи навлари орасида чигит сиртида тоза ва тукка ажралмайдиган фақат калта туклар ривожланади.



20-расм. Чигитнинг түзилиши:

1) туки; 2) ташки қатпиқ қобиги; 3) ички пардасимон пўсти; 4) муртак (магиз); 5) уруғбанд қолдиги.

Чигитнинг кенг томони *халаза*, ингичка томони эса *микропил*, деб аталади. Микропил деб аталишига сабаб шуки, чигит учидаги («ниш» томонида) тешикча - микропил бўлади, уруғланиш вақтида чанг найи шу микропил орқали уруғкортак ичига киради. Микропилнинг охири, одатда ўткир тумшуқча билан тугалланади, бу ёғочланган уруғбанддир.

Агар чигит сиртидаги тола ва тукчалар олиб ташланса, унинг бир биқини иккинчи биқинига қараганда бирмунча чиқиқ эканлиги кўринади; чиқиқ бўлмаган ясси биқини бўйлаб уруғ бандидан халаза томонга «чок» ўтади. Бу «чок» чигитнинг асосий най тўқималари тутамидан иборат. Бу най тўқималари тутами хала-зада тармоқланади ва микропил томон қалин томирлар ҳосил қилиб, шу ерда тугалланади.

Чигитнинг йириклиги ва ҳажми ғўзанинг тури ҳамда нав ху-сусиятига, шунингдек, парваришлаш шароитига (асосан озиқланиш шароитига) қараб ниҳоятда хилма-хил. Чигитнинг шакли бирмунча узунчоқ ёки бироз думалоқ бўлиши мумкин. Масалан, ўрта толали ва ингичка толали ғўза навларининг чигити жайдари ва ҳиндикитой ғўзалариникига нисбатан бирмунча йи-рик ва узунчоқ бўлади.

Чигитнинг узунаси 5 мм.дан 14 мм гача, халазаси (энг кенг жойи) 3 мм дан 6-8 мм.гача бўлади. Ёззанинг баъзи бир ёввойи турларида, масалан, *Gossypium Stocksii* M. Mast. – чигит узунаси қарийб 4 мм, энг кенг жойи 2 мм бўлади. Экилаётган гўза навларида чигитнинг узунаси 10-11 мм, диаметри 4-6 мм келади.

Чигитнинг вазни жуда муҳим кўрсаткич бўлиб, у асосан йириклигига ҳамда муртак ҳажмига ва тўқлигига қараб турличадир. Бир дона чигит вазни гўза турига ва навига ҳамда ўсиш шароитига боғлиқ равишда 50 мг.дан 200 мг.гача, баъзан бундан оғирроқ бўлади. Ёввойи гўза (*Gossypium Stocksii* M. Mast.) чигитнинг массаси 10 мг атрофида, ўрта толали гўза навларининг чигити 90-160 мг, ингичка толали гўза навлариники эса 120-150 мг.гача боради.


Пахтачилик амалиётида чигитнинг массаси 1000 дона чигит вазни ҳисобида ифодаланади. Чигитнинг мана шу вазни унинг қанчалик йириклигини кўрсатади. Лекин айрим ҳолларда чигитнинг йириклиги бир хилда бўлса ҳам, массаси ҳар хил бўлади. Бунга асосан муртак ва қобиқ вазнида фарқ бўлиши, шунингдек, уруғ ичидаги ҳаво камерасининг бор-йўқлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Чигит муртаги қанчалик йирик ва тўлиқ бўлса, вазни шунчалик оғир бўлади. Пишган чигит муртак ва қобигининг нисбий оғирлигига унинг йириклигига қараб турличадир. Чигит майдалашган сари муртакнинг нисбий вазни камайиб, қобигининг нисбий вазни эса орта боради.

1000 дона чигитнинг вазни ҳамда ундаги муртакнинг нисбий вазни фақат гўза турига ва навига, ташки муҳит шароитига қарабгина эмас, балки кўсак тупнинг қаерида жойлашганлигига, ҳатто чигит кўсак ичидаги қаерга жойлашганлигига қараб ҳам ўзгаради.

Ҳар бир шоҳда кўсакдаги айрим чигитларнинг вазни уларнинг марказий уруғбанддаги жойлашиш ўрнига қараб ўзгаради. Кўсакдаги марказий уруғбанднинг ўрта қисмига жойлашган чигит одатда тўқ, 1000 донасининг вазни анча юқори бўлади. Уруғбанднинг энг учки қисмига жойлашган чигит уруғбанднинг ўртасига жойлашган чигитдан, уруғбанднинг энг пастки қисмига жойлашган чигит эса унинг энг учки қисмидаги чигитдан енгилроқ бўлади.

Битта кўсакда чигитларнинг бир-биридан шу хилда ўзаро фарқ қилиши марказий уруғбанд бўйича жойлашган чигитларнинг озиқланиш шароити бир хил эмаслиги билан изоҳланади.

Чигит муртаги (баъзан у чигит мағзи деб ҳам аталади) иккита уруғпалладан ва ўсимликнинг асосий бошланғич органларидан иборат. Асосий органлар бошланғич учки ўсиш куртагидан иборат бўлиб, бундан поянинг уруғбарг остки ҳамда пастки қисми ташкил топади; уруғбаргнинг остки қисми уни тупроқ ичидан ташқарига олиб чиқади. Учки ўсиш куртаги юқорисида илдиз филофчаси бўлган муртак илдизча ҳам шаклланади. Муртак илдизчадан асосий ўқилдиз ўсиб чиқади. Уруғбаргнинг остки қисми илдиз бўғизга, ундан илдизга ўтади. Муртак илдизи уруғбарг остки қисми билан бирга анча йирик бўлганлигидан уни кўриш мумкин. Илдизча чигитнинг микропил томонига қараб ўсган, учки ўсиш куртаги жуда кичик бўлиб, уни кўриш жуда қийин. Бу куртак чигитнинг халаза томонига қараб уруғбарг илдизчаларининг туви орасига жойлашган (21-расм).



21-расм. Чигит муртагининг тузилиши: а) уруғпалласи ёзилган муртак; б) муртак, уруғпалланинг узунасига кесими; 1 - уруғпалла; 2 - уруғпалла остки тирсаги; 3 - илдизча учидаги гилоф; 4 - ўсиш нуктаси.

Учки ўсиш куртаги уруғбарг илдизчаларининг кенгайган қисми орасига ўрнашганлигидан ташқи мұхитнинг нокулай шароитлари чигит униб чиқишида бу куртакни шикастлай олмайди. Муртакнинг асосий органлари ҳар томондан нисбатан йирик уруғбанд қатламлари билан ўралган.

Уруғбарг юзи билан бўйига букилган бўлади, сўнгра жуда ғижимланади ва кўплаб қатламлар ҳосил қиласди, чигит қуруқлигида бу қатламлар тифиз жойлашганлигидан кўзга кўринмайди. Муртакнинг уруғбарг палласи бир хил катталикда эмас, ўралиб ётган бу палланинг бири каттароқ, иккинчиси чикроқ, буни чигит униб чиққандан кейин ҳам кўриш мумкин. Муртакнинг уруғбарги ва бошқа қисмлари оқиши-сариқ рангда товланади.

Кўпчилик гўза турларининг уруғбарг сатҳида ва унинг остида қорамтири майда нукталарга ўхаш жуда кўп безчалар бўлади. Бу безчаларда мураккаб органик моддалар, жумладан, қуюқ мойсимон ҳолдаги захарли модда - госсипол бор.

Муртак танасининг асосий ҳужайраларида, айниқса уруғбарг ҳужайраларида алайрон доначалари шаклида запас моддалар ҳамда ҳар хил катталикдаги мой томчилари ва крахмал доначалари жойлашган. Чигит муртагидаги мой унинг ҳажмининг ўртача 20-25 фоизини ташкил қиласди. Лекин чигитдаги мой миқдори гўзанинг тури ва навига қараб 18 дан 29 фоизгача ўзгариб туради. Муртакдаги мой миқдори муртак вазнига нисбатан (қобиқсиз) ўрта ҳисобда 40% ни ташкил этади.

Гўзанинг Г. барбадензе ва Г. хирзути маданий турларининг чигити сермой бўлади. Улардан биринчisinинг чигити иккинчи-синикидан ҳам сермойроқдир.

Селекция ишлари яхши йўлга қўйилганлиги сабабли мамла-катимида экилаётган гўзанинг янги саноатбоп навлари чигитидаги мой миқдори илгари экилган саноатбоп навларнигида қараганда анча кўп.

Чигитнинг мойлилик даражаси гўза тури ва нав хусусиятига, чигитнинг қай даражада етилганлигига, кўсак тупнинг қаерида жойлашганлигига, шунингдек, ўсимликнинг ўсиш шароитига, жумладан, об-ҳаво шароитига ва қўлланган агротехникага боғлиқ равишда турличадир. Чигит қанчалик яхши етилган бўлса, у шунча сермой бўлади. Ички конусдаги етилган кўсакнинг чигити ташки конусдаги кўсак чигитиникига нисбатан сермойроқдир. Шу билан бирга биринчи конусдан кейингисига ўтган сари чигитнинг мойлилиги камайиб боради. Ички ва ташки конусдаги чигитларнинг мойлилигидаги фарқ 10 фоизгача етади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, чигит муртаги иккита пўст - ичкі пардасимон пўст ва қобиқ деб аталағидан ташқи қаттиқ пўст билан ўралган. Пардасимон пўст жуда юпқа ва нозик бўлиб, муртак халтачасининг қолдигидан иборат, бу пўст муртакни зич ўраб олади. У муртакни ташқи ноқулай шароит таъсиридан ҳимоя қилишда деярли ҳеч қандай роль ўйнамайди.

Чигит қобиғи тузилиши жиҳатидан анча мураккаб: у жуда мустаҳкам бўлиб, қалинлиги 0,25 мм келади. Бу қобиқ қалинлигининг ярми ёки учдан икки қисми жуда қалин деворчали узун цилиндр шаклида жойлашган панжарасимон (полисад) тўқималардан иборат. Панжарасимон тўқималар чигит етилганда бутун узунаси бўйлаб лигнин моддаси билан тўйиниб, ҳужайратни мустаҳкам шоҳсимон ҳолатга келтиради.

Панжарасимон тўқима ташқи интегумент қобиқнинг девори бўлган ташқи ва ички эпидермис билан бирга чигит муртагини ҳар қандай ташқи муҳит таъсирида жуда яхши сақлаб туради.

Чигит қобиғи шундай қаттиқки, у яхши пишиб қуриганда ҳатто ўтқир пичноқ билан ҳам кесиш анча қийин.

Чигит сульфат кислотага солиб қўйилганда ҳам қобиғининг мустаҳкамлиги туфайли унинг таъсирига чидай олади. Масалан, муаллифларнинг кузатишларидан шу нарса маълум бўлдики, чигит бир кеча-кундуз давомида сульфат кислотанинг кучли эритмасига солиб ишланганда ҳам у ўзининг униб чиқиш қобилиятини йўқотмайди.

Ёввойи ғўзалар чигитининг қобиғи ўта қаттиқлиги билан кескин ажралиб туради, уларнинг кўпчилиги «тош чигит» деб аталиши бежиз эмас, албатта, чунки у сувда узоқ вақт турса ҳам ўзига сувни ўтказмайди ёки сувни шимимайди. Ёввойи ғўза чигити қобиғининг ниҳоятда қаттиқлиги биологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга, чунки у ташқи шароитнинг ноқулай таъсирига бардош бера олади ва бир неча йилгача ҳаётчанлигини сақлаб қолади.

Пишган чигит қобиғи тўқ жигар рангда ёки қорамтири жигар рангли бўлади. Етилмаган чигит қобиғи эса унинг етилганлик дарражасига қараб оч жигарранг, сариқ, ҳатто оқиш тусда бўлиши мумкин. Чигит қанчалик яхши пишган бўлса, унинг пўсти шунчалик қорамтири тусда бўлади.

Чигит қобиғининг жигарранг тусга киришига у ривожланаётган вақтда қобиғининг баъзи ички тўқима қатламлари ҳужайраларига маълум пигментлар аста-секин йиғилиб қолиши сабаб бўлади.

Пахта толаси (узун тукчалар) чигитдан асосан тола ажратадиган машиналарда осонгина ажратиб олинади. Ёзга ўсимлигини ўстиришдан асосий мақсад ҳам айнан тола етиширишdir. Чигит сиртидаги узун туклар, яъни тола ажратиб олингандан кейин унда чигит туки деб аталадиган туклар (калта тук) қолади.

Чигит сиртида тукларнинг тақсимланиши, қалинлиги, тифизлиги ва ранги ёзга шаклларига қараб турлича бўлади.

Туклар чигит сирти бўйича ёки унинг бир қисми бўйича тақсимланиши мумкин. Чигит қисман тукли бўлганда тукчалар ё бир текисда тақсимланмай, доғ-доғ кўринишда ёки микропилнинг уч томонида фақат тутам шаклида бўлади. Чигит бутун юзаси бўйлаб тукланган бўлса, у тукли чигит дейилади. Агар чигитда туклар жуда кам бўлиб, фақат унинг пастки қисмининг ёки уч томонининг у ер - бу ерида учраса, бундай чигитлар шартли равишда туксиз чигит дейилади. Шартли равишда туксиз чигит деб аталадиган чигитлар кўпчилик ингичка толали ёзга навларида учрайди. Ўрта толали ва жайдари ўзаларнинг чигити асосан тукли чигитлардир (туклар чигитнинг бутун сатҳини бир текисда қоплаган). Лекин булар орасида баъзан туксиз чигитли ёзга шакллари ҳам учрайди.

Чигит сиртидаги тукчалар қалин, ўртача қалин ва сийрак бўлиши мумкин. Бу белгилар ўззанинг тури ва нав хусусиятига қараб ўзгаришидан ташқари нав, туп ва ҳатто битта кўсак доирасида ҳам ўзгаради. Демак, кўсакнинг битта чаноғида қўшни бўлиб турган чигитда тукларнинг қалинлиги турлича бўлиши ҳам мумкин.

Туклар зич (тифиз) бўлганда, чигит қобигига қаттиқ ёпишиб, кийгизга ўхшаб кетади; туклар ўрта зичликда бўлганда, чигит қобигига унчалик қаттиқ ёпишиб кетмайди ва у ёки бу даражада тукли бўлади; тукларнинг зичлиги кам бўлганда улар ниҳоятда сийрак жойлашади. Тукларнинг узунлиги одатда 2 - 5 мм дан ошмайди.

Тукларнинг ранги ғўза навларига қараб оқ, кулранг, ҳар хил товланишдаги қўнғирранг, сал яшил рангда бўлиши мумкин. Яшил рангдаги туклар Қуёш нурида кулранг тусга ўтади.

Тукли чигитнинг камчилиги шуки, у сочилувчан эмас ва бу хилдаги чигитни экишда, айниқса уяларга белгиланган миқдорда экишда бирмунча қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун экишга мўлжалланган тукли чигитлар имкон даражасида туклардан то-заланади ёки улар бутунлай туксизлантирилади. Айни вактда туксиз чигитли ғўза навлари яратиш устида ҳам селекция ишлари олиб борилмоқда.

Гулнинг оналик тугунчасидаги уруғкортак уруғлангандан кейин ундан чигит шаклланади. Чигит ўзи жойлашган қўсак билан баравар ривожланади. Бинобарин, чигит билан қўсак ривожланиши ўртасида битта умумий қонуният бор. Чигит ва қўсакнинг ривожланиш жараёни қулагай шароитда ўрта ҳисобда 50-60 кун давом этиб, ҳар бири 25-30 кундан икки босқичга бўлиниади. Биринчи босқичда чигит асосан ҳажмига ўсиб, у мазкур шароитда ривожланаётган ғўза турига хос катталикка етади. Чигитнинг бу даврдаги ўсиши билан бирга унинг ичидаги баъзи бир шаклланиш жараёнлари бошланади. Иккинчи босқичда асосан чигитнинг ички шаклланиши ва пишиши билан боғлиқ жараёнлар содир бўлади.

Чигитнинг асосий қисми ҳисобланган муртак тугунчадаги уруғкортак уруғлангандан кейин ривожлана бошлаб, 15 кундан сўнг кенг муртак халтасида жойлашган, лекин ҳали қисмларга табақалашмаган кичкина оқиш доғ шаклида кўриниб туради. Муртак тахминан 20-кундан бошлаб уруғбарг ва асосий органларга бўлина бошлайди, ривожланишининг 25-30-кунлари чигит анча ўсиб, унинг муртак халтасидаги бўшлиқ деярли тўлади. 35-40 кунлик чигитдаги муртак яхши шаклланган бўлиб, табақаланиши жиҳатидан етилган чигит муртагидан деярли фарқ килмайди. Ривожланишнинг иккинчи босқичи охирида чигит қўсак билан бир вактда қурийди, чигит қобиги ва муртак жуда зичлашади. Шунинг учун пишган куруқ чигит эзилса, ундан «қирс» этган товуш чиқади.

Чигитнинг ривожланиш суръати ғўзанинг тур ва нав ҳусусиятига ҳамда ташқи муҳит шароитига боғлиқ. Ғўза қанчалик тезпи-

шар ва ўсиш шароити қулай бўлса, чигит шунчалик тез ҳамда яхши ривожланади.

Етилган кўсакнинг очилиш пайтида ундаги чигит ҳам пишган бўлади, лекин унинг унувчанлиги ва униш қуввати етарли дара-жада бўлмайди. Экиладиган чигитнинг энг муҳим сифат кўрсат-кичларидан хисобланган бу хусусиятлар унда физиологик пишишдан кейин, пахта териб олингандан сўнг бирмунча вақт ўтгач содир бўлади.

Пахта териб олингач, чигит пишиб, физиологик жиҳатдан тӯла етилгунча ўтган давр унинг тиним даври дейилади. Чигитнинг тиним даври ўзга тури ва навига, кўсакнинг етилиш (морфологик етилиш) шароитига, шунингдек, пахта очилгандан кейин ундаги чигитнинг физиологик жиҳатдан тӯла етилиш шароитига, яъни пахтани йигиб-териб олгунча далада ўтган вақт ва териб олингандан кейин чигитни сақлаш вақтида бўлган шароитга қараб тахминан 2-3 ҳафтадан бир неча ойгacha, ҳатто 1-2 йилгacha чўзи-лиши мумкин. Кўсакнинг етилиш ва очилиш шароити қанчалик қулай, чигитни сақлаш шароити қанчалик яхши бўлса, чигитда тиним даври шунча тез ўтиб, у физиологик жиҳатдан тез ва тӯла етилади.

Географик келиб чиқиши турлича бўлган ўзаларда тиним даврининг давомийлиги ҳар хил бўлади, чунки уларда кўсакнинг етилиши ва очилиш шароити, шунингдек, очилган кўсакдаги чигитнинг қуриш шароити ҳар хил.

Одатда ўтган йилги ҳосилдан олинган чигит, яъни пахта терилгандан кейин тахминан 5-6 ой сақланган чигит экилади. Қулай об-ҳаво шароитида етилган пахта чигити ҳам тӯғри сақланганда, унинг кўкариш энергияси ва умуман униб чиқиш қобилияти қониқарли ҳолатда (90 фоиздан юқори) бўлади. Чигитнинг униб чиқиш қобилиятини янада ошириш учун баъзан маҳсус тадбирлар қўлланилади, масалан, қиздирилади.

Яхши етилган чигит қулай шароитда ҳаётчанлигини узок вақтгача сақлайди. Масалан, муаллифлар томонидан ўрта толали (2034) нав чигити қуруқ хонада б 6 йил сақлангандан кейин экилганда, у қийғос униб чиқди. Н.Н.Константинов ва Ф.М.Мауерлар ўз коллекцияларидаги 10-15, ҳатто 30-35 йиллик чигитларнинг айрим намуналари экилганда, улар униб чиққанлиги ҳақида маълумот беришган.

6. Пахта толасининг технологик хусусиятлари ва ривожланиши


Пахта толаси чигит қобигидаги ташқи эпидермиснинг бўйига чўзилган ҳужайрасидан иборат бўлиб, ҳар бир тола битта ҳужайра ҳисобланади. Чигит тукининг ҳар бири ҳам чигит қобигидаги ташқи эпидермиснинг битта ҳужайрасидан вужудга келади. Зоро, бу ҳам битта ҳужайрадир, лекин у бўйига унчалик чўзилиб кетмайди.

Асосий толаларнинг пайдо бўлиши фўза гулга кирган кундан бошлаб, баъзи навларда (*Gossypium barbadense*) ва улар билан чатиштирилган айрим дурагайларда гуллаш олдидан бошланади. Гул очиладиган кундан то тугунчадаги уруғкуртак уруғлангунга қадар уруғкуртакнинг ташқи эпидермисидан баъзи ҳужайраларнинг ташқи деворчаси бўртиб чиқа бошлайди, натижада эпидермиснинг бошқа ҳужайраларидан ташқарига чиқиб турадиган ўсиқ пайдо бўлади. Уруғкуртак уруғлангач, бу бўртиб чиқсан ҳужайралар бўйига тез чўзила бошлайди, диаметри ҳам сал катталашади, сўнгра деворлари қалинлашади ва шу тариқа ҳужайра толага айланади (22-расм). Уруғкуртакдаги ташқи эпидермиснинг толага айланадиган ҳужайраси фаол ҳужайра дейилади.

Эпидермиснинг фаол ҳужайраларида ўсиқ пайдо бўла бошлиши билан бирга чигит ривожланишининг дастлабки кунларида эпидермис ҳужайралари бўлинади, яъни ҳужайралар кўпаяди. Мана шу бўлиниш натижасида пайдо бўлган ҳужайраларнинг айримлари фаол ҳужайраларга айланаб, тола ҳосил қиласди.

Шундай қилиб, уруғланган уруғкуртак сиртида толага айланадиган ўсиқларнинг ҳаммаси бир вақтда пайдо бўлмайди. Бундан ташқари, бу ўсиқлар уруғкуртак сиртида бир текисда жойлашмайди ва буларнинг ривожланиш тезлиги ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, чигитнинг халаза қисмида толага айланадиган ўсиқ гуллашнинг биринчи кунида (*Gossypium barbadense*), айрим фўза турларида гуллаш олдидан пайдо бўлади. Бу ерда ўсиқлар бирмунча қалинроқ жойлашади. Чигитнинг толага айланадиган ўсиқлари кейинроқ шаклланиб, сийракроқ жойлашади ва секинроқ ўсади. Эпидермиснинг айрим ҳужайралари сугориладиган

дехқончилик шароитида ғўза гуллаганидан 6-10 кун ўтгач, лалмикор дехқончилик шароитида эса 4 кун ўтгач, бўртиб чиқиб, бўйига ўса бошлайди. Лекин жуда суст ўсади, сўнгра асосан линтер пахта деб аталадиган чигит тукига айланади.



22-расм. Пахта толасининг ривожлана бошлаши: 1) гуллаш олдидан уруғуртакдаги интегументнинг ташки эпидермис ҳужайраси; 2) шу ҳужайранинг гул очилган кундаги ҳолати (фаол ҳужайралардан тола ҳосил бўла бошлаши); 3) бир кунлик тола; 4) икки кунлик тола.

Чигит ва кўсакнинг ривожланиши каби тола ривожланиши ҳам икки босқичга бўлинади, ҳар қайси босқич 25-30 кун давом этади. Биринчи босқичда тола асосан бўйига ўсиб, ғўзанинг те-

гишли тур ва навига хос катталилкка етиб олади. Асосий тола жуда тез ўсиб, 15-16 кун ичида ўз ҳақиқиүү узунлигининг таҳминан ярмига етади, 25-30 кундан сүнг унинг бўйига ўсиши деярли тўхтайди.


Тола пайдо бўлган кундан бошлаб то 12-15 кунгача унинг диаметри катталашаверади. Толанинг диаметри бошдан-оёқ бир хилда бўлмайди. Унинг асоси ёки таҳминан ўртасининг диаметри бирмунча каттароқ. Тола узунлигини паstdан ҳисоблаганди иккidan уч қисмигача йўғонликда унчалик катта фарқ йўқ. Тола юқори қисмининг диаметри эса аста-секин қисқариб боради. Шу сабабли унинг уч томони сезиларли даражада ингичка, лекин учи тўмтоқ бўлади.

Тола бўйига чўзилаётганда унинг деворчалари ҳамма вақт юпқалигича қолаверади ва улар мой-мум модда - кутин аралашган клетчаткадан ташкил топади, бу мой-мум моддаларнинг миқдори ҳар хил турдаги гўзаларда турлича бўлади. Толанинг мана шу юпқа деворчаси кутикула деб аталади.

Тола ривожланишининг иккинчи босқичида унинг ички қисми ташкил топади, яъни деворчалари (кутикула девори) нинг ички томонида целялюзоза қатлами пайдо бўлиб, тола деворчалари қалинлашади. Тола деворчаларида целялюзоза қаватининг ҳосил бўлиш жараёни суфориладиган ерлардаги гўзаларда биринчи ривожланиш босқичининг охирида - тола пайдо бўлишининг 20-25-кунидан, лалмикор ерларда ўстирилаётган гўзаларда эса таҳминан 10-кунидан бошлаб содир бўлади. Ушбу жараён кўсак пишиб, тола ҳамда кўсак қуригунча давом этади. Целялюзозанинг жадал ҳосил бўлиш жараёни толанинг 40-45 кунлигидан бошлаб аста-секин сустлашади.

Тола ривожланиши даврида целялюзоза деворчалари бир неча қатламли мураккаб структурага зга бўлади. Тола кўндалангига кесиб қаралса, буни яқзол кўриш мумкин (23-расм).

Юқорида тилга олинган қаватларда 25-30 та тўла етилган тола бўлади. Демак, кузги қора совук тушган вақтда ҳар хил даражада етилган гўза кўсагидаги пахта толаси деворчаларидағи целялюзоза қаватининг миқдори ҳам турлича бўлади. У ёки бу кўсакнинг етилиш даври яқинлашган сари ундаги пахта толаси деворчаларида клетчатка қавати қалинлашаверади.



23-расм. Пахта толасининг кўндаланг кесими, ундаги деворчаларнинг қатма-қат тузилиши.

Асосан ривожланишнинг иккинчи босқичида шаклланган толадаги клетчатка қаватининг қалинлиги ғўзанинг ирсий ва навхусусиятига, шунингдек, ўсиш шароитига боғлик равишда маълум даражада ўзгариши мумкин. Тажрибаларда клетчатка қаватининг қалинлиги кўсакнинг ғўза тупининг қаерига жойлашганлигига қараб ҳам ўзгарганлиги кузатилган. Ғўзанинг ички конусидан ташки конусига ўтган сари клетчатка қаватининг қалинлиги камаяди.

Целлюлоза қаватларининг пайдо бўлиш суръати амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб, у ғўза тури ва навининг ирсий хусусиятларига ҳамда ташки муҳит, об-ҳаво, тупрок ва парванишлар шароитига боғлиқ ҳолда турлича бўлади.

Толаси дағалроқ, шунингдек тезлишиар ғўза навларидағи тола деворчаларида целлюлоза қаватлари бирмунча жадал суръатда пайдо бўлиши аниқланган.

Тола деворчасида целлюлоза қаватлари арқоқсимон-фибрилл шаклида жойлашган, бу микроскоп остида яхши кўрилади.

Тола ичидаги барча ўсимлик ҳужайраларидаги каби магизли протоплазма ва ҳужайра шираси бўлади.


Толанинг дастлабки ривожланиш даврида унинг барча ички бўшлиғи протоплазма билан банд бўлади. Кейинчалик клетчатка қавати қалинлаша бошлиши билан протоплазма юпқа қатлам кўринишида деворчага қочади, ҳужайра ширасининг вакуоласи эса жойида бирлашиб, толанинг энг ички қисмидаги бўшлиқларни тўлдиради. Шундай қилиб, протоплазма деворчаларга қочгандан кейин толанинг ичи ариқча кўринишига эга бўлади, унинг ўртаси ҳужайра шираси билан, четлари-юпқа деворчалари эса ҳужайра мағзи турадиган протоплазма қатлами билан тўлади. Тола деворчасининг ичидаги клетчатка қатлами қалинлашган сари ариқчага қараб аста-секин торайиб боради. Тола ривожланиши жараёнида ҳужайра ширасининг кимёвий таркиби ўзгарида. Масалан, тола 35 кунлигига унинг таркибида шакар кўп тўпланади, маълум миқдорда тана ичидаги бўшлиқда ва кейинроқ эса ҳатто тўлиқ етилган толада ҳам шакар борлиги кузатилади.

Тола деворчалари тола ривожланишининг бошланишидан у тўла етилгунга қадар целялюзоза тузилишида бўлади. Деворчаларнинг сиртидан қоплаб олган кутикула қавати тола ривожланиши жараёнида бирмунча қалинлашади.

Тола ривожланишдан тўхтагандан кейин у чигит ва кўсак билан бирга очила бошлайди. Бунда ҳужайра шираси бугланиб кетади, протоплазма қолдиги эса тола деворчаларида қурийди. Тола кўсак ёрилгандан кейин айниқса тез қурийди. Мана шу жараёнлар натижасида тола таранглашишдан тўхтайди, унинг деворчалари пучайиб, тола пачоқланганга ўхшаб тасма шаклига киради. Шу билан бирга тола буралиб, арқоққа ўхшаб қолади (24-расм).

Баъзан шундай толалар ҳам учрайдики, уларнинг деворчалари ҳаддан ташқари қалинлашган ва ривожланган бўлиб, тола қуриганда бу деворчалар пучаймайди. Тола деворчалари пучаймагач, унинг кўндаланг кесими думалоқ шаклда бўлади. Бундай тола етилмаган, ривожланган ва етилган толадан маълум даражада фарқ қилиб, у, одатда, ўта пишиб кетган тола дейилади.

Яхши етилмаган ёки хом тола қуриганда деворчалари бироз ёки жуда пучайиб қолади, шунинг учун бундай толалар яхши ёки бир текисда буралмайди; етилмаган толада у мутлақо бўлмайди. Шунинг учун микроскопда ясси тасмага ўхшаб кўринади.



24-расм. Пахта толасининг етилиш даражасига боғлик ҳолда буралувчанлиги: 1-тўла етилган тола; 2) етилмаган тола; 3) хом тола.

Тўла ривожланиб, етилган тола қуриганда, унинг деворчалири тўла пучаймайди, натижада деворчалари ўртасида тирқишига ўхшаш ковакча қолади, яъни шакли ўзгарган ариқча ҳосил бўлади. Яхши етилмаган тола қуригандан кейин, унинг деворчалари шунчалик кучли пучаядики, натижада деворчаларининг ички томони бир-бирига зич тегиб, ариқча бутунлай йўқ бўлиб кетади. Қуриган тола ичида ковак (тирқиш)нинг бўлиши толаларни бўяшда амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Яхши етилиб пишган тола ялтироқ бўлади, хомлари эса ялтирамайди.

Чигит толалари билан бирга ботаникада толали чигит (лётучка) дейилади (25-расм). Толали чигит хўжалик мақсадларида фойдаланиш ва қайта ишлаш учун асосий пахта маҳсулоти ҳисобланади.



25-расм. Толали чигит (летучка): 1) толалари түғриләнмаган чигит; 2) толалари түғриләнгән толали чигит (летучка); 3) тукли чигит; 4) түксиз чигит.

Күсак чаноғида жой төр бўлғанлигидан ҳар бир чигит толаси ривожланиш жараёнида қисилиб, жуда буралиб, букилиб, бирбири ва ёнидаги чигит толаси билан чалкашиб кетади.

Бунинг натижасида ҳар бир чаноқдаги толали чигит бир бутунга айланади ва у бир чаноқ пахтаси деб аталади.

Күсакда етилиб очилган чаноқ пахта толаси куриб, намлиги ни аста-секин йўқотади. Унинг укпарланиши ортади ва қаддини ростлайди.

Совуқ ургандан кейин қуриб очилган, лекин яхши етилмаган хом кўсакнинг, шунингдек, касаллик ёки зааркундалар шикастлаши оқибатида ривожланишдан барвақт тўхтаган, қуриб очилган кўсакларнинг чаноқ пахтаси унчалик укпарланмайди. Бунинг сабаби шундаки, етилмаган кўсакда тола деворчалари ҳам яхши ривожланмаган бўлади. Бунда кўсакнинг етилиш даражасига қараб чаноқ пахтанинг укпарланиш даражаси ҳам ўзгаради.

Етилиб очилган кўсакдаги ҳар бир чаноқнинг толали чигити гўза навларига боғлиқ равишда бир-бири билан ўзаро ҳар хил даражада бирикади. Ғўзанинг баъзи навларида толали чигитлар ўзаро шунчалик яхши бириккан бўладики, кўсак очилиб, пахтаси тўла укпарланиб турган тақдирда ҳам чаноқ пахта ўзига хос шаклини анча вақтгача сақлаб қолади. Ғўзанинг бошқа баъзи

турларида эса чаноқдаги толали чигитлар ўзаро яхши бирикмagan бўлиб, кўсак очилгандан кейин бироз вақт ўтгач, у шамол таъсирида ёки ўз оғирлиги билан ерга оқиб тушади ёки чаноғида осилиб қолади, шунинг оқибатида чаноқ пахтанинг шакли бутунлай бузилиб кетади. Чаноқдаги толали чигитларнинг ўзаро ёмон бирикканлиги ҳосилнинг бир қисми исроф бўлишига олиб келади ва бу хилдаги пахтани терим машиналарида териб олиш анча қийинлашади. Шунинг учун толали чигитларнинг бир-бири билан ҳаддан ташқари бўш ёки қаттиқ бирикиши унчалик яхши эмас.

Баъзан очилган кўсак чаноғининг энг остки бурчагига битта лўппи чигит маҳкам ўрнашиб қолади. Бундай ҳол айрим гўза навларига хос хусусият бўлиб, амалий жиҳатдан бефойдадир. Чунки бу, пахтани қўлда ёки машинада теришни қийинлаштиради ва чаноқда қолиб кетиб, исрофгарчиликка сабаб бўлади.

Тўла етилган кўсакнинг баъзи чаноқларидаги айрим толалар яхши ривожланмаган бўлиши мумкин. Толаларнинг меъёрида ривожланмаслиги тугунчадаги айрим уруғкуртакларнинг уруғланмай қолиши натижасида содир бўлади. Маълумки, тола асосан гул очилган кундан бошлаб ривожланади. Лекин шу вақтда уруғланган уруғкуртак ҳамда бундаги тола ривожланишга киришганда уруғланмаган уруғкуртак ва ундан ўса бошлаган тола ҳам ривожланишини давом эттириб, сўнгра тезда ривожланишдан тўхтайди ва нобуд бўлади. Бундай ўлик уруғкуртак пахта куриганда қисқа толали тугунча бўлиб қолади ва у *майдо ўлик* дейилади.

Уруғкуртакнинг уруғланмай қолиши унинг етарли даражада чангланмаслиги ёки чангчи ва уруғчи чанг найининг ўсиши учун ташқи шароит (ҳарорат, ҳаво намлиги)нинг ноқулай бўлиши, шунингдек айрим уруғкуртаклар яхши ривожлана олмай уруғланишга ноқобил бўлиб қолиши (қопчиғида муртак йўқлиги) натижасида рўй беради.

Уруғкуртакнинг уруғланмай қолиши натижасида ҳосил бўладиган майда ўликдан ташқари пахтада йирик ўлик ҳам бўлиши мумкин. Йирик ўлик уруғланган ва муртаги озми-кўпми ривожланган уруғкуртакнинг нобуд бўлиши натижасида вужудга келади. Демак, йирик ўлик - ривожланишдан қолиб, нобуд бўлган толадир.

Майда ва йирик ўлик пахталарнинг пайдо бўлишига юқорида кўрсатиб ўтилган омиллардан ташқари кўпинча ўсимлик ва унинг айрим органларининг нотўғри озиқлантирилиши, жумладан, яхши парвариш қилинмаслиги, ғўзанинг турли касалликларга, айниқса ғўза вилът касалига чалиниши сабаб бўлади.

Ўлик пахта миқдори ҳар бир ғўза навининг биологик ва бошқа ирсий хусусиятларига кўра ҳар хил бўлади. Ғўза навига қараб ўлик пахта миқдори (вазни жихатидан) 1 фоиздан кам бўлади, айрим ҳоллардагина у 1 фоиздан сал ошади. Етилган чигитга нисбатан дона ҳисобидаги миқдори эса одатда бир неча фоиздан 20-30 фоизгача ва бундан ҳам кўпроқ бўлади.

Ўлик пахтанинг пайдо бўлиши ҳосилни камайтириб юборади. Тегишли ғўза навларини яратиш, уруғланиш жараёнига ёрдам бериш ва ўсимликнинг озиқ моддаларга ҳамда сувга бўлган эҳтиёжини қондириш йўли билан ўлик пахта миқдорини кескин камайтириш, бинобарин, ҳосилни бирмунча ошириш мумкин.

Ўлик пахта ҳосилнинг фақат миқдоригагина эмас, балки сифатига ҳам ёмон таъсир этади, пахтани тозалашни, толани чигитдан ажратиб олишни қийинлаштиради. Тозаланган толада қолиб кетган ўлик пахта йигириш ва тўкув машиналарининг меъёрида ишлашита, газламаларнинг сифатли тўқилишига халал беради.

Қўсакларда айрим толалар, баъзан бир гуруҳ толалар ривожланмай қолади, яъни улар ривожланишдан барвакт тўхтаган ва қўсак очилиш вақтида хом бўлади. Бундай толалар етарли даражада буралмаган ёки умуман буралмаган бўлади. Тўқимачилик саноатида улар «ўлик тола» тоифасига киритилади. Чаноқ доирасида мақбул ривожланган толалар тоифасига деворчалари жуда яхши ривожланган толаларни киритиш керак. Чунки улар қуриганда тўлишмайди ва шунинг учун ҳам буралмайди.

Кўлчилик мадданий ғўза шаклларида тола оқ тусда бўлади, лекин шундай ғўза турлари ҳам борки, уларнинг толаси оқсанарфиш, малла, яшил, пушти ва қўнғир тусдадир. Толанинг табиатан яшил ва қўнғир тусда бўлишига сабаб шуки, унинг цеплюлозали деворчаларида катехин деб аталағиган модда бор. У мураккаб органик моддаларга мансуб бўлиб, таниллар гурухига киради.

Толаси рангли ғўза навларининг хусусиятларидан бири шуки, тола сиртидаги кутикуляр қават оддий оқ толага қараганда бирмунча қалин бўлади. Масалан, Москвадаги Марказий пахта газламаси саноати илмий-тадқиқот институтининг маълумотига қараганда, мой-мум моддаларидан ташкил топган кутикуляр қават оқ толаларда уларнинг массасига нисбатан атиги 0,6 фоиз бўлгани ҳолда яшил ва қўнғир толаларда 4-7 фоизга етади.

Кутикуляр қават толанинг йигирилиш хусусиятини яхшилайди. Бундан ташқари кутикуляр қават целлюлозали девор ичига нам ўтказмайди, демак, толани бузилишдан сақлайди.

Оқ тола асосан ўрта толали ғўзанинг кўлчилик навларига, жайдари ғўза, ҳинди-хитой ғўза туридаги навларга хос хусусиятдир. Оч сариқ тусли тола эса асосан ингичка толали ғўза турига мансуб формалар учун характерлидир. Қўнғир тус толали пахта 4 турдаги маданий ғўзаларнинг ҳаммасида кузатилади, яшил ёки оч яшил толали пахта эса асосан Г.хирзурутум ва Г.гербацеум турларига мансуб ғўза навларига хос бўлиб, камдан-кам учрайди.

Пахта толасидан фойдаланишда унинг технологик хусусиятлари катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга чигитли пахтадан қанча миқдорда тола чиқиши ҳам хўжалик нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Толанинг асосий технологик хусусиятларига - унинг узунлиги, ингичкалиги, пишиқлиги, буралувчанлиги, зластиклиги, узилиш узунлиги ва етилганлиги киради.

Тола узунлиги. Маданий ғўзаларда толанинг узунлиги 18 - 20 мм.дан 45-50, ҳатто 55-60 мм.гача бўлади. Г.барбадензе турига мансуб ғўза шаклларидан бири бўлган Си-Айленд ғўзасининг пахта толаси энг узун бўлиб, бу турга ингичка толали ғўза ва миср ғўзалари киради. Бундан кейин эса толасининг узунлиги жиҳатидан ғўзанинг маданий турлари қўйидаги тартибда жойлашади: ўрта толали (*Gossypium hirsutum*), Африка-Осиё ғўзаси (*Gossypium herbaceum*), ҳинди-хитой ғўзаси (*Cossyphium arboreum*).

Ўзбекистонда экилаётган ўрта толали ғўза турига мансуб кўпчилик навларда толанинг узунлиги 30-33 мм, баъзиларида бундан кўра узунроқ, ингичка толали ғўза навларida 38-40 мм.гача боради. Тола қанча узун бўлса, унинг қиммати шунча ортади. Кузатишларга қараганда, толанинг узунлиги 1 мм.га ошса, газламанинг пишиқлиги 3 фоизга ортади.

Толанинг ингичкалиги. Қуруқ толанинг диаметри (эни) микрон ҳисобида белгиланади. Маданий ғўза навларида толанинг диаметри 7-10 микрондан 30 микронгача, кўпинча 15-20 микрон бўлади. Тола ингичкалиги кўпинча метрик рақам билан ифодаланади. Метрик рақам 1 г толанинг метр ҳисобидаги ёки 1 мг толанинг миллиметр ҳисобидаги умумий узунлигини билдиради. Тола қанча ингичка бўлса, унинг метрик рақами шунча катта, аксинча, тола қанча йўгон бўлса, унинг метрик рақами шунча кичик бўлади. Энг йўғон, дағал толанинг метрик рақами 2500, энг ингичка толанинг метрик рақами 12000 атрофида бўлади. Ўрта толали ғўзаларда толанинг метрик рақами 5000-5500, ингичка толали ғўза навларида эса 6500-8000, кўпинча 7000-7500 га тенг. Тола қанчалик ингичка бўлса (тола деворчалари яхши ривожланганда), у шунчалик яхши ҳисобланади. Ингичка толали пахта қўл билан ушлаганда ипаксимон юмшоқ, нафис бўлиб туюлади. Бундай толалардан ингичка ва жуда пишиқ ип йигирилади, нафис газламалар тўқилади.

Ингичка толали ғўза, миср ғўзаси ва Си-Айленд туридаги ғўза навларининг пахтаси энг ингичка толали ҳисобланади. Толанинг ингичкалиги жиҳатидан ўрта толали ғўза иккинчи ўринда, Африка-Осиё жайдари ғўзаси учинчи ўринда ва ҳинди-хитой ғўзаси тўртинчи ўринда туради. Жайдари ғўза туридаги навлар пахтаси пайпаслаб ушланганда, толаси қўлга дағалроқ, ҳинди-хитой пахтаси эса кўпинча жун каби дағал туюлади.

Етарли даражада узун ва пишиқ бўлган жунсимон дағал толалар камвол саноатида жунга кўшиб ишлатилади.

Толанинг пишиқлиги деб, унинг ўқи бўйлаб йўналган үзувчи кучга қаршилик кўрсатиш қобилиятига айтиллади. Битта толанинг пишиқлиги граммлар билан кўрсатилади. Битта етилган толанинг пишиқлиги даражаси ғўза навларига қараб ҳар хил, ўртacha 4-7 грамм/текс.га тенг.

Хозирги ўрта толали ғўза навларида толанинг пишиқлиги 4-4,9 гача, кўпинча 4,5-5,0 г; ингичка толали ғўза навларида эса 4,6-5,2 г, кўпинча 4,6-5,0 г.

Тола пишиқлиги ундаги деворчаларнинг қалинлигига боғлиқ. Шунинг учун клетчатка қатламлари тола деворчаларида қанча кўп бўлса, яъни тола қанча яхши етилса, у шунча пишиқ бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, кузги қора совуқ тушгунча нормал пишиб

очилган күсакдаги пахта толаси яхши етилмаган толага ва күсак пахта толасига қараганда пишиқ бўлади.

Толанинг эластиклиги. Толанинг эластиклиги, яъни чўзи-лувчанлик хусусияти унинг пишиқлиги билан боғлиқ. Ингичка ва пишиқ тола ҳамма вақт эластик бўлади. Ингичка толали баъзи гўза шаклларининг пахта толаси пишиқ ва эластик бўлади. Бундай толалардан техник мақсадларда, масалан, автомобиль шиналари учун астар (прокладка) тайёрлашда, парашютлар учун газмоллар тўкишда фойдаланилади ва х..

Толанинг буралувчанлиги. Толанинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири - унинг буралувчанлигидир. Бундай толалардан ип йигирилганда улар ўзаро яхши биришиб, ипнинг пишиқлиги, яъни тўқима пишиқлиги ортади. Тола қанчалик буралувчан бўлса, у шунчалик яхши ҳисобланади.

Толанинг буралувчанлик даражаси унинг бир миллиметрни қанчалик буралиши билан белгиланади. Тўла ривожланиб пишган толада буралиш даражаси гўзанинг тур ва навига кўра турлича бўлади. Одатда, тола яхши буралса, шунча ингичка бўлади. Масалан, толаси нисбатан дағал жайдари гўзанинг ҳар 1 мм толаси тахминан 6-8 марта, ўртача ва ингичка толали гўзаларники эса 10-12 марта буралади.

Толанинг неча марта буралишидан ташқари, бу буралишларнинг тола бўйича бир текисда жойлашишининг ҳам аҳамияти катта. Тола қанчалик бир текисда буралса, у шунчалик яхши ҳисобланади.

Толанинг узилиш узунлиги. Толанинг метрик рақамини пишиқлик (грамм ҳисобидаги) кўрсаткичига кўпайтириб, натижа 1000 га тақсимланса, узилиш узунлиги келиб чиқади. Толанинг бу тарзда ҳисоблаб чиқилган узилиш узунлиги назарий жиҳатдан шундай узунликки, агар толалар бир-бири билан учма-уч улана-верса, у маълум узунликка етганда ўз оғирлиги билан узилиб кетади. Ҳозирги экилаётган ўрта толали гўзанинг саноатбоп навлари толасининг узилиш узунлиги одатда 23-25 км.га, ингичка толали гўза навлари толасининг узилиш узунлиги эса 33-36 км.га, баъзи навларда эса 36-37 км.га етади.

Толанинг етилганлиги. Толанинг етилганлиги унинг деворчаларида клетчатка қаватларининг пайдо бўлиш даражасига қараб аниқланади ва бу шартли равишда *етилиш коэффициен-*

ти, деб аталади. Етилиш коэффициентини аниқлаш учун тола микроскоп остига қўйилиб, маҳсус ишланган тола етилиш анда-засига солиштирилади. Андазада толанинг етилганлиги 0 дан 5 гача 0,5 бирликда 11 даражада (градация)га бўлиб кўрсатилган. Андазадаги 0 коэффициенти ўлик толани, 5 коэффициенти ўта етилган, яъни деворчалари жуда қалинлашиб кетиши натижасида буралувчанлиги бўлмаган толани кўрсатади. Деворчалари яхши ривожланиб, буралувчанлиги бир текисда бўлган, яхши етилган тола етилиш коэффициенти шкаласида 2-2,5 рақами билан кўрсатилади.

Сўнгги вақтларда пахта толасининг етилганлигини аниқлашнинг янги усули - поляризацион ёруғликка тутиб кўриш усули ишлаб чиқилган. Бунда ҳар хил нурга тутилган тола турли рангда кўринади. Бу усул билан бир йўла толанинг пишиклиги ва метрик рақамини ҳам осонликча аниқлаш мумкин.

Тола чиқиши. Тола чиқиши маълум миқдордаги соф (чиғитсиз) тола вазнининг шу тола олинган чигитли пахта миқдорига бўлган % ҳисобидаги нисбатидир. Бинобарин, тола чиқиши, бир томондан, соф толанинг вазнига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, чигит вазнига (подпушкаси билан бирга), чигит массаси, унинг пуч ёки тўклиги ва йириклигига боғлиқ.

Чигит юзасидағи толаларнинг сони ҳар хил ғўза турлари доирасида бир-биридан кескин даражада фарқ қилиши билан бирга битта турга мансуб бир неча нав доирасида ҳам турличадир. Масалан, ҳар хил ғўза турларида чигит сиртида 7 мингдан 15 мингтагача тола бўлади (Н.А.Райкова ва М.С.Канаш маълумоти).

Маданий ғўза турларида толанинг чиқиши 20 фоиздан 50 фоизгача ўзгариб туради. Ишлаб чиқариш амалиётида тола чиқиши ҳажмини уч тоифага бўлиш қабул қилинган: тола чиқиши 30 фоиздан кам бўлса, паст, 30-33 фоиз бўлса, ўртача ва 33 фоиздан юқори бўлса, юқори деб ҳисобланади. Бундай тоифаларга бўлиш шартли равишда қабул қилинган. Селекция соҳасида эришилган ютуқлар ва саноатнинг талабига қараб у ўзгариши мумкин.

Мамлакатимизда ўстирилаётган ғўза навларида тола чиқиши миқдори қуйидагича: ўрта толали ғўза навларида тахминан 35-38 фоиз, ингичка толали навларда эса 28-34 фоиз. Бинобарин, эки-

лаётган ўрта толали навларга мансуб пахтадан тола чиқиши салмоғи энг юқори, ингичка толали навлар пахтасидан тола чиқиши эса күпинча ўртача хисобланади.

Толанинг технологик хусусиятлари ғўза тур ва навларининг фақат ирсий хусусиятигина эмас, балки ҳар туп доирасида қўсакнинг жойланиш ўрнига, шунингдек, ҳар бир қўсакда чигит марказий уруғбанднинг қаерида жойлашганлигига ва ҳар бир летучкада тола чигит сиртининг қаерида ўрнашганлигига кўра ҳам ўзгаради. Толанинг баъзи технологик хусусиятлари туп доирасида дастлабки конусдан кейинги конусларга томон ўзгариб боради. Масалан, толанинг пишиқлиги ва диаметри камайса, узунлиги ва буралувчанилиги тобора ортади.

Қўсакдаги етилган тола миқдори биринчи ички конусдан ташқи конусга ўтган сари аста-секин камайиб боради.

Шундай қилиб, толанинг технологик хусусиятлари бир туп ғўза ўсимлигидаги қўсакларда ҳам бир хил эмас. Толанинг бундай хусусиятларини билиш ҳосилни йиғиб-териб олишини тўғри ташкил этиш ҳамда тола ва чигитдан тўғри фойдаланиш учун жуда муҳимdir.

Биринчи конусдан кейингисига ўтган сайин тола чиқишининг камайиши умумий тола вазнининг чигит оғирлигига нисбатан бирмунча тез камайишига сабаб бўлади.

Толанинг технологик хусусиятлари чигитда жойлашишига кўра қўйидаги ўзгаради: чигитнинг халаза томонидаги толалар энг узун, микропиле томонидаги толалар энг қисқа, чигит биқинига жойлашган толаларнинг узунлиги эса ўртача бўлади. Аксинча чигитнинг микропиле томонидаги толалар энг пишиқ, халаза томонидаги толаларнинг пишиқлиги эса энг паст, чигит биқинидаги толаларнинг пишиқлиги эса ўртачадир. Етилган толалар миқдори ҳар битта чигитда микропилдан халаза томонга қараб аста-секин камая боради.

Толанинг етилиш даражаси унинг пишиқлиги билан узвий боғлиқdir. Микропилдан халаза томонга ўтган сайин бир чигит доирасида етилган толанинг сони аста-секин камайиб боради. Шундай қилиб, толали чигитда толанинг сифати бир хилда эмас. Шу билан бирга бундай нотекислик ғўза шаклларига кўра ҳар хил даражада ифодаланади.

Толали чигит, шунингдек кўсак, гўза тупи ва ниҳоят барча ҳосил вазни доирасида толанинг технологик хусусиятлари унинг узунлиги, ингичкалиги, пишиқлиги ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан қанчалик бир текис бўлса, тўқимачилик саноати учун шунчалик яхши бўлади.

Толанинг технологик хусусиятлари тупроқ ва иқлим шароитига, шунингдек, қўлланилган агротехникага боғлиқ ҳолда ҳам маълум даражада ўзгаради. Тола чиқиши хусусида ҳам худди шуларни айтиш мумкин. Толанинг барча технологик хусусиятлари орасида толанинг узунлиги ташки мухитнинг таъсирига осон берилувчан бўлади. Толанинг узунлигига гўзани суфориш ва ўғитлаш, айниқса, катта таъсир кўрсатади. Гўза қондириб суфорилганда ва ўғитланганда тола узаяди. Лалмикор ерларда толанинг пишиқлиги ва узунлиги камаяди.

Чигит тукининг тузилиши ва ривожланиши толанинг тузилиши ва ривожланишидан фарқ қилмайди. Чигит тукининг чигит толасидан фарқи шундаки, тук жуда калта (2-5 мм), аммо унинг умумий диаметри асосий тола диаметридан 1,5-2 марта катта бўлади. Тукнинг деворчалари жуда юпқа, чунки унинг деворчаларида атиги бир неча қават клетчатка бўлади. Шунинг учун ҳам улар унча пишиқ бўлмайди.

Чигитнинг тукчалар билан қопланишининг биологик жиҳатдан аҳамияти ҳозирга қадар етарли даражада аниқланмаган, лекин бу ҳақда айрим фикр ва мулоҳазалар баён қилинган.

А. М. Мальцев тола ва тук ички томондан ёф-мумли кутикула қатлами билан қопланган, деган тахминни илгари сурди. Унинг фикрича, бу қатлам гўзанинг эволюция жараёни давомида пайдо бўлган ва маълум бир шароитда мослашувчан белги сифатида ирсиятда мустаҳкамланган.

Тупроқ ҳаддан ташқари сернам бўлса ёки зичланиб кетса ва ҳарорат етарли даражада бўлмаса, чигит сиртидаги тук уруғнинг нафас олиши учун қулай шароит яратади. Чунки толалар орасида ҳаво ушланиб қолади. Бундан ташқари, Ф. М. Мауернинг фикрича, тупроқ етарли даражада намланмаса ва қурғоқчилик юз берса, чигит сиртидаги тук уруғни бўртишдан саклайди, яъни қулай шароит вужудга келгунча унинг ҳаётчанлигини саклаб қолади.

Шу нүктай назардан қараганда, чигит тук билан қопланишининг биологик аҳамияти катта, чунки чигитнинг ушбу ҳусусияти ҳар қандай мураккаб шароитларда ҳам унинг яшаши учун шароит яратишга хизмат қиласи. Бирок сүфориладиган дехқончилик шароитида, яъни гўзанинг мақбул ўсиб ривожланishi учун шароит яхши бўлганда чигитнинг тукли бўлиши шарт эмас. Айниқса чигит механизмлар ёрдамида аниқ уялаб экиланда, туксиз уруғлик мақбул ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1. *Ғўза шонаси қандай тузилган?*
2. *Ғўза гули қандай тузилган?*
3. *Ғўзани гуллаш тартиби қандай?*
4. *Ғўзани кўсаги қандай тузилган?*
5. *Ғўза мёвалари қандай ва нега тўклилади?*
6. *Чигитнинг ички тузилиши қандай?*
7. *Чигитнинг муртаги қандай Вазифани бажараади?*
8. *Пахта толаси қандай ривожланади?*
9. *Пахта толасининг технологик ҳусусиятлари қандай?*
10. *Тола сифати гўза агротехникасига боғлиқми?*

IV боб

ҒҮЗА ТУПИННИГ УМУМИЙ РИВОЖЛАНИШИ

1. Ғұзанинг ривожланиш босқичлари

Чигитдан униб чиққан ғұза ниҳоллари янги чигит пишиб етилгунга қадар маълум ривожланиш босқичларини үтайды. Ғұзанинг ривожланиш жараёнида 5 та асосий босқич мавжуд: 1) униб чиқыш босқичи, яғни уругбаргнинг ер бетига униб чиқиши; 2) чинбарг чиқариш босқичи; 3) шоналаш босқичи, яғни ҳосил шохлари пайдо бўлиш босқичи; 4) гуллаш босқичи; 5) пишиш, яғни кўсакларнинг очилиш босқичи.

Бу босқичлар ўсимликни бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишга ҳозирлайди. Масалан, чинбарг чиқариш босқичи асосий пояда биринчи чинбарг чиқишидан бошланади; биринчи чинбарг чиқариш билан бундан кейин келадиган босқич - шоналаш босқичи бошлангунча бўлган давр мобайнинда ғұзада навбатдаги чинбарглар чиқишидан иборат оралиқ босқичлар үтади. Пояда 6 - 8 та чинбарг пайдо бўлганда, одатда, учида шонаси бўлган биринчи ҳосил шохи вужудга келади, бу эса шоналаш босқичининг бошланганлигидан далолат беради.

Шоналашдан кейин келадиган асосий босқич - гуллаш бошлангунча үтадиган давр ичиди, ғұзанинг асосий поясида навбатдаги ҳосил шохлари пайдо бўлишидан иборат кичик босқичлар үтади. Мақбул ўсиш ва ривожланиш шароитида ғұзада 9 - 11 та ҳосил шохи пайдо бўлганда биринчи ҳосил шохининг биринчи бўғимиради биринчи шона очилади. Бу гуллаш босқичи бошланганидан нишонадир.

Гуллаш босқичидан кейин келадиган асосий босқич - кўсакнинг етилиши бошлангунча үтадиган давр ичиди ғұзада навбатдаги гуллашдан иборат кичик босқичлар үтади. Гуллаш ғұза туپининг пастдан юқорисига қараб кўтарилиб, тахминан 17-, 18- ҳосил шохига етганда биринчи ҳосил шохининг биринчи

бўгимидағи биринчи кўсак очилади, яъни пишиш босқичи бошланади.

Ҳосил лиша бошлагандан то амал даври охиригача кўсакларнинг навбат билан очилишидан иборат кичик ривожланиш босқичлари ўтади. Бу даврдаги кичик ривожланиш босқичларининг сони асосан пишиш босқичининг бошланиш муддатига ва ўсимликни уриб кетадиган кузги қора совук тушиш вақтига, об-ҳаво ҳамда агротехника шароитига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлади.

Ривожланиш босқичларининг давомийлиги ғўза турларининг биологик хусусиятларига, жумладан, тезпишарлик ва узоқ муддат яшовчанлик қобилияtlарига, шунингдек, ўсиш шароитларига боғлиқ. Ғўза тезпишар ва ўсиш шароити қулай бўлса, ривожланиш босқичлари шунчалик (мъълум чегара доирасида) қисқа бўлади, аксинча, ғўза кечпишар, ўсиш шароити ноқулай бўлса, ривожланиш босқичлари шунчалик узоқ давом этади.

Ўрта Осиёning суғориладиган дехқончилик шароитида ёззанинг ривожланиш босқичлари ўрта хисобда қуйидаги муддатларда ўтади: тупроқдаги ҳарорат ва намлик етарли бўлганда, экишдан униб чиққунча бўлган босқич 5 - 7 кун, шароит ноқулай келганда эса 10 - 15 кун ва ундан ҳам кўпроқ давом этади; униб чиқишидан биринчи чинбарг чиққунча 8 - 12 кун; чинбарг чиқа бошлагандан шона пайдо бўла бошлагунча 25 - 30 кун; гуллай бошлагандан кўсакларнинг пиша бошлашигача 50 - 60 кун ўтади.

Мамлакатимизда экилаётган ўрта толали ғўза навлари чигити экилгандан ҳосили пиша бошлагунча тахминан 125-150 кун, ингичка толали ғўза навларида эса 145-160 кун ўтади. Экиб келинаётган кўпчилик ғўза навларида кўрсатилаётган муддат айrim навларнинг хусусиятларига ҳамда ўсиш шароитига қараб 5-10 кунга ортиши ёки қисқариши мумкин.

Ғўза ривожланишидаги бир кичик билан иккинчи кичик босқич ўртасидаги вақт ҳам худди асосий ривожланиш босқичларидаги каби турли муддатга чўзилади. Масалан, ғўзада дастлабки чинбарг чиққандан кейин пайдо бўладиган 2 - 3 та баргнинг ҳар бири ўртacha 4 - 6 кун оралатиб, бундан кейин пайдо бўладиган бир неча баргнинг ҳар бири 3 - 4 кун оралатиб чиқади; ғўзанинг амал даврида бирмунча иссиқ кунлар бошлан-

гач, унда ҳар 2 - 3 кунда янги барг пайдо бўлиб туради. Ёз охиридан бошлаб то ўсимлик ўсишдан тўхтагунча бир барг билан иккинчи барг пайдо бўлиши ўртасида ўтадиган вақт аста-секин чўзила бошлайди.

Шоналаш даврида (шоналашдан гул очила бошлагунча) кичик ривожланиш босқичлари навбатдаги ҳосил шохларининг пайдо бўлишидан иборат бўлиб, ўрта ҳисобда 2-3 кун оралиқ билан ўтади.

Гуллаш даврида (гуллашдан пиша бошлагунча) кичик ривожланиш босқичлари қисқа навбат билан гуллашдан иборат бўлиб, бу ўрта ҳисобда ҳар 2-3 кун оралиғида ўтади.

Бир ҳосил шохи билан иккинчи ҳосил шохи пайдо бўлиши ўртасидаги вақт ҳамда қисқа навбат билан гуллашнинг давомийлиги, амал даври охирида аста-секин узаяди.

Пишиш даврида (кўсак очила бошлашидан амал даври охиригача) кичик ривожланиш босқичлари кўсакларнинг қисқа на вбат билан очилишидан иборат бўлиб, улар дастлабки вақтларда тахминан 3-5 кун, амал даври охирида (асосан ҳарорат пасайиб, ҳаво намлиги ортиши туфайли) 7 ва ундан кўпроқ кун оралатиб ўтади.

Ривожланиш босқичлари ва уларнинг мақбул ўтишини, шунингдек, ривожланишнинг меъерида боришини ўзгартирадиган шароитларни билиш, ғўзанинг ҳолатини тўғри аниқлаш ва муайян шароитларни ҳисобга олган ҳолда агротехника тадбирларини тўғри қўллаш жуда муҳимdir.

2. Ғўзанинг ташқи омилларга талаби

Ғўзанинг иссиқликка бўлган талаби. Маълумки, ғўза Ер куррасида йил давомида мутлақо совук бўлмайдиган, йилнинг энг салқин ойларида ҳам ҳаво ҳарорати 18°C дан пастга тушмайдиган тропик минтақада пайдо бўлган ўсимликдир.

Ғўзанинг мақбул ўсиши ва ривожланиши учун, чигитнинг униб чиқишини ҳам қўшганда, энг қулай ҳарорат 25-30 даражада ҳисобланади. 25 даражадан паст ҳароратда ғўзанинг ривожланиши сустлашади. Ҳарорат 17 даражага тушганда эса ўсимликнинг ривожланиши ҳаддан ташқари секинлашиб кетади.

Ғұзанинг ривожланишига оптималь даражадан паст ҳарорат оптимальдан юқори ҳароратта қараганда күчлироқ таъсир қиласы.

Ғұза ривожланишининг дастлабки пайтларида, күпинча шоналаш даврида температуранинг оптималь даражагача күтарилиши үсимликнинг үсиши ва ривожланишини тезлаштиради, унда баъзи бир морфологик үзгаришлар рўй беришига, масалан, асосий поянинг пастроғидан биринчи ҳосил шохи чиқишига, шунингдек, үсув шохларининг бирмунча кўп бўлишига олиб келади.

Чигитнинг уна бошлиши ва ғұзанинг базур ривожланиши учун етарли бўлган минимал (энг паст) ҳарорат 10-12 даражада ҳисобланади. Лекин Л.Г.Арутюнованинг кузатишларига қараганда, чигит 10-12 даражада уна бошласа ҳам у ер бетига чиқа олмайди. Чунки уруғпаллани ер бетига күтариб чиқадиган уруғпалла ости тирсагининг үсиши учун ҳарорат камида 16 даражада бўлиши керак. Шунинг учун чигит жуда эрта, яъни ер сернам, лекин ҳарорат минимал даражадан паст бўлганда экилса, у сийрак униб чиқади ёки фақат уруғпалла ости тирсагисиз үсимта беради ва у ҳаётчанлигини йўқотади, кейин чирийди. Бир қатор тадқиқотчиларнинг кузатишларига қараганда, баъзи бир ғұза навларида ахён-ахёнда 8-9 даражада униб чиқадиган чигитлар ҳам учраб туради.

Минимал ҳарорат ёки шунга яқин ҳарорат узоқроқ давом этса, ғұза касаллана бошлади. Ҳарорат паст, лекин 0 даражадан юқори бўлганда, үсимлик үсишдан ва ривожланишдан тўхтайди, 0 даражадан паст ҳароратда ғұзани совуқ уради. Совуқ уриши ғұзанинг ёшига қараб турлича бўлади. Масалан, эндигина кўринган майсалар ҳатто эрталабки қисқа муддатли 1-2 даражали совуқдан, етук ғўзалар эса кузда 3 - 5 даражали совуқдан зарарланади.

Нисбий температуранинг давомийлиги ҳам ғўзага салбий таъсир кўрсатади. Совуқ салгина узоқроқ давом этса, у ғўзага қисқа муддатли қаттиқ совуқдан кўра кучлироқ таъсир этади. Бевосита совуқдан кейин бўладиган баъзи бир ташки шароитлар, жумладан, ғўзанинг сояди қолиб кетиши, ҳаво намлиги, шамол ва бошқа омиллар ҳам унга салбий таъсир қиласы.

Совуқ ҳар хил тур ва навдаги ғўзаларга турлича таъсир этади. Масалан, ингичка толали ғўза турига мансуб навлар ўрта то-

лали ғұза навларига нисбатан қора совуққа бирмунча чидамлироқ бўлади. Ғўзанинг ёввойи турлари ичидә шундайлари ҳам борки, улар қисқа муддатли -5,-8, ҳатто -10 даражали совуққа бемалол чидайди.

Узоқроқ давом этадиган фойдали паст ҳарорат таъсирида ғұза ҳолсизланиб қолади. Йилнинг келишига ва кузги фойдали паст ҳароратнинг (совуқ урадиган даражагача) давомийлигига қараб ўсимликнинг совуққа чидамлилиги турлича бўлади. Совуқ тушишидан олдин фойдали паст ҳарорат қанчалик узоқ давом этса, ўсимлик совуққа шунчалик чидамсиз бўлади. Шу жиҳатдан ғұза ўсимлиги, арпа, жавдар, беда каби экинлардан кескин фарқ қиласди. Чунки мазкур экинлар шундай паст ҳароратда ҳам униб чиқа олади. Кейинги пайтларда 30 даражадан юқори бўлган ҳарорат ғўзага салбий таъсир қиласди, деб ҳисобланар эди. Бироқ ҳозирги пайтдаги кузатишлар кўсак туғиш даврида ҳароратнинг 36 даражагача кўтарилиши кўсақдаги чигит ва толанинг ривожланишини тезлаштиришини кўрсатди (А.Н.Тодоров маълумоти).

Ҳароратнинг 36-37 даражадан ошиб кетиши эса ғұза танасини қиздириб юборади. 40 даражада ва ундан юқори ҳарорат эса ўсимликка салбий таъсир қиласди. Шунинг учун ёзниг жазирама иссиқ пайтларида ғұза кўпинча тунги салқинда, яъни кундузги иссиқ қайтганда ўсади. Ҳаддан ташқари юқори ҳарорат ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига умуман салбий таъсир қилишидан ташқари, унинг чанг доначалари ҳаётчанлик қобилиятини пасайтиради, бу эса ўлик паҳтанинг кўпайишига ва тугунчаларнинг тўклиб кетишига сабаб бўлади.

Ғұза гулидаги чанг доначалари ўзининг ҳаётчанлигини йўқотиши натижасида гул тугунчаси уруғланмай қолиб, кўплаб шоналар тўклилиб кетади. Бундай ҳодиса гармсеп (иссиқ шамол) эслан пайтда ҳам кузатилиши мумкин. Чунки одатда чангдонлар ёрилиб, чангланиш содир бўладиган эрталабки соатларда гармсеп таъсирида хаво ҳаддан ташқари қуриб, ҳарорат анча кўтарилади.

Ҳаддан ташқари юқори ҳарорат ғўзанинг озиқланишини су сайтириб, тола чиқишини камайтиради, тола узунлигини қисқартиради ва пишиқлигини ёмонлаштиради. Нисбатан мўтадил ҳарорат эса тола чиқишини бироз ошириб, узунлигини ва пишиқлигини анча яхшилайди. Иссиқлик етишмагандан тола

қисқаради ва унчалик пишиқ бўлмайди, чигит ҳам яхши ривожлана олмайди. Бундай чигит пахта териб олингандан кейин анча вақт ўтгач етилади.

Фойдали ҳарорат ҳақида тушунча. Кавказ ортида маҳсус ўтказилган тажрибалардан шу нарса аниқландики, ғўзанинг турли ривожланиш босқичида унинг ҳароратга талаби бир хилда эмас. Ғўза бир ривожланиш босқичидан иккинчи ривожланиш босқичига ўтиши учун маълум даражада, яъни ўртacha кунлик температурадан паст бўлмаган миқдорда иссиқлик талаб қилинади.

Яна шу нарса аниқландики, ҳар хил ғўза навларида битта ривожланиш босқичининг ўтиши учун ҳарорат турлича бўлиши керак.

Шу билан бирга битта ривожланиш босқичининг ўтиши ва ғўзанинг гуллаши учун маълум миқдордаги фойдали ҳарорат бўлиши лозим. **Фойдали ҳарорат бир кунлик ўртacha ҳароратдан муайян ўсимлик мақбул ўсиши, ривожланиши учун зарур энг паст ҳароратнинг айрмасидир.** Ғўза учун энг паст ҳарорат 10°C деб қабул қилинган. Агар ғўзанинг бирорта ривожланиш босқичини ўтиш давридаги барча ўртacha кунлик фойдали ҳарорат жамланса, шу ривожланиш босқичи учун зарур бўлган фойдали ҳарорат йигиндиси келиб чиқади.

У ёки бу ривожланиш босқичининг ўтиши ва тугалланиши учун зарур бўлган фойдали ҳарорат йигиндиси турли ғўза навлари учун турличадир. Ғўзанинг у ёки бу ривожланиш босқичига ўтиши учун талаб қилинадиган ҳароратнинг пастки чегарасини констант B , у ёки бу ривожланиш фазасини тугаллаш учун зарур миқдордаги фойдали ҳароратлар йигиндисини констант A , деб аташ қабул қилинган.

Л.Н.Бабушкин маълумотига кўра, Ўрта Осиё шароитида ўрта толали ғўза навлари учун фойдали ҳароратлар йигиндиси тахминан 8-жадвалда кўрсатилганидек бўлиши керак. Жадвалда кўрсатилган ғўза навлари чигитининг униб чиқиши ва ўсимликда шоналаш-гуллаш фазаларининг ўтиши учун зарур бўлган фойдали ҳароратлар йигиндисини ҳисоблашда шартли равишда бир хилдаги ҳароратнинг қўйи чегараси (констант B) 10 даражада, гуллаш - пишиш фазасининг ўтиши учун эса 13 даражада деб олинди. Фойдали ҳароратлар йигиндисини оддий йўл билан

8-жадвал

Ўрта толали гўза навларида ривожланиш босқичларининг ўтиши учун зарур бўлган фойдали ҳароратлар йигиндиси

T/p	Гўза навларининг тезпишарлик даражаси	Фойдали ҳароратлар йигиндиси, чигит экишдан			Гуллашдан ўсимликтинг 50% хосили пишугача зарур бўлган фойдали ҳарорат йигиндиси	Чигит экишдан ўсимликтинг 50% хосили етилгунча зарур бўлган жами ҳароратлар йигиндиси
		майсалар кўрингунча	шоналашгача	гуллашгача		
1	Тезпишар навлар	84	484	900	660	1560
2	Ўрта толали навлар	84	500	950	675-685	1625-1635
3	Кечпишар навлар	84	500	1050-1200	720-800	1770-2000

шу тартибда тахминий ҳисоблаш жуда қулай ва баъзан у амалда қулланилади.

Ғўзанинг ёруғликка талаби. Гўза фақат офтоб тушеб турадиган ёруғ жойлардагина яхши ривожланади. Ғўзанинг барг сатҳи (пластиинкаси) кун бўйи Қуёшга қараб ўз ҳолатини ўзгартиради, кечқурун Қуёш ботиши билан барглар пастга эгилиб олади. Ғўзанинг эндигина униб чиқкан уруғпалласида ҳам бутун кун бўйи худди юқоридаги ҳодиса кузатилади.

Ёруғлик етишмай қолганда, масалан, дарахт соясида ёки осмонни қалин булат қоплаганда гўза суст ривожланади, мева туғиш даври бошланганда ёруғлик етишмаса, гўзада кўплаб шона ва тугунчалар тўклишиб кетади. Гўза фақат соя туфайли эмас, балки ёруғлик етишмаслиги туфайли ҳам суст ривожланади.

Маълумки, ёруғлик етишмаса, ўсимликларда ассимиляция интенсивлиги ҳам сусаяди. Масалан, А.Б.Благовиценский (Тошкент вилояти) ўтказган тажрибаларда гўза баргининг 1 m^2 сатҳи

қуёшли кунда ўртапишар навларда бир соатда 1,46 г, тезпишар навларда эса 1,45 г моддани ассимиляция қылган. Ҳаво булут бўлгандага ғўза баргининг ассимиляция интенсивлиги кескин даражада пасайган, яъни ўртапишар навларда 0,0073 г, тезпишар навларда эса 0,06 г га тушиб қолган.

Лекин ҳамма навларга мансуб ғўзаларда ҳам ёруғликка талабчанлик бир хилда эмас. Экваториал мамлакатлардан келтирилган дарахтсизон ғўза навлари интенсив ёруғликка ўта талабчан бўлади. Ер шарининг барча минтақаларида бир йиллик экин сифатида ўстириладиган паст бўйли ғўза навлари (дарахтсизон эмас) эса ёз ойларида бўладиган максимал даражадаги интенсив Қуёш ёруғлигини талаб қилмайди ва улар Қуёш нури бироз тарқоқ, масалан, ҳавода битта-яримта булут бўлган пайтларда ҳам яхши ривожланиб, мўл ҳосил тўплай олади.

Ғўзанинг ривожланишига ёруғ куннинг давомийлиги жуда катта таъсир кўрсатади. Бошқа кўпгина ўсимликлар каби ғўза ҳам қисқа кун ўсимлиги ҳисобланади. Унинг мақбул ривожланиши учун туннинг узоқ, куннинг қисқа бўлиши талаб қилинади. Узун кун шароитида ўсимликнинг ривожланиши секинлашади, ҳосил туғишига кеч киришади. Шунга кўра пахта етиштириладиган минтақаларда куннинг табиий узунлиги маълум даражагача сунъий равишда қисқартирилганда ғўза ривожланиши тезлашиб, ҳосил тўплайдиган босқичга эртароқ ўтади.

Ҳар хил ғўза навларида сунъий қисқартирилган кунга нисбатан фотопериодик ўзгариш турлича бўлади (сутка давомидаги ёруғ давр узунлиги фотопериод деб аталади). Н. Н. Константиновнинг кузатишларидан маълум бўлишича, кўп дарахтсизон ғўза навлари сунъий қисқартирилган кунда айниқса, кучли даражада фотопериодик ўзгариши билан ажралиб туради. Бир йиллик ўсимлик сифатида ўстириладиган, унчалик кечпишар бўлмаган ғўза навлари, масалан, ингичка толали ғўза навлари қисқартирилган кунни унчалик сезмайди. Ингичка толали ғўза навларига қисқартирилган кун жуда суст таъсир қиласи ёки деярли таъсир қиласи.

Тошкент шароитида кун узунлигини сунъий равишда 9-12 соатга келтириш ғўза ривожланишини тезлаштиришга жуда яхши таъсир кўрсатган.

Куннинг бир хилда қисқартирилган узунлиги ҳар хил ғұза турлари учун уларнинг келиб чиқиш жойига ва филогенетик ривожланишига күра турлича бўлади.

Қисқартирилган кун таъсирида ғұзанинг асосий поясидаги дастлабки ҳосил шохи пастроқда пайдо бўлади, шунинг учун шоналаш, гуллаш ва пишиш фазалари эртароқ бошланади.

Лекин Н. Константинов маълумотига кўра, кунлик ёруғликнинг давомийлиги ҳар хил (8-12 соатгача) бўлганда гуллаш суръати ўзгармайди. Ёруғликнинг давомийлиги кескин, масалан, 6 соатгача қисқартирилганда ғұзанинг гуллаш суръати секинлашади. Сунъий қисқартирилган кунда ғұзанинг фотопериодик реакцияси юқоридагилардан ташқари ўсимликнинг айrim морфологик элементларини ҳам ўзгартиради. Масалан, бунда поянинг бўйи, барг сатхининг ва ён баргчанинг ҳажми қисқаради, лекин баъзан ён баргчанинг ҳажми ўзгармаслиги мумкин.

Юқорида айтилганидек, қисқартирилган кун таъсирида дарахтсimon ғўзаларнинг кўпчилик ўта кечпишар турларида кучли фотопериодик ўзгариш ҳодисаси кузатилади. Бундай ғўзалар Тошкент шароитида далага экилса, етилган кўсаклар пайдо бўлиши у ёқда турсин, ҳатто улар шоналаш фазасига ўтишга ултурмайди. Сунъий қисқартирилган кун таъсирида бу хилдаги ғўзаларда дастлабки ўсув шохининг жойлашиш ўрни жуда пастга (30-35 бўғимдан 9-11 бўғимга) тушади. Дастлабки ҳосил шохининг бунчалик пастга жойлашуви натижасида бу ғұза бизда етиштириладиган ингичка толали ғұза навлари билан деярли бир вақтда гуллайди. Бу эса селекция ишларида дарахтсimon ғўзаларни биздаги оддий ғұза навлари билан чатиштириш имконини беради. А.И.Автономов мана шу йўл билан кўсаги йирик ингичка толали ғұза навини яратди.

Қисқартирилган кун таъсирида ўсимликда пайдо бўлган хусусият кейинчалик одатдаги табиий узун кун шароитида ҳам сақланиб қолиши учун қисқартирилган кун билан таъсир кўрсатишни ғұза навларининг турига қараб ҳар хил муддат мобайнода давом эттириш зарур. Масалан, Н.Н.Константинов томонидан ўtkazilgan тажрибаларда чигит униб чиқиб, майсалар кўрингандан кейин ниҳоллар қисқартирилган кун таъсирида 45 кун қолдирилди. Бунда ғұзанинг бирмунча тезлишар навлари ҳамда баъзи бир дарахтсimon ғўзалар ўзларидаги ўзгаришни кейинчадан

лик табиий күн узунлигидә ҳам сақлаб қолди, яни фотопериодик таъсир кейинчалик ҳам давом этди.

Сунъий қисқартирилган күн билан ғұзага таъсир этишда үсимликка ёруғлик күннинг қайси пайтида тушиши ҳам ақамиятлидир. Айниқса, бу - бирмунча таъсирчан дараҳтсімон ғұзанинг айрим турларига тегишилдір. Ғұза әрталабки соат 8 дан кеч соат 18 гача бүлган ёруғ күн давомида айниқса тез ривожланади. Күнни әрталабки ёки кекчи соатлар ҳисобига бирмунча қисқартириш яхши натыжа бермайды. Демак, күн давомида ғұзани қанча вақт ёруғлиқта қолдириш билан бирга, үсимликнинг ривожланиши учун ёруғлик нүрининг (спектр таркибининг) сифати ҳам катта ақамиятга әгадір.

Ғұзанинг сувга бўлган талаби. Ғұза қурғоқчиликка чидамли бўлишига ва илдиз тизимининг кучли үсиб, тупроқ ичига анча чукур кириб боришига қарамасдан у сув билан етарли миқдорда таъминланғандагина яхши үсиб ривожланади ҳамда унда серкүсак ҳосил шоҳлари пайдо бўлади, яни мўл ҳосил тўпланади.

Ўрта Осиёда турлича шароитда үсаётган ҳар хил ғұза навларида транспирация коэффициенти бутун амал даврида ўртача 600-700 га тенг. Бу рақам асосан үсимликнинг үсиш шароитига боғлиқ ҳолда кўпинча 400 билан 800 орасида үзгариб туради, баъзан 1000 га, ҳатто 1400-1600 га етиши ҳам мумкин. Үсимликнинг үсиш шароити қанча яхши бўлса, транспирация коэффициенти ҳам шунча кичик бўлади, демак, үсимлик сувдан шунчалик тежаб фойдаланади. Бу ғұзани сугоришда (сув танқис бўлган ҳолларда) айниқса мухимдир.

Ғұза ўстирилаётган шароит ва агротехниканинг транспирация коэффициентига қанчалик таъсир кўрсатишини 9-жадвал маълумотларидан яққол кўриш мумкин.

Жадвал маълумотларидан тажриба станциясида нисбатан паст савияли агротехника кўлланган 1935 йилгача пахта ҳосили кам, транспирация коэффициенти эса жуда катта эканлиги кўришиб турибди. 1935 йилдан зътиборан агротехника тадбирлари бирмунча яхшиланди ва ҳосилдорлик анча ошди, транспирация коэффициенти эса камайди. Кейинги йилларда агротехника тақомиллаштирилган сари пахта ҳосили аста-секин оша борди ва бир йўла транспирация коэффициенти тобора камайди.

Кўлланган агротехника даражасининг гўза ҳосилига ва транспирация коэффициентига таъсири - ЎзПИТИнинг Оққовоқ тажриба станцияси (С.Н.Рижов маълумотлари бўйича)

Йилар	Пах-та май-до-ни,га	Ҳай-даш чу-кўрли-ги,см	Ҳар гектар ерга солинган ўғит (соғ модда ҳисобида)			Ўртacha суғо-риш сони	Пах-та ҳо-сили, ц/га	Уму-мий ку-руқ мас-са ҳо-сили, ц/га	Тран спи-рация ко-эф-фи-ци-енти
			N	P	K				
1926	33,8	11	30	16	16	4,4	11,0	27,5	1651
1928	10,5	13	26	21	9	5,0	14,9	37,2	1278
1930	12,5	15	5	2	1	5,0	15,7	39,2	1252
1932	71,4	18	39	27	15	5,8	15,3	38,2	1404
1935	50,3	20	55	55	1	7,7	21,5	53,7	947
1936	48,4	41	159	164	20	9,0	37,5	81,4	736
1937	33,0	24	229	250	67	9,1	40,2	90,4	723
1938	35,4	26	119	176	63	8,8	39,2	88,6	694
1939	37,0	28	151	180	69	8,4	43,6	98,1	6,02
1940	36,7	28	160	166	75	8,1	44,6	100,3	620

Ғўза турли ривожланиш босқичида ҳар хил миқдорда сув талаб қиласи ва шунга кўра ўсимлик турли ривожланиш босқичида ҳар хил миқдорда сув сарфлайди. Буни ғўза транспирацияга сарфлаган сув миқдоридан ҳам кўриш мумкин.

В.И.Цивинскийнинг кузатишларига кўра, ғўзада транспирация интенсивлиги шоналаш даврида энг юқори даражада бўлади. Гуллаш ва пишиш даврида эса у кескин даражада пасаяди. Суғориладиган ва лалмикор ерларда ҳар хил навга мансуб ғўзаларнинг транспирация интенсивлиги кузатилганда, у турлича бўлиши аниқланди. Лалмикор ерларда ўстирилган ўрта толали тезпишар ғўза навларидан, шунингдек, суғориладиган шароитда ўсан навларда транспирация жараёни кечпишар навларга қараганда жуда суст боради. Буни уларда илдиз тизими яхши ривожланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ғұза сув сарфининг транспирация интенсивлигидан фарқи шуки, үсимлик гуллай бошлагунга қадар, жумладан, шоналаш даврида сарфлайдиган сувнинг миқдори унчалик юқори бўлмайди, чунки бу даврда ғұзанинг сув буғлантирадиган умумий сатҳи катта эмас. Бу вақтда үсимлик атрофидаги ҳаво ҳарорати ҳам унчалик юқори ва куруқ бўлмайди. Масалан, майсалар биринчи чинбарг чиқарган вақтда 1 га ердаги ғўзалар суткасига $10\text{--}12 \text{ m}^3$, шоналаш фазасида эса $30\text{--}50 \text{ m}^3$ сувни транспирацияга сарфлайди.

Ғўза гуллаш даврида унинг сув сарфи юқори даражага кўтарилади, чунки бу даврда үсимлик тез үсиб, унда жуда катта буғлатиш сатҳи вужудга келади. Бундан ташқари гуллаш даврида ғўза атрофидаги мухит ҳавосининг ҳарорати ва қуруқлиги юқори даражага етади.

Ўрта Осиёning сугориладиган дехқончилик шароитида (июль, август ойларида) ғўзалар транспирация учун сарфлайдиган суткалик максимал сув миқдори гектарига $80\text{--}90 \text{ m}^3$ га, ҳатто $100\text{--}120 \text{ m}^3$ га етади.

Ҳосил пишиши даврида ғұзанинг сув сарфлаши яна астасекин камаяди. Бу ғұзанинг ҳаётий фаолияти, жумладан, үсиш жараёни сустлашиши, үсимликларда барглар қисман тўклилиб, айрим кўсаклар пишиб, ғұзанинг умумий сатҳи камайиши билан ва бу даврда ҳаво температураси бироз пасайиб, намлиги сал ошиб бориши билан боғлиқдир.

Ғўза ҳосилининг етилиши даврида транспирацияга сарфлайдиган кунлик сув миқдори эса тахминан $50\text{--}60 \text{ m}^3$ ни ташкил этади.

Ғўза гуллаш даврида сувни максимал даражада сарфлаганлиги сабабли үсимлик етилишига қадар абсолют сув сарфи ортиб боради. Бу үсимлиқда куруқ вазн миқдорининг бир мунча үсиши билан боғлиқдир (10-жадвал).

Йилнинг совук тушиш даври бошланиши билан үсимликнинг үсиши тўхтайдиган бошқа барча минтақалардаги каби Ўрта Осиёда ғўза ҳосилдорлиги унинг тезпишарлигига, кўсагининг йириклигига ва барвақт кўплаб кўсак тугишига қараб белгиланади.

10-жадвал

Ғўзанинг амал даврида сув сарфининг транспирацияга, ўсимлиқда қуруқ масса миқдорининг ошишига ва транспирация көзфициентига таъсири (С.Н.Рижов маълумоти)

Кўрсаткинлар	22/VI-1/VII	1/VII-1/VIII	1/VIII-2/VIII	2/VIII-1/VII	1/VII-1/VIII	1/VIII-2/VIII	2/VIII-3/VIII	3/VIII-10/VIII	10/VIII-20/VIII	20/VIII-01/X	01/X-19/X	01/X-19/X	Жами
Ҳусн идишида транспирацияга кетган абсолют сув сарфи, кг.	1,60	1,75	1,70	4,30	7,70	8,60	8,15	7,15	6,95	6,15	5,80	4,80	64,69
Ўсимлик тарикбода қуруқ массасинг ўсиши, г. дисобида	0,69	2,66	2,95	8,66	14,80	22,80	29,20	26,7	23,1	17,0	7,30	0,00	156,7
Транспирация көзфициенти	16,84	6,58	5,76	5,00	5,20	3,77	2,88	2,67	3,01	3,49	7,94	-	413

Эслатма: чигит 27 апрелда экилган; 12 июнга қадар ҳар бир ўсов идишида 2 тадан, 12 июндан бошлаб эса 1 тадан ўсимлик бўлган.

Бу белгилар ташқи шароитга, жумладан, ғўзанинг ҳар хил ривожланиш босқичида сув билан қай даражада таъминланганлигига боғлиқ ҳолда кескин ўзгариши мумкин. Ғўзанинг сувга бўлган талабини сугориш йўли билан қондириб, ўсимликнинг илдиз тизими ва ер устки қисмининг ривожланишига таъсир этиб, мўл пахта ҳосили етиштириш мумкин.

Ривожланиш босқичларида ғўзанинг сув билан таъминланиши унинг тезпишарлигига, кўсагининг ириклигига ва ҳар бир тупдаги кўсак сонига турлича таъсир этади. Шу билан бирга бу таъсир ўсимлик навининг ирсий хусусиятига, шунингдек, ташқи мухит шароитига, хусусан, тупроқ унумдорлигига, ер ости сувларининг чукурлигига, об-ҳаво шароитига ва қўлланилаётган агротехника даражасига қараб ҳам турлича бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш шароитида юқорида кўрсатиб ўтилган омилларнинг ҳаммаси бир-бири билан ва намлик шароити билан турли даражада қўшилиб кетади. Шунга кўра сув ҳам турлича таъсир этиши мумкин.

Тупроқда намнинг кам ёки кўп бўлиши ғўзада бир қанча физиологик ва морфологик ўзгаришлар рўй беришига, масалан, баргдаги сўриш кучининг, барг тусининг, поя учи рангининг ўзгаришига, юқоридаги гулнинг поя учига нисбатан бошқачароқ жойлашувига сабаб бўлиши мумкин. Мана шу ўзгаришларга қараб ғўзанинг сувга талабини маълум даражада аниқласа бўла-ди.

Ғўзанинг озиқ моддаларга бўлган талаби. С.А.Кудрин ЎзПИТИнинг Оққовоқ тажкиба станциясида ўтказилган тажкибалар асосида тўплаган маълумотларга қараганда, Ўрта Осиё шароитида ғўзанинг бутун ер усти қисмлари билан бирга, 1 т чигитли пахта етишириш учун агротехника нуқтаи назаридан мұхим бўлган озиқ элементлардан тахминан 50 кг азот, 10 кг фосфор, 50 кг калий сарфланиши керак. Бошқа элементлардан: ўрта ҳисобда 50 кг кальций, 10 кг олтингугурт, 10 кг магний ва шунча на-трий, 2 кг гача темир, 200 г гача бор, 50 г дан камроқ мис, Б.В.Рогальский маълумоти бўйича - 1,5 кг атрофида хлор бўлиши керак.

Шўр ерларда ўстирилган ғўзанинг озиқ моддаларга талаби бошқачароқ бўлади. Бунда ўсимликка хлор, магний ва натрий кўпроқ, кальций, темир ва бошқа баъзи элементлар камроқ ўта-ди.

Ўрта Осиё шароитида ўсимлик тури ҳамда навининг физиологик ва биологик хусусиятларига қараб ғўза ер усти вазнига нисбатан 25-30 дан 50 - 60 фоизгача пахта олиш мумкин.

С.А.Кудрин ўрта толали ғўзалар ўзининг ер усти вазни билан бирга 1 т пахта ҳосили тўплаши учун 30 - 70 кг азот, 10 - 20 кг.гача фосфор ва 30-80 кг.гача калий талаб қилишини аниқлаган. Агар пахта ғўзанинг ер усти қисмига нисбатан 59-60 фоизни ташкил қиласа, унинг азот, фосфор ва калийга талаби пахта умумий ҳосил (пахта ва ер усти қисми)нинг 50 фоизидан оз бўлгандаги талаби айниқса пахта умумий ҳосилнинг 25-30 фоизини ташкил қилганда кўпаяди. Буни қўйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин (11-жадвал).

11-жадвал

*Ғұзанинг ер усти ўсув қисмини ҳосил қилиш ва 1 т пахта олиш
үчүн зарур бўлган азот, фосфор ва калий миқдори, кг*

Ғұзанинг ер усти қисмига нисбатан умумий ҳосилнинг қўйидаги қисмини пахта ташкил этганда, %	N	P ₂ O ₅	K ₂ O
48-57	28-38	10-13	28-33
42-47	32-46	12-16	32-48
35-42	43-61	12-17	48-57
26-33	59-61	17-20	55-81

Ўрта Осиё шароитида ингичка толали ғўзалар ўрта толали ғўзаларга қараганда азот, фосфор ва калий моддаларини бирмунча кўпроқ сарфлайди. Буни шундай изоҳлаш мүмкинки, ингичка толали ғўзада майда қўсакчалар Ўрта Осиё шароитида нисбатан кечпишар ҳисобланган ўрта толали ғўзага қараганда ўсиш вазни кўп бўлса-да, лекин ҳосили кам бўлади. Америкалик тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, ғўзада илдиз тизими пайдо бўлиши учун ўсимликнинг барча ер усти қисмига сарфланадиган азотнинг 3 - 5, фосфорнинг 5 - 7 ва калийнинг 7 - 10 фоизи кетади.

Чигит униб чиққан пайтда ёш ниҳоллар азот ва фосфорни жуда кам талаб қиласди. Чигит униб, ниҳоллар шоналай бошлигунча талаб аста-секин ортиб боради. Шоналашдан қўсаклар етилгунча азот ва фосфорга бўлган талаб кескин даражада ортади, шундан кейин эса талаб яна кескин камайиб кетади.

Масалан, Ўғит ва агротупроқшунослик институти маълумотига қараганда, ғўза турли ривожланиш босқичларида ердан азот ва фосфор моддасини қўйидаги миқдорларда олади (шу моддалар умумий миқдорининг пировард натижада тўпланадиган ҳосилга нисбатан процент ҳисобидаги нисбати):

чиғит униб чиққандан шоналагунча - азот - 7%, фосфор - 5%;

шоналашдан гуллагунча - азот - 46%; фосфор - 35%;

гуллашдан ҳосил пиша бошлагунча - азот - 44%, фосфор - 50%;

ҳосил пиша бошлашидан пишиш даврининг охиригача - азот - 3%, фосфор - 10.

Азот ва фосфорнинг бу хилда сарфланиши озиқ моддалар ўсимликка узлуксиз равиша ўтиб турган қулай шароитдагина кузатилади. Кўсаклар ва репродуктив органларнинг ривожланиши тупроққа солинадиган азот ва фосфор ҳисобига содир бўлади, лекин бунда ўсимликнинг ўсув органларидағи заҳира моддалар деярли сарфланмайди.

Агар тупроқда нам (сув) етишмаслиги оқибатида ёки бошқа бир сабабга кўра, ғўзанинг гуллаш даврида унинг азот ва фосфорга бўлган талаби бузилганда шаклланган кўсакчалар ва репродуктив органлар маълум даражада ўсимликнинг ўсув органларидағи азот ҳамда фосфордан фойдаланади. Бу эса ҳосилнинг камайишига олиб келади.

Ғўзанинг ривожланиш босқичларида озиқ моддаларнинг етарли миқдорда бўлиши ўсимлик танаси ҳамда унинг айрим органлари тузилиши учунгина эмас, балки ғўзанинг мақбул ўсиши ва ривожланишини белгилайдиган физиологик функцияларнинг бажарилиши учун ҳам зарурдир. Ғўзанинг ҳар хил ривожланиш даврида азот, фосфор ва калий каби муҳим озиқ моддаларнинг кам ёки керагидан ортиқча бўлиши ўсимликнинг ривожланишига, оқибат натижада ундан олинадиган пахта ҳосилига турлича таъсир этади.

Ривожланишнинг дастлабки даврида ғўзага фосфорнинг етишмай қолиши ўсимлик илдиз тизимининг ривожланишини секинлаштиради, унинг репродуктив босқичга ўтишини кечикитиради.

Аксинча, бу даврда азот ва фосфорнинг етарли бўлиши ғўза илдиз тизимининг ривожланишини тезлаштиради, натижада ўсимлик ер устки қисмининг ўсиши кучайиб, шоналаш босқичи тезроқ бошланади, бинобарин, қулай шароит мавжуд бўлганда навбатдаги босқичлар ҳам барвакт бошланади.

Чигит униб чиқиши вақтида тупроқда азот кўп бўлса, майсаларнинг ер бетига чиқиши секинлашиб, илдиз тизимининг ривожланиши заифлашади. Мана шу ҳолатда тупроқда фосфорнинг етарли миқдорда бўлиши азотнинг кучли таъсири (концен-

трацияси)ни қайтаради. Шоналаш даврига қадар, айниқса, бу даврнинг дастлабки пайтларида, тупроқда азотнинг керагидан ортиқча бўлиши ўсимлиқда ҳосил шохининг юқоридан чиқишига сабаб бўлади, бундан ташқари ғўза ривожланишидаги асосий босқичларнинг бошланиши кечикади.

Шоналаш даврига қадар ўсимлик азот билан меъёрида озиқлантирилганда унинг шонага кириши ва бундан кейинги ривожланиш фазалари жадаллашади.

Ғўза ўзининг биологик хусусиятига кўра тез ўсиб, азот, фосфор ва калийни кўп миқдорда талаб қиласиган ўсимлик. Шоналаш ва гуллаш фазасида тупроқда азотнинг керагидан ортиқча бўлиши ўсимликнинг ғовлаб кетишига, кўсакларнинг кеч етилишига ва унинг очилиш суръати секинлашувига олиб келади. Аксинча, бу даврда азотнинг камчил бўлиши эса ўсимликнинг заиф ўсиб, ҳосил шохлари кам бўлишига, бинобарин, кўсакларнинг камайишига ва майда бўлиб қолишига олиб келади.

Ғўзанинг гуллаш даври кўсакларнинг шаклланиши билан бир вақтга тўғри келади. Бу даврда тупроқда фосфорнинг етарли бўлиши кўсакларнинг шаклланишини, ундаги чигитларнинг етилишини, шунингдек, уларнинг пишишини тезлаштиради.

Ғўзанинг ривожланишида калийнинг роли ҳам жуда катта, у ўсимликнинг репродуктив (ғўзанинг кўсаклаши, чигитнинг етилиши) босқичга ўтишига ёрдам беради. Бундан ташқари калий моддаси етарли бўлганда ўсимликнинг ўзида сув сақлаб туриш қобилияти яхшиланади ва ўсимликларда буғланиш жараёни камаяди. Шунинг учун ўсимлик шоналаш босқичига кириши вақтида, шунингдек, шоналаш ва гуллаш даврида тупроқда калийнинг етарли бўлиши ғўзанинг умуман нормал ўсишига шароит яратади, шона ва тугунчалар тўкилишини камайтиради.

Шундай қилиб, ғўзанинг нормал ўсиши, ривожланиши ҳамда ундан юқори сифатли мўл ҳосил етиштирилиши учун озиқ моддаларнинг, жумладан, азот, фосфор ва калийнинг тупроқда тегишли миқдорда бўлишигина эмас, балки ўсимликнинг турли ривожланиш фазаларида бу моддаларнинг тегишли нисбатда бўлиши ҳам ниҳоятда муҳимdir.

Ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига бошқа баъзи бир элементларнинг ҳам таъсир этиши аниқланган. Масалан, бирикма ҳоли-

даги кальций (CaO_4 , CaHPO_4) ғұза илдизининг үсишини ва янгила-ри пайдо бўлишини жадаллаширади.

Ғўзанинг ривожланишига микрозлементлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, ғұза гулининг уруғланиш органларида кўп-лаб тўпланадиган бор элементи чангчининг үсиш кучини ошира-ди.

Үсимликнинг озиқланишида қандайдир модданинг етишмас-лиги ёки керагидан ортиқча бўлиши ғўзадаги физиологик жара-ёнларга салбий таъсир кўрсатади ҳамда унда ички, шунингдек, кўзга кўринадиган баъзи бир ташки морфологик ўзгаришлар рўй беришига сабаб бўлади. Масалан, азот камчил бўлганда ўсимликнинг үсиши ва ривожланиши сустлашади, барглари майдала-шади, барг тузи яшил рангдан сарғиш яшил рангга киради. Аксинча, азот керагидан ортиқча бўлганда ўсимлик говлаб кетиб, барглари тўқ яшил тус олади. Агар тупроқда фосфор моддаси етишмаса, ўсимлик паст бўйли бўлиб ўсади, барглари майдала-шади, баъзан бу баргларда қизгиш томирлар пайдо бўлади. Ка-лий етишмаганда эса ғұза баргига қўнғир доғлар пайдо бўлади, шундан кейин бу барг шапалоқлари химарилиб, аста-секин қурийди ва тушиб кетади. Баъзан баргнинг яшил қисми билан оқиши қисми навбатма-навбат жойлашиб, барг чипор тусга кира-ди.

Агар ўсимликка темир моддаси етишмаса, у хлороз касалли-гига чалинади, натижада ғұза барги оқиши-сарик ва ҳатто оқ тус-га киради. Тупроқда марганец етишмаганда ҳам худди шундай ҳодиса содир бўлади.

Ғўзанинг тупроққа бўлган талаби. Ғўза ҳар қандай тупроқда ҳам үсоверади, лекин буларнинг ҳаммаси ҳам ўсимликнинг мақбул үсишига мувофиқ келавермайди. Шунинг учун тупроғи ҳар хил, аммо бошқа шароитлари бир хил бўлган ерларда, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ғўза парваришига турли миқдорда меҳнат ва маблаг сарфлашга тўғри келади.

Суғориладиган шароитда ўстирилаётган ғўзанинг тупроққа муносабати лалмикорликдаги ғўзанинг тупроққа муносабатидан анча фарқ қиласади. Ўрта Осиё ва Озарбайжоннинг қуруқ чўл ёки чала чўл шароитида ғўзанинг озиқланиши, үсиши ва ривожланиши, биринчи навбатда, сув омили бўйича белгиланади. Бунинг сабаби шундаки, суғориш йўли билан ҳар хил тупроқда ғўзанинг

бошқа омилларга бўлган муносабатини лалмикорлиқдагига нисбатан осонроқ бошқариш мумкин. Лалмикор ерларда ғўза ҳаётидаги энг муҳим омиллардан бири ёғин намлигиdir. Ёғин қанчалик кўп бўлса, ҳосилдорлик ҳам шунга яраша юқори бўлади.

Суғориладиган дехқончилик шароитида шағал ёки қумқатлами бирмунча юзароқ жойлашган ерларда ҳам ғўза яхши ўсаверади, лекин бу ерларда озиқ моддалар етарли миқдорда бўлиши зарур.

Ҳайдалма қатлами қалин, унга ўсимлик илдизлари bemalol кира оладиган ва шу қатламда озиқ моддалар етарли миқдорда бўлган жойларда ғўза яхши ўсади ва тупроқ ичига чуқур тараладиган илдиз тизими хосил қиласди. Ўрта Осиёда жуда қадимдан сугориб келинаётган бўз тупроқли ерлар ана шу хилдаги ерлардан ҳисобланиб, бу ерлар азотдан бошқа барча озиқ моддалар билан яхши таъминланган.

Механик таркиби қумлоқ тупроқдан қумоқ тупроққача бўлган ерлар ҳам ғўзанинг ўсиши учун қулай. Айниқса суғориладиган, шунингдек, лалмикор ҳамда енгил қумоқ тупроқли ерларда у жуда яхши ўсиб ривожланади. Оғир қумоқ тупроқли ерларда ғўза яхши ўсмайди, аммо бундай ерларда ҳам маҳсус агротехника тадбирларини амалга ошириб, пахтадан юқори ҳосил этишириш мумкин.

Ғўза қумлоқ тупроқли ерларда қумоқ тупроқли ерлардагига қараганда ёмон ўсади, чунки бу хилдаги тупроқларнинг сув сиғими кичик, ҳаво ва сув ўтказувчанлик хусусияти ҳаддан ташқари юқори, шунинг учун тупроқ намлиги тез камайиб кетади. Аммо бундай ерларда ҳам агротехника тадбирларини амалга ошириб, мўл пахта ҳосили этишириш мумкин.

Ўрта Осиёдаги ўтлоқ тупроқли ерлар бўз тупроқлар каби ғўза ўстириш учун энг яхши ерлар ҳисобланади. Ўтлоқ-боткоқ ерлар ҳам ғўза ўстириш учун жуда қулай, лекин бундай жойларда тупроқнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши зарур.

Шўр ерлар тупроқнинг шўрланиш даражасига қараб ғўза ўстиришга яроқли ёки бутунлай яроқсиз бўлиши мумкин. Лекин уларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланса, яъни ҳайдалма қатлам ва шу қатлам остидаги тупроқларда заарли тузлар йўқотилса, бундай ерларда ҳам пахтадан мўл ҳосил олса бўлади. Шуни на-

зарда тутиш керакки, ёш ғұзалар шүрга айниңса чидамсиз бўла-ди. Ғұза ўсиб катталашган сайн унинг шүрга чидамлилиги ҳам бирмунча ортади.

Бир хил даражада шўрланган ерларда ғұзага хлор ионлари кўпроқ, сульфат ионлари камроқ таъсир этади.

Тупроқдаги заарали тузларнинг салбий таъсири уларнинг таркибиغا ва миқдорига боғлиқ равишда ўзгаришидан ташқари, ернинг намлигига ҳамда бу тузларнинг кучини қирқадиган каль-ций ва бошқа баъзи бир тузларнинг мавжудлигига қараб турлича бўлади. Тупроқ эритмасининг концентрацияси бир хилда бўлгани ҳолда, унда намнинг кўп бўлиши ғўзанинг тузга чидамлилигини оширади (Л.И.Дашевский маълумоти).

Буларнинг ҳаммаси ҳар хил жойларда тупроқ шўри, гарчи бу шўрланиш даражаси бир хилда бўлса ҳам, унинг ғұзага кўрсата-диган таъсири бир хилда змаслигидан далолат беради. Масалан, Б.В.Федорова маълумотига кўра, Фарғона водийсидаги шўрхок ерларнинг шўрланиш даражаси Мирзачўлдаги шўрхок ерлар шўрланиш даражаси билан бир хилда бўлгани ҳолда у ғұзага кучисизроқ таъсир этади. Чунки Фарғона водийсидаги шўрхок ерларда сульфат, Мирзачўл ерларида хлор тузлари кўпроқ. Кавказ ортидаги Муған чўлида тузларнинг концентрацияси Мир-зачўл ерларидагига нисбатан анча кучли ва шунинг учун ҳам у захарли. Н. А. Димо Мирзачўл тупроғида кальций тузларининг миқдори кўпроқ деб изоҳлайди.

Одатдаги агротехника асосида парвариш қилинаётган ғўзаларнинг ривожланишига ва ҳосилдорлигига тузларнинг за-арали таъсири тупроқнинг ярим метр қатламида ғўзанинг ёппа-сига шоналаш давригача, қаттиқ қолдик 0,4-0,5% га, хлор 0,01% га ва SO_4 0,2-0,3% га етганда бошланади. Тупроқда қаттиқ қолдик 1,4%, хлор 0,12-0,14% ва SO_4 - 0,5-0,6% бўлганда эса ўсимлик ниҳоятда заифлашади, қисман нобуд бўлади.

Шўр ерларда чигитнинг бўртиши ва унинг униб чиқиши се-кинлашади. Кучли шўрланган ерларда эса чигит мутлақо униб чиқмайди. Кучсиз шўрланган ерларда ниҳолларнинг кўриниши кечикади ва сийрак чиқади.

Бундан ташқари, шўр ерларда ғўзанинг илдизи яхши ривож-ланмайди, ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш босқичлари кеч бошланади, ҳосил органлари кўплаб тўкилади, ўсимлик суст

ўсади. Буларнинг ҳаммаси пиравард натижада ҳосилнинг камайишига ва пахта толаси сифатининг ёмонлашувига олиб келади (12-жадвал).

12-жадвал

Ҳар хил даражада шўрланган тупроқнинг пахта ҳосили миқдорига ва сифатига таъсири (ЦОМС маълумотлари)

Ғўзанинг шўр тупроқ таъсиридан заараланиш даражаси	15.IX дағуза туپининг бўйи, см	Пахта ҳосили		Толанинг уэунлиги, мм	Толанинг пишиклиги, г
		га,ц	%		
Қаттиқ заараланган	20-30	0,9	5,8	28,0	3,42
Заараланган	30-40	3,7	24,0	28,8	3,40
Камроқ заараланган	40-50	8,6	55,8	30,5	3,79
Заараланмаган	60-70	15,4	100,0	31,9	4,27

Ғўзанинг ривожланишига ер ости сизот сувининг қанчалик чуқурликда жойлашиши ҳам катта таъсир кўрсатади. Суғориладиган ерларда ер ости сувларининг юза жойлашиши, айниқса у ёки бу даражада шўрланган бўлса, кутилган натижани бермайди. Ер ости суви 3 м чуқурликда жойлашган бўлса, у экинга деярли зарар етказмайди. Айрим ҳолларда ер ости сувлари юзароқ жойлашганда, ривожланиш даврида ғўзани суформасдан ҳам ўстириш мумкин. Агар тупроқ шўрланган, буннинг устига ер ости сувлари юза жойлашган бўлса, бундай ҳолларда минераллашган ер ости суви тупроқнинг устки қатлами тез қайта шўрланишига сабаб бўлади.

Ғўза ўстирилаётган жойнинг денгиз сатҳидан нечоғли баландлиги ҳам муайян аҳамиятга эга, чунки шунга боғлиқ ҳолда метеорологик ва тупроқ шароити ҳам турлича бўлади. Ўрта Осиёда ғўза денгиз сатҳидан 1200-1300 метргача баланд бўлган жойларда ўстирилади. Пахтачилик билан шуғулланадиган баъзи тропик мамлакатларда эса ғўза денгиз сатҳидан бундан ҳам баландроқ ерларда ўстирилади.

Назорат учун саволлар

1. Ғұзанинг рибозжланыш босқычлари нечта ба қандай?
2. Ғұзанинг иссиқликка талаби қандай?
3. Фойдали ҳарорат нима?
4. Ғұзанинг ёруғликка талаби қандай?
5. Ғұзанинг сүбга талабини изохлаб берінг.
6. Ғұзанинг озиқ мөдделарга талаби қандай?
7. Ғұзанинг түпрақ шароитига талаби қандай?

V боб

ЎЗБЕКИСТОН ФЎЗА НАВЛАРИ

Ўзбекистон селекциячи олимлари томонидан ҳозир ижобий хусусиятларга эга бўлган турли хилдаги фўза селекцияси материалларининг жуда катта коллекцияси тўплланган. Олимларимиз ана шу коллекция намуналаридан фойдаланиб, ҳар йили янги-янги навлар яратишмоқда. Кейинги ўн йилда 150 дан зиёд янги фўза навлари давлат синовидан ўtkазилди, улардан энг яхши 18 та фўза нави ишлаб чиқаришга жорий этилди (13-жадвал).

Республикамиизда тайёрланा�ётган пахта толаси юқори сифатли бўлиб, кўплаб хорижий харидорларнинг диққатини ўзига жалб этмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон пахтасининг толасидан тайёрланган кийимларни бутун дунёда учратиш мумкин. Дарҳақиқат, бизнинг пахтамиз юқори сифатлилиги билан бутун дунё аҳлиниңг эътиборини қозонмоқда.

Қўйида йиллар бўйича Ўзбекистонда яратилган фўза навлари ҳақидаги айрим маълумотларни келтирамиз:

108-Ф

Бу нав ЎзПИТИ Андижон филиалида Л. В. Румшевич томонидан яратилган, 1947 йилдан кенг жорий этилган. Нав ўртапишар, амал даври - 145 кун. Тупи пирамидасимон, 1,5 турда шохлайди, пояси ётиб қолишга мойилроқ. Бир кўсак пахтаси вазни 7,0 - 7,5 г. Толасининг узунлиги - 31 - 33 мм, чиқиши - 35 - 37 фоиз, пишиқлиги 4,5 - 4,9 г, метрик рақами 5300 - 5600, V турдаги саноат толаси беради. Ҳозир экilmайди.

149-Ф

Нав ЎзПИТИ Андижон филиалида Л. В. Тукс ва В. Я. Буткова томонидан яратилган, 1960 йилда кенг жорий этилган.

Амал даври - 126 - 135 кун, тупи пирамидасимон, ётиб қолмайди. Бир кўсак пахтаси вазни 4,4 - 4,9 г, толасининг узун-

лиги - 34 - 35 мм, чиқиши - 34 - 35 фоиз, пишиқлиги 4,3 - 4,9 г, метрик рақами 5640, IV турдаги саноат толаси беради.

C-4727 (500149)

Бу нав Ўзбекистон ғұза селекцияси ва уруғчилордың илмий текшириш институтынан яратылған. Муаллифлари - Б.П. Страумал, А.И.Тишин, А.Я. Кузнецова.

Хирзууту мүнисипалитеттегі түрдегі мансуб. 1961 йилдан Қарақалпогистон Республикасы ва Жizzах вилоеті бойынша давлат реестрига кириллана.

Түпининг бүйі 100-120 см, пирамидасимон. Пояси түкленген яшил, ётиб қолмайды. Барғы үртаса катталиқда, 3-5 бұлаклы. Гүлдері үртаса катталиқда, оч-яшил рангда. Құсаги йирик, дұмалоқ, яшил рангда, яхши очилады. Ҳосили түкілмайды. 1000 дона чигитнинг вазни - 120 гр.

Қарақалпогистон нав синаш шохобчаларыда пахтанинг ҳосилдорлиги гектарига 23,7 (Хўжайли) - 35,1 ц (Чимбой)га етган.

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 44,6 ц.ни, 30 сентябрдеги теримде ҳосилдорлик гектарига 35,1 ц.ни ташкил қылған.

Амал даври - 115 (Чимбой НШС) - 121 кун (Хўжайли НШС). Битта құсакдаги пахтанинг вазни 5,0-5,9 г. Тола чиқиши 36,2-36,9 %. Вилт билан касалланиш даражаси 8,8 % гача.

«Сифат» маркази маълумотига күра, тола сифати күрсаткичлари: микронейр 4,5-4,9, тола узунлиги (UHI) 1,07-1,13 дюйм, тола узунлиги (код) 33-35, нисбий узилиш кучи 26,0-30,0 гк/текс.

159-Ф

Бу нав ЎзПИТИ Андижон филиалида В. Я. Буткова, Л. В. Румшевич ва бошқалар томонидан яратылған, 1964 йилдан көнгө жорий этилған. Тупи пирамидасимон, II-турда шохлады, амал даври 147 кун.

Бир құсакдаги пахта вазни 6,5-7,0 г, тола чиқиши - 32-34 фоиз, узунлиги - 31-32 мм, пишиқлиги 4,7 г, метрик рақами 5100, V-турдаги саноат толаси беради.

«Тошкент - 1»

Нав муаллифи С. Н. Мираҳмедов, 1971 йилдан кенг жорий этилган ва катта майдонларга экилган. Амал даври — 130-135 кун.

Тупи пирамидасимон, ётиб қолмайди. Бир күсакдаги пахта вазни 5,8-6,5 г, тола чиқиши — 36-38 фоиз, узунлиги — 32-33 мм, пишиқлиги 4,6-4,9 г, метрик рақами 5200-5300, V-турдаги саноат толаси беради.

175-Ф (7708815)

Ушбу ғұза нави ЎзПИТИнинг Андижон филиалида А.Н.Трибунский, Х. Эгамов, С. Мирзаев, А.В. Кимлар томонидан яратилған.

Хирзурутум турига мансуб. 1980 йилдан Хоразм вилояти бўйича давлат реестрига киритилган. Тупининг бўйи 100-120 см, пирамидасимон. Пояси кучсиз тукланган. Кўсаги ўртача катталика, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди, 1000 дона чигитининг вазни — 117 г.

Хоразм вилоятидаги нав синаш шохобчаларида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 39,2 (Хива) — 40,1 ц.(Гурлан)га етган.

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 42,9 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 32,7 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври 119 (Гурлан НСШ) — 123 кун (Хива НСШ). Битта кўсакдаги пахтанинг вазни — 5,6 г. Тола чиқиши — 35,9-36,5%. Вилт билан касалланиш даражаси — 13-25,5% гача.

"Сифат" маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,3-4,7, тола узунлиги (UHI) 1,07-1,13 дюйм, тола узунлиги (код) 34-36, нисбий узилиш кучи 26,0-30,0 гс/текс.

«Тошкент - 6» (7708793)

Мазкур нав республика Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий текшириш институтида яратилған.

Муаллифлари — С. М. Мираҳмедов, В. П. Сеноедов, Т. Холхўжаев, Х. Хидяев, А. Аҳмаджонов.

Хирзуум турига мансуб. 1981 йилдан Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи — 100-110 см. Ҳосил шохлари ихчам ва калта бўлиб, қийғос ҳосилга кирган пайтда пояси ётиб қолишга мойил. Қўсаги ўртача катталикда, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди. 1000 дона чигитнинг оғирлиги — 115 г..

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига Фарғона вилояти нав синаш шохобчаларида 32,8 (Бағдод) — 38,0 ц. (Охунбобоев).

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 44,4 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 35,4 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври 111 (Чиноз НСШ) - 117 кун (Бағдод НСШ). Битта қўсакдаги пахтанинг вазни — 4,7-5,7 г. Тола чиқиши — 35,6-36,3%. Вилт билан касалланиш даражаси 2,9% (Мингбулоқ НСШ)гача.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,4-4,8, тола узунлиги (UHI) 1,09-1,15 дюйм, тола узунлиги (код) 35-37, нисбий узилиш кучи 27,4- 31,0 гк/текс.

«Ан-Боёвут - 2» (7905181)

Бу нав ҳам Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий текшириш институтида С.С.Содиков, А.Абдуллаев, Т.К.Қўчкоров, С.Одиловлар томонидан яратилган.

Хирзуум турига мансуб. 1983 йилдан Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи — 90-100 см, пирамидасимон. Пояси яшил, ўртача тукланган. Барглари ўртача катталикда, тўқ яшил рангда. Қўсаги йирик, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди. 1000 дона чигитнинг вазни — 120 г.

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 31,3 (Чиноз-НСШ) - 48,2 ц. (Пскент НСШ).

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 44,6 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 37,4 ц.ни ташкил этган.

Амал даври 114 (Юқори Чирчиқ НСШ) - 118 кун (Жиззах НСШ). Битта қўсакдаги пахтанинг вазни — 5,0-6,1 г., Тола чиқиши

— 34,7-35,5 %. Вилт билан касалланиш даражаси 4,1 % (Навоий НСШ), 31,4% (Жиззах НСШ).

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,5-4,9, тола узунлиги (UHI) 1,07-1,11 дюйм, нисбий узилиш кучи 27,6-30,4 гк/текс.

«Андижон - 9»

Нав ЎзПИТИ Андижон филиалида А.Н.Трибинский ва бошқалар томонидан яратилган, 1984 йилда кенг жорий этилган.

Амал даври 126-136 кун, тути пирамидасимон, ётмайди.

Бир кўсак пахтаси вазни 6,5-6,8 г, толасининг оппоқ чиқиши — 34,6 фоиз, узунлиги — 34,5 мм, пишиқлиги 4,2 г, метрик рақами 5960, IV-саноат турига мос тола беради.

C-6524 (800691)

Бу нав А. А. Автономов, В. А. Автономов, В. С. Ристаков, Т. Й. Йўлдошев, А. Т. Циба томонидан Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтида яратилган.

Хирзутиум турига мансуб. 1988 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи — 115-120 см, ихчам, ётиб қолмайди. Барги ўртача катталика, тўқ яшил рангда. Гули ўртача катталика, оч сарик рангда бўлиб, дөғсиз. Кўсаги тухумсимон, яхши очилади, ҳосили тўкилмайди. 1000 дона чигитнинг вазни 121 г..

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 34,0 (Охунбобоев НСШ) - 37,1 ц. (Пскент НСШ).

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 45,8 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 38,1 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври — 127 (Охунбобоев НСШ) - 131 кун (Бағдод НСШ). Битта кўсакдаги пахтанинг вазни 4,8-5,5 г. Тола чиқиши — 34,3-36,2%. Вилт билан касалланиш даражаси 9,7 % (Бағдод НСШ)дан - 52,9% (Охунбобоев НСШ) гача.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,3-4,7, тола узунлиги (UHI) 1,10-1,14 дюйм, тола узунлиги (код) 35-37, нисбий узилиш кучи 29,1-32,5 гк/текс.

«Юлдуз» (8006091)

Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий текшириш институтида яратилган.

Ушбу навнинг муаллифи О. Ж. Жалилов бўлиб, нав хирзутум турига мансуб.

1989 йилдан Қорақалпогистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100-110 см, тури пирамидасимон, яшил рангда, тукланган, ётиб қолишга мойил. Барги ўртача катталиқда, яшил рангда. Гули ўртача, доғсиз. Кўсаги йирик, думалоқ, силлик, учи бир оз чўзиқ ва юлдузчали. 1000 дона чигитининг оғирлиги – 110 г..

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 34,5 (Шаҳрисабз НСШ) – 42,4 ц. (Фиждувон НСШ).

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 44,2 цни, 30 сентябрдаги теримда 38,0 ц.ни ташкил этган.

Амал даври – 104 (Шеробод НСШ)-130 кун (Хўжайли НСШ).

Битта кўсакдаги пахтанинг вазни 4,1-5,9 г. Тола чиқиши 37,1-38,1%. Вилт билан касалланиш даражаси 1,0% (Гурлан НСШ)дан – 13,2% (Фиждувон НСШ) гача.

«Сифат» маркази маълумотига кўра тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,3-4,7, тола узунлиги (UHI) 1,05-1,13 дюйм, тола узунлиги (код) 34-36, нисбий узилиш кучи 25,7- 29,7 гк/текс.

«Бухоро - 6» (8402752)

Мазкур нав ЎзПИТИнинг Бухоро филиалида яратилган бўлиб, муаллифи А. М. Баталовdir.

Хирзутум турига мансуб.

1990 йилдан Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 80-110 см., тури пирамидасимон, пояси кам ёки ўртача тукланган, яшил рангда. Ҳосил шохлари 1,5-2 тип. Кўсаги тухумсимон, учи бир оз чўзиқ, думалоқ. 1000 дона чигитнинг вазни 122-128 г. Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 31,5 (Шаҳрисабз НСШ)-51,7 ц. (Қоракўл НСШ).

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 38,9 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 29,2 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври 119 (Қоракүл НСШ)-127 кун (Шахрисабз НСШ).

Битта кўсақдаги пахтанинг вазни 5,9-7,4 г. Тола чиқиши 35,5-36,3 %. Вилт билан касалланиш даражаси 1,0% (Қоракүл НСШ)дан-9,8% (Фиждувон НСШ) гача.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,2-4,6, тола узунлиги (UHI) 1,09-1,13 дюйм, тола узунлиги (код) 35-36, нисбий узилиш кучи 25,6- 32,0 гк/текс.

C-9070 (8304840)

Ушбу ғўза нави ҳам хирзутум турига мансуб бўлиб, Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтида П. В. Попов, Д. Г. Минко, М. Саидаҳмедов, А. Н. Трибунский, М. П. Сукуровлар томонидан яратилган.

1990 йилдан Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 90-100 см., пирамидасимон, пояси кам тукланган. Барги 5 бўлакли. Гули оч сариқ, дөғсиз. Кўсаги думалок, учи тўмтотқ, юзаси силлиқ. 1000 дона чигитининг вазни 117-121 г.

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 41,4 (Фиждувон НСШ) –42,5 ц. (Самарқанд ДНСС). Амал даври 115 (Фиждувон НСШ) –123 кун (Самарқанд ДНСС). Битта кўсақдаги пахтанинг вазни 5,7-6,7 г. Тола чиқиши 35,7-35,8%. Вилт билан касалланиш даражаси—13,0% (Фиждувон НСШ) гача.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,4-4,8, тола узунлиги (UHI) 1,07-1,13 дюйм, тола узунлиги (код) 34-36, нисбий узилиш кучи 27,8-30,0 гк/текс.

«Қарши - 8» (8665238)

Барбадензе турига мансуб ушбу нав Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтида яратилган. Муаллифлари А. Р. Тияминов, О. Ҳ. Ҳасанов, Р. Б. Аблаева.

1992 йилдан Қашқадарё вилояти бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 70-80 см., йифик. Кўсаги узунчоқ, тумшуқли. Пояси яшил рангда бўлиб, кучсиз тукланган. Барги ўртача катталикда, 3-5 бўлакли, тўқ яшил рангда. Гули йирик, сарик рангда. 1000 дона чигитнинг вазни — 119 г.

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги Қарши нав синаш шохобчасида гектарига 39,5 ц. Амал даври — 126 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг вазни 2,3-3,2 г. Тола чикиши 33,4 %. Вилтга чидамли.

«Пахтасаноатилм» маркази маълумотларига кўра, толасининг физик-механик хусусияти III типга мансуб, штапел узунлиги 35,1 мм, чизиқли зичлиги — 165 мтекс, нисбий узилиш кучи — 30,6 гк/текс., микронейр кўрсаткичи — 4,3.

C-6530 (8903573)

Бу нав ҳам Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтида яратилган. Муаллифлари В. А. Автономов, М. Саидаҳмедов, А. Шерматов, А. Э. Эгамбердиев, Ф. А. Хосятулина. Хирзуум турига мансуб. 1993 йилдан Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-115 см, йифик, пирамидасимон, 1 — 3 ўсув шохи 1,5 тип. Биринчи ҳосил шохи 6 — 7-бўғимда пайдо бўлади. Барги 3 — 5 бўлакли, ўртача кесилган. Гули сарик лимон рангida, дөғсиз, шона барглари майда, 9—13 тишли. Кўсаги чўзинчоқ, туҳумсимон, усти саёз чуқурчали. 1000 дона чигитнинг вазни — 110 г.

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 28,7 ц. (Навоий НСШ). Амал даври — 130 кун (Каттақўргон, Навоий НСШ). Битта кўсакдаги пахтанинг вазни 4,8—6,4 г. Тола чикиши 34,7-36,9%. Вилт билан касалланиш даражаси 1,0% (Қоракўл НСШ)дан — 50,1% (Охунбобоев НСШ) гача.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,3-4,7, тола узунлиги (UH!) 1,07-1,13 дюйм, тола узунлиги 35-37, нисбий узилиш кучи 26,0-30,0 гс/текс.

«Наманган-77» (9005943)

Ғўзанинг бу нави В. А. Автономов, М. Саидаҳмедов, А. Шерматов, А. Э. Эгамбердиевлар томонидан Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтининг «Қизил Ровот» тажриба хўжалигида яратилган.

Хирзутум турига мансуб. 1994 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича давлат реестрига киристилган.

Тупининг бўйи 100-110 см., йигиқ. 1—2 ўсув шохи пайдо қиласди. Пояси ўртача тукланган. Барги 3—5 бўлакли, ўртача катталиқда. Гули сариқ рангда. Кўсаги ўртача, думалок-чўзинчоқ учли. 1000 дона чигитнинг вазни 100-110 г..

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 31,4 (Жиззах НСШ)-45,6 ц. (Қоракўл НСШ). Амал даври 109 (Шеробод НСШ) –131 кун (Жиззах НСШ). Битта кўсакдаги пахтанинг вазни – 4,5-6,4 г.

Тала чиқиши – 37,2-38,9%. Вилт билан касалланиш даражаси 1,2% (Каттақўргон НСШ)дан - 52,7% (Охунбобоев НСШ)гача.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,3-4,7, тола узунлиги (UHI) 1,08-1,12 дюйм, тола узунлиги (код) 35-36, нисбий узилиш кучи 26,5-30,7 гк/текс.

«Гулбаҳор» (8805253)

Республика Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий текшириш институтида яратилган ушбу навнинг муаллифлари Н. Г. Губанова, У. Д. Жўраев, Ж. А. Мусаев, У. И. Исамхоновлардир.

Хирзутум турига мансуб. 1996 йилдан Навоий, Сирдарё вилоятлари бўйича давлат реестрига киристилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, пирамидасимон, ихчам, пояси очяшил, кам тукланган. Барги оч-яшил, 3-5 бўлакли. Гули оч-сариқ, доғсиз. Кўсаги тухумсимон, чўзинчоқ учли. 1000 дона чигитнинг вазни – 117 г.

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 40,2 ц. (Шеробод НСШ).

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 42,8 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 30,9 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври 115 (Шеробод НСШ)-118 кун (Пскент НСШ). Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 5,5 г. Тола чиқиши 36,5 %. Вилтга чидамли.

«Пахтасаноатилм» маркази маълумотларига кўра, толасининг физик-механик хусусияти V типга мансуб, штапел узунлиги 32,3

мм, чизиқли зичлиги 180 мтекс, нисбий узилиш кучи 24,4 гк/текс., микронейр кўрсаткичи 4,8.

«Хоразм-127» (9301544)

Мазкур нав "Пахта" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Хоразм тажриба таянч пунктида Ж. Йўлдошев, К. Матназаров, А. Искандаров, А. Ҳасанова, Ш. Б. Ибрагимов, К. Баҳромов, Но Ен Ҳва томонидан яратилган.

Хирзурутум турига мансуб. 1997 йилдан Хоразм вилояти бўйича давлат реестрига киритилган. Тупининг бўйи 90-120 см, пирамида-устунсимон. Пояси яшил, тукланган. Барги ўртача катталикда, 3-5 бўлакли. Гули ўртача катталикда, тиниқ-сариқ. Кўсаги тухумсимон. 1000 дона чигитнинг вазни 100 г..

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 40,8 ц. (Хива НСШ). 2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юкори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 42,9 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 33,0 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври 119 кун (Хива НСШ). Битта қўсакдаги пахтанинг вазни 5,2 г. Тола чиқиши 37,0 %. Вилтга чидамли.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,4-4,8, тола узунлиги (UHI) 1,08-1,12 дюйм, тола узунлиги 35-36, нисбий узилиш кучи 27,6-28,6 гк/текс.

«АН-Ўзбекистон-4» (9095668)

Ушбу нав Фанлар академиясининг Ўсимликлар экспериментал биологияси илмий текшириш институтида яратилган бўлиб, муаллифлари Э. Н. Одилхўжаев, Н. Р. Фақиров, А. А. Абдуллаев, Р. Н. Нурматовлардир.

Нав хирзурутум турига мансуб. 1997 йилдан Жиззах ва Намангандаги вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 120-130 см, ихчам, пояси тўқ яшил, ўртача тукланган. Барги ўртача катталикда, 3-5 бўлакли. Гули ўртача катталикда, сариқ рангда. Кўсаги ўртача, думалок-узунчоқ. 1000 дона чигитнинг вазни — 115 г.

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги, гектарига 37,0 ц. (Хива НСШ).

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 43,5 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 31,0 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври 117 кун (Хива НСШ). Битта кўсакдаги пахтанинг вазни 6,0 г. Тола чиқиши 37,4%. Вилтга чидамли.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,4-4,8, тола узунлиги (UHI) 1,07-1,13 дюйм, тола узунлиги 34-36, нисбий узилиш кучи 27,1-31,3 гк/текс.

«Оқдарё-5» (9001505)

Бу нав ЎзПИТИнинг Самарқанд филиалида яратилган. Муаллифлари Х. Ибрагимов, П. Н. Плотников, Б. А. Дубоносов, А. П. Бонке.

Хизрутум турига мансуб. 1998 йилдан Қорақалпогистон Республикаси, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100-120 см, пирамидасимон шаклда, ҳосил шохлари 1 – 2-тирга мансуб. Пояси яшил, кузга бориб қизилжигарранг тусга киради. Барги ўртача катталикда, 3-5 бўлакли, тўқ-яшил рангда. Гули ўртача, оч сариқ рангда, доғсиз. Кўсаги йирик, тухумсимон, калта тумшуқли. 1000 дона чигитнинг вазни – 121 г.

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 36,8 (Каттақўргон НСШ) - 46,5 ц. (Самарқанд ДНСС).

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 44,0 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 37,3 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври 116 (Каттақўргон НСШ) –121 кун (Самарқанд ДНСС). Битта кўсакдаги пахтанинг оғирлиги 6,0-6,3 г. Тола чиқиши 35,4-35,5%. Вилт билан касалланиши 9,0 % гача (Самарқанд ДНСС).

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,4-5,0, тола узунлиги (UHI) 1,05-1,11 дюйм, тола узунлиги (код) 34-36, нисбий узилиш кучи 26,7- 30,1 гк/текс.

«Термиз-31» (9301551)

Барбадензе турига мансуб ушбу нав «Пахта» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Сурхондарё филиалида яратилган.

Муаллифлари А. А. Творогова, Н. Э. Авлиёкулов, Ш. И. Ибрагимов.

1998 йилдан Сурхондарё вилояти бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100-120 см, устунсимон шаклда. Пояси яшил, қўёш таъсирида жигарранг билан аралаш. Барги 3-5 бўлакли, йирик, чукур кесимли. Гули оч лимон рангида, антацион доғли гул чанглари сариқ. Кўсаги ўртача, тухумсимон ёки конуссимон бўлиб, ўткир тумшуқли, усти зич майдада чукурчали. 1000 дона чигитнинг вазни 117 г.

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 41,0 ц. (Шеробод НСШ). Амал даври 121 кун (Шеробод НСШ). Битта кўсақдаги пахтанинг вазни 2,8 г. Тола чиқиши 32,9%. Вилтга чидамли.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсатчи-лари: микронейр 3,7-4,5, тола узунлиги (UHI) 1,28-1,32 дюйм, тола узунлиги (код) 41-42, нисбий узилиш кучи 33,0- 38,6 гк/текс.

«Шароф-75» (9301545)

Ушбу нав Фанлар академиясининг «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида Э. Н. Одилхўжаев, М. Ж. Жуманиёзов, Н. Р. Фақиров, А. А. Абдуллаев, М. В. Муҳаммаджанов каби олимлар томонидан яратилган.

Хирзуум турига мансуб. 1998 йилдан Андижон, Жиззах, Наманган, Хоразм вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, сикиқ шаклда, ҳосил шохлари 1 тип. Пояси яшил, кам тукли. Барги ўртача, 3-5 бўлакли, тўқ яшил рангда. Гули ўртача, оч сариқ рангда. Кўсаги ўртача катталикда, юмалок чўзинчоқ, кичик тумшуқли, усти текис, очилиши яхши. 1000 дона чигитнинг вазни 99 г.

2004 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 42,9 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 35,2 ц.ни ташкил этган.

Вегетация даври 109 (Шеробод НСШ) - 128 (Самарқанд ДНСС) кун. Битта кўсақдаги пахтанинг вазни 5,3 г. Тола чиқиши 35,0- 37,8%. Вилт билан зарарланиши 40,0% гача (Кўрғонтепа НСШ). «Пахтасаноатим» маркази маълумотларига кўра, толасининг физик-механик хусусияти V типга мансуб, штапел узунлиги

32,2 мм, чизиқли зичлиги 168 мтекс, нисбий узилиш кучи 25,9 гк/текс. микронейр кўрсаткичи 4,5.

«Армуғон» (9401570)

Республика Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий текшириш институти ва «Биолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида яратилган ушбу ғўза навининг муаллифлари Н. Г. Губанова, У. Ж. Жўраев, Ж. А. Мусаев, С. С. Содиковлардир.

Хирзутум турига мансуб. 1999 йилдан Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 80-90 см, сиқиқ шаклда, кам тукланган, ҳосил шохлари 1-1,5 типда. Пояси оч яшил. Барги йирик, 3-5 бўлакли, оч яшил рангда. Гули йирик, қаймоқ ранг, доғсиз. Кўсаги ўртача, тухумсимон, тумшуқли, очилиши яхши. 1000 дона чигитининг вазни 121 г..

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 31,0 (Чиноз НСШ)-41,8 ц. (Қарши НСШ). Амал даври 116 (Шеробод НСШ)-23 кун (Қарши НСШ). Битта кўсақдаги пахтанинг вазни 4,3-5,8 г.. Тола чиқиши 35,4-37,5 %. Вилт билан заарланиши 4% гача (Жиззах НСШ).

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,6-5,0, тола узунлиги (UHI) 1,09-1,13 дюйм, тола узунлиги (код) 35-36, нисбий узилиш кучи 28,2-31,0 гс/текс..

«Омад» (9501582)

Бу нав Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида Р. Г. Ким, А. Омантурдиев, А. Э. Эгамбердиев, К. Аҳмедов, М. Пўлатов, А. Алимуҳамедов, М. Исроилов, У. Муротов, Ю. Узоқов, С. Ҳусановлар томонидан яратилган.

Хирзутум турига мансуб. 1999 йилдан Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 70-90 см., пирамидасимон шаклда, пояси кучизиз тукланган, ҳосил шохлари 1,5 тип. Барги 3-5 бўлакли, ўртача катталикда. Оч яшил рангда. Гули ўртача катталикда, оч қаймоқ

ранг. Күсаги йирик, узунчоқ тухумсимон шаклда, түмшүқли, усти текис, пахтаси түкилмайды. 1000 дона чигитининг огирилиги-123 г.

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 33,3 (Охунбобоев НСШ)-44,6 ц. (Самарқанд ДНСС).

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 46,9 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 39,7 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври 110 (Охунбобоев НСШ) - 123 кун (Самарқанд ДНСС). Битта кўсақдаги пахтанинг вазни 4,9-6,1 г., Тола чиқиши 35,1-36,4%. Вилт билан касалланиш даражаси 1,5 % (Каттақўргон НСШ)-32,9% (Охунбобоев НСШ) гача.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,4-4,8, тола узунлиги (UHI) 1,07-1,15 дюйм, тола узунлиги (код) 34-37, нисбий узилиш кучи 26,2-32,4 гк/текс.

«Оқдарё - 6» (9401574)

Мазкур ўза нави Х. Ибрагимов, Ш.И.Ибрагимов, П.Н.Плотников, В. Дубоносов, Э. Абдураҳмоновлар ҳаммуаллифлигида ЎзПИТИнинг Самарқанд филиалида яратилган.

Хирзуутум турига мансуб. 2000 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманганд, Навоий, Самарқанд вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100-120 см, пирамидасимон шаклда, ҳосил шохлари 1,5 типга мансуб. Барги ўртача катталиқда, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртача, сарик рангда, дөғсиз. Кўсаги йирик, тухумсимон, калта түмшүқли, усти текис, пахтаси түкилмайды. 1000 дона чигитининг вазни - 121 г.

Пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектарига 38,1 (Каттақўргон НСШ) - 44,5 ц. (Самарқанд ДНСС).

2000 йилда Пскент нав синаш шохобчасида юқори агротехника шароитида умумий ҳосилдорлик гектарига 45,5 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 33,9 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври 117 (Пскент НСШ) - 128 кун (Хўжайли НСШ). Битта кўсақдаги пахтанинг вазни 5,0-6,0 г. Тола чиқиши 35,1-36,9%. Вилт билан заарланиши 2,3 (Самарқанд ДНСС)-33,5% (Жиззах НСШ). «Сифат» маркази маълумотига кўра тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,3-4,7, тола узунлиги (UHI) 1,06-1,10

дюйм, тола узунлиги (код) 34-35, нисбий узилиш кучи 26,0-29,8 гк/текс.

«АН-402» (7401183)

Бу нав Фанлар академиясининг Усимилклар экспериментал биологияси илмий текшириш институтида Н. Назиров, Ф. Жонкулов, Ж. Дадажонов, Қамбаровлар томонидан яратилган.

Хирзуум турига мансуб. 2000 йилдан Андижон ва Фаргона вилоятлари бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 100-110 см, пирамидасимон шаклда. Пояси яшил, кучсиз тукланган. Барги ўртacha катталикда, 3-5 бўлакли, оч яшил рангда. Кўсаги тухумсимон. 1000 дона чигитининг вазни 121 г.

Пахтанинг ўртacha хосилдорлиги гектарига 30,5-44,6 ц. Вегетация даври 124-128 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг вазни 4,6-6,1 г., тола чиқиши 35,1-35,8%. Вилт билан зарарланиши 55% гача.

«Пахтасаноатилм» маркази маълумотларига кўра, толасининг физик-механик хусусияти VI типга мансуб, штапел узунлиги 32,0 мм, чизиқли зичлиги 174 м/текс, нисбий узилиш кучи 24,9 гк/текс. микронейр кўрсаткичи 4,6.

«Оққўғон - 2» (9401569)

Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш институтида яратилган ушбу навнинг муаллифлари Т. Холхўжаев, В. С. Ристаков, С. Раҳмонқулов, М. Миржўраев, А. Ниёзов, У. Муратов, Б. Суннатовлардир.

Хирзуум турига мансуб. 2000 йилдан Сурхондарё вилояти бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 110-120 см, ярим сиқиқ шаклда. Пояси тукли, хосил шоҳлари 1,5 типда. Барги 3-5 бўлакли, ўртacha катталикда, тўқ яшил рангда. Гули ўртacha катталикда, дөғсиз. Кўсаги ўртacha, юмалоқ шаклда, усти текис, пахтаси тўкилмайди. 1000 дона чигитининг вазни 118 г.

Пахтанинг ўртacha хосилдорлиги гектарига 38,9 ц. (Шеробод НСШ). 2000 йилда Пскент нав синаш шоҳобчасида юқори агротехника шароитида умумий хосилдорлик гектарига 44,0 ц.ни, 30 сентябрдаги теримда 37,1 ц.ни ташкил қилган.

Амал даври 104 (Шеробод НСШ) - 128 кун (Андижон НСШ). Битта кўсакдаги пахтанинг вазни 4,9-6,1 г. Тола чиқиши 35,5-37,1%. Вилт билан касалланиш даражаси 1,0 % (Каттақўргон НСШ)дан - 45,0 % (Охунбобоев НСШ) гача.

«Сифат» маркази маълумотига кўра, тола сифати кўрсаткичлари: микронейр 4,1-4,5, тола узунлиги (UH) 1,08-1,12 дюйм, тола узунлиги (код) 35-36, нисбий узилиш кучи 28,0-30,4 гк/текс.

«Мехр» (9401567)

Ушбу гўза навини Фанлар академиясининг "Биолог" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида О. Ж. Жалилов, Н. С. Асриян, Э. Зикрияев, Т. Жалилова, Х. Нуров, С. Юсупов, И. Бўриев, С. Одилов, И. Қаҳҳоровлар ҳамкорликда яратишган.

Хирзурутум турига мансуб. 2001 йилдан Тошкент вилояти бўйича давлат реестрига киритилган.

Тупининг бўйи 90-110 см., пирамидасимон шаклда, кам тукланган, ҳосил шохлари 1,5 типда. Пояси яшил. Барги йирик, 3-5 бўлакли, яшил рангда. Гули ўртacha. Кўсаги ўртacha, юмалоқ, усти текис, учлик, яхши очилади. 1000 дона чигитининг вазни 116 г.

Пахтанинг ўртacha ҳосилдорлиги гектарига 33,5 (Чиноз НСШ)-36,8 ц. (Юқори Чирчиқ НСШ). Амал даври Тошкент вилояти навсинаш шохобчаларида 114-117 кун. Битта кўсакдаги пахтанинг вазни 4,8-6,0 г. Тола чиқиши 35,2-37,9%. Вилт билан заарланиши 9,0% (Юқори Чирчик НСШ).

«Пахтасаноатилм» маркази маълумотларига кўра, толасининг физик-механик хусусияти V типга мансуб, штапел узунлиги 32,2 мм, чизиқли зичилиги 185 м.текс, нисбий узилиш кучи 25,8 гк/текс, микронейри 4,7.

«Андижон - 35»

Бу навни ЎзПИТИ Андижон филиалида Т. Комилов ва бошқа олимлар яратишган. 2005 йилда давлат реестрига киритилиб, кенг жорий этишга рухсат берилган, асосан Фарғона водийсида кўлпайтирилмоқда.

Амал даври 129 кун, тури пирамидасимон, ётиб қолмайди. Бир кўсак пахтаси вазни 5,6-6,0 г, тола чиқиши - 36,8 фоиз, узунлиги - 34,2 мм, метрик рақами 5880, V саноат турига мос тола беради, микронейри 4,8-4,9.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган
Қишлоқ хўжалик зкинлари давлат реестрига киритилган гўза навларининг
тавсифномаси (2001 йил)**

Селекцион нави	Давлат реес- трига кири- тилган йил:и	Кўрсаткичлар											Экишга тавсия этилган худудлар	
		Хўжалик					Технологик (Ўзбекистон «Сифат» маркази маълумотига кўра)							
		Пахта- нинг жосили- дор- лиги, ш/га	Веге- тация даври, кун	Битта кусақ- даги пахта- нинг оғир- лиги, г	Вилт билин касал- лани- ши, %	Тола чиқиши, %	Тола узун- лиги, дюйм	Тола узун- лиги, код	Микро- нейр	Нисбий узилиш, кучи, голтекс	Экилган майдон, га (рес- публика бўйича)	Тола типи		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
C-4727	1961	23,7- 35,1	115- 121	5,0-5,9	8,8	36,2- 36,9	1,03- 1,09	33-35	4,5-4,9	27,4-29,8	71,9	V	Қорақалпогистон Республикаси, Жиззах вилояти	
175-Ф	1980	39,2- 40,1	119- 123	5,6	13,0- 25,5	35,9- 36,5	1,07- 1,13	34-36	4,3-4,7	26,0-30,0	71,1	IV	Хоразм вилояти	
Ташкент-6	1981	32,8- 38,0	111- 117	4,7-5,7	2,9- 59,0	35,6- 36,3	1,09- 1,15	35-37	4,4-4,8	27,4-30,0	48,9	V	Наманган, Сирдарё, Фарғона вилоятлари	
Ан-Боёвут-2	1983	31,3- 48,2	114- 118	5,0-6,1	4,1- 31,4	34,7- 35,5	1,7- 1,11	34-36	4,5-4,9	27,6-30,4	182,2	V	Жиззах, Навоий, Сирдарё, Ташкент вилоятлари	
C-6524	1988	34,0- 37,1	127- 131	4,9-5,5	9,7- 52,9	34,3- 36,2	1,10- 1,14	35-37	4,3-4,7	29,1-32,5	184,2	IV	Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Ташкент, Фарғона вилоятлари	
Юлдуз	1989	34,5- 42,4	104- 130	4,1-5,9	1,0- 13,2	37,1- 38,1	1,05- 1,13	34-36	4,3-4,7	25,7-29,7	88,9	V	Қорақалпогистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари	
Бухоро - 6	1990	31,5- 51,7	119- 127	5,9-7,4	1,0-9,8	35,5- 36,3	1,09- 1,13	35-36	4,2-4,6	25,6-32,0	246,6	V	Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари	
C-9070	1990	41,4- 42,5	115- 123	5,7-6,5	13,0	35,7- 35,8	1,07- 1,13	34-36	4,4-4,8	27,8-30,6	26,4	V	Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари	

13-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
C-6530	1993	28,7- 47,9	115- 130	4,8-6,4	1,0- 50,1	34,7- 36,9	1,10- 1,14	35-37	4,3-4,7	29,1-32,5	28,0	IV	Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари
Наманган-77	1994	31,4- 45,6	109- 131	4,5-6,4	1,2- 52,7	37,2- 39,9	1,08- 1,12	35-36	4,3	26,5-30,7	74,0 4,7	V	Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари
Хоразм - 126	1997	40,8	119	5,2	0	37,0	1,08- 1,12	35-36	4,4-4,8	27,6-28,6	3,2	V	Хоразм вилояти
Ан-Ўзб-4	1997	37,0	117	6,0	0	37,4	1,07- 1,13	34-36	4,4-4,8	27,1-31,3	10,9	V	Жиззах, Наманган вилоятлари
Оқдарё- 5	1998	36,8- 46,5	116- 121	6,0-6,3	9,0	35,4- 35,5	1,05- 1,11	34-36	4,4-5,0	26,7-30,1	37,1	V	Коракалпостон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари
Термиз- 31	1998	41,0	121	2,8	0	32,9	1,28- 1,32	41-42	3,7-4,5	33,0-38,6	20,3	III	Сурхондарё вилояти
Армуғон	1999	31,0- 41,8	116- 123	4,2-5,8	4,0	35,4- 37,5	1,09- 1,13	35-36	4,6-5,0	28,2-31,0	19,1	V	Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари
Омад	1999	33,3- 44,6	110- 123	4,9-6,1	1,5- 32,9	35,1- 36,4	1,07- 32,4	34-37	4,4-4,8	26,2-1,15	28,8	V	Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари
Оқдарё- 6	2000	38,1- 44,5	117- 128	5,0-6,0	2,3- 33,5	35,1- 36,9	1,06- 1,10	34-35	4,3	26,0-29,8	98,1 4,7	V	Коракалпостон Республикаси, Андижон, Наманган, Навоий, Самарқанд вилоятлари
Оққўрғон 2	2000	38,9	104- 128	4,9-6,1	1,0- 45,0	35,5- 37,1	1,08- 1,12	35-36	4,1-4,5	28,0-30,4	38,3	V	Сурхондарё вилояти
Қарши- 8	1992	39,5	126	2,3-3,2	0	33,4	35,1	165	4,3	30,6	2,1	III	Қашқадарё вилояти
Гулбахор	1996	40,2	115- 118	5,5	0	36,5	32,3	180	4,8	24,4	15,4	V	Навоий, Сирдарё вилоятлари
Шароф - 75	1998	24,0- 46,5	109- 128	5,3	40,0	35,0- 37,8	32,2	168	4,5	25,9	4,4	V	Андижон, Жиззах, Наманган, Хоразм вилоятлари
Ан - 402	2000	30,5- 44,6	124- 128	4,6-6,1	55,0	35,1- 35,8	32,0	174	4,6	24,9	21,7	VI	Андижон, Фарғона вилоятлари
Мехр	2001	33,5- 36,8	114- 117	4,8-6,0	9,0	35,2- 37,9	32,2	185	4,7	25,8	0,5	V	Тошкент вилояти

Назорат учун саволлар:

1. «108-Ф», «Тошкент-1» навлари мамлакатимиз пахтачилигидә қандай аҳамиятга эга бўлган?
2. Мамлакатимизда ингичка толали гўзанинг қандай навлари яратилган?
3. Ҳозир мамлакатимизда қайси навлар кенг майдонларда экилмоқда?
4. «149-Ф», «Тошкент-б», «Хоразм-12б» гўза навлари ҳақида нималарни биласиз?

VI боб

ҒЎЗА НАВЛАРИНИ АЛМАШТИРИШ

Қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ғўза навларига нисбатан талаблари

Пахта етиштиришдан асосий мақсад ундан мумкин қадар кўпроқ ва сифатли тола олишдир.

Навларга қўйилган асосий талаблар шундан иборатки, улар серхосил, эртапишар, толаси жаҳон бозори, тўқимачилик саноати талабларига мос келадиган, табиат ноқулайликларига, касаллик ва ҳашаротларга чидамли, машиналар билан ишлашга ва ҳосилни машинада териб олишга қулай бўлиши керак. Ҳосилнинг 90-95% ини машиналарда териб, қолганини 20 октябргача йигиб-териб олиб, кузги-қишки дала ишларини декабр ойи бошлиномасдан тугаллаш кўзда тутилади.

Тўқимачилик саноати учун тола сифати бир қатор талабларга жавоб бериши керак. Бунда толанинг асосий технологик белгилари қуидагилардир: узунлиги, пишиқлиги (узилиш кучи), ингичкалиги (метрик рақами), чизиқли зичлиги (м.текс) ва узилиш узунлиги, микронейр кўрсаткичи; нисбий узилиш кучи (пишиқликнинг м. тексга муносабати). Тола қанчалик ингичка, пишиқ ва узун бўлса, шунча яхши маҳсулот ишлаб чиқарилади (14-жадвал).

Толанинг дастлабки учта тури (I,II,III) мамлакатимизда етиштирилган ингичка толали ғўза навларига тегишли. Бу навлар кечишишар бўлиб, улардан юқори ҳосил олиш учун амал даври давомли ва ҳарорат етарли бўлган Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Наманган вилоятларида, Тожикистоннинг Вахш водийси ва Қўрғонтепа вилоятида, Туркманистоннинг Мари вилоятларида ўстирилади. Озарбайжонда эса кам ҳосил бергани учун ҳозир экилмайди. Бу турдаги толалар етиштирилладиган майдонлар мамлакат бўйича жами пахта майдонининг тахминан

15% ини ташкил қиласи, ялпи ҳосилнинг эса тахминан 10% ини беради.

14-жадвал

Пахта толасига қўйилган сифат талаблари

Тип	Юқори ўртача узунлиги (UHM)		Штапел узунлиги (Staple)		Солиштирма узи- лиш кучи (Str) I ва II навлар учун сН\текс (rc/теко)
	мм	дюйм	дюйм	код	
1a	33,7-34,3	1,33-1,35	01,11\32	43	
16	32,9-33,6	1,30-1,32	1,5\16	42	
1	32,2-32,8	1,2-1,29	1,9\32	41	
2	31,4-32,1	1,24-1,26	1,1\4	10	
3	30,7-31,3	1,21-1,23	1,7\32	39	29,4-34,3 (30,0-35,0)
	29,9-30,6	1,18-1,20	1,3\16	38	
4	28,9-29,8	1,14-1,17	1,5\32	37	
	28,1-28,8	1,11-1,13	1,1\18	36	
5	27,4-28,0	1,08-1,10	1,3\32	35	23,0-27,8 (23,5-28,4)
	26,6-27,3	1,05-1,07	1,1\16	34	
6	25,8-26,5	1,02-1,04	1,1\32	33	
7	25,1-25,7	0,99-1,01	1	32	

Қолган тўрт (IV, V, VI, VII) турдаги пахта толаси эса ўрта толали гўза навларига мансуб. Бу навлар серҳосил ва тезпишар бўлганлиги учун экин майдонларининг ва ҳосилнинг асосий қисмини ташкил этади. Пахта толасининг VII типи ўз сифати бўйича бешинчи ва олтинчى турларнинг ўрнини боса олмаганилиги сабабли уни тўқимачилик саноати талаб қилмайди.

Биринчи нав алмашиш. Қадимдан Марказий Осиёда ғўзанинг G. Herbaseum турига мансуб бўлган жайдари гўза етиштириларди. Унинг ҳосили кам ва тола сифати паст бўлганлиги учун чор ҳукумати АҚШдан серҳосил ва тола сифати нисбатан юқори бўлган G.hirsutum турининг Упланд турига мансуб навлар (Кинг, Клевланд, Русселье ва бошқалар) олиб келинишини ва амалиётда қўлланилишини ташкил этди. Бу гўза навлари режасиз экилаверди, уругчилик ишлари йўлга қўйилмади. Оқибатда пахта заводларида қайта ишлаш натижасида турли нав уруғлари аралашиб кетди ва «завод аралашмаси» вужудга келди.

Октябр давлат тўнтаришига қадар пахта далаларида мана шу завод аралашмаси ва қисман маҳаллий жайдари гўза уруғи

экиб келинди. Завод аралашмасининг турли тупроқ-иклем шароитларида узоқ йиллар экилиши натижасида ўша ерларга мослашган ҳолда танланган гўзанинг янги шакллари вужудга келди. Улар турли тупроқ-иклем шароитларида ҳосилдорлиги, тезпишарлиги ва толасининг технологик хусусиятлари билан бирбиридан фарқ қиласади. Масалан, жанубий районларда (Мари, Байрамали, Чоржўй, Андижон) кечпишар, серҳосил, кўсаги йирик завод аралашмаси; шимолий районларда (Чимбой, Чимкент, Ўзган) тезпишар, майда кўсакли завод аралашмаси пайдо бўлди. Тошкент, Самарқанд, Хива ва бошқа ҳудудларда эса ўртача тезпишар завод аралашмалари вужудга келди.

Собиқ итифоқда 1922 йилдан бошлаб завод аралашмалари ва маҳаллий жайдари гўзалар ўрнига илгари яратилган ўртапишар Навроцкий (№ 0100), ўртача кечпишар Триумф Навроцкий (№ 0250), ўртача тезпишар Оқжўра (№ 182) ва Декон (№ 169) селекция навлари етиширила бошланди. Биринчи нав алмаштириш ишлари 1930 йилга келганда ниҳоясига етди. Бу селекция навлари ичida Навроцкий (№ 0100) энг кўп экилиб, 1930 йили мазкур навли чигит экилган ерлар умумий пахта майдонининг 60% ини ташкил килди. Навнинг кўсаги йирик (5,5-6,5г), тола бериши юқори (34-35%) эди. Бироқ унинг толаси дағал ва калта (26-28 мм) бўлганлиги учун тўқимачилик саноати талабини қондира олмади.

Шундай қилиб, биринчи нав алмаштириш 1922 йилдан 1930 йилгacha ўтказилди.

XX асрнинг 30-йилларидан кейинги даврда селекция йўли билан кўплаб янги навлар яратилди. Шу муносабат билан 1934 йилдан 1938 йилгacha иккинчи нав алмаштириш амалга оширилди. Бу даврда ўрта толали гўза навларидан ўртапишар 8517 («Колхозчи»), 2034 («Большевик»), 36м2 («Пахтакор»), тезпишар навлардан 1306 («Шредер»), 8196 («Узун») кўплаб майдонларга экилди. Иккинчи нав алмаштириш даврида энг кўп тарқалгани 8517 нави бўлиб, у Навроцкий (№ 0100) навининг ўрнига бутун Ўрта Осиё ҳудудида экилди. Бу навнинг асосий хусусиятлари: чигити экилгандан ҳосили пишгунга қадар 145 кун талаб қиласади, битта кўсакдан чиқадиган чигитли пахтанинг вазни 6,5-7,0 г, тола узунлиги 30-32 мм, тола чиқиши 37-38%. Навнинг камчилиги шу эдик, у вилт ва гоммоз касалликларига бирмунча чидамсиз бўй

либ, тупи тарвақайлаб ўсади (хосил шохи II-III кенжә турға киради).

Тезпишар ғұза навларидан 1306 («Шредер»)нинг чигити экилгандан пишгунига қадар 120-125 күн керак. Шунинг учун бу нав Ўрта Осиёning шимолида, төг этакларида ва ҳатто лалмикорликда ҳам экилди. Бирок бу навнинг күсагидан чиқадиган пахтаси кам (3,5-4,0), толаси қисқа (26-28), тола чиқиши паст (31-32%) зди. Шунингдек, хосили етила бошлаганида тупи ётиб қолишга мойилроқ ва вилт касаллиги билан күпроқ касалланади.

Иккинчи нав алмаштириш даврида ўрта толали навлар қатори Ўрта Осиёning жанубий районларida 30-йиллар бошида Мисрдан келтирилган G. barbadense турининг Сакеляридис, Пилюон, Маарад, Ашмуни, Фуади, Упперс, Загора ва бошқа навлары экилди. Миср ғұзаларидан якка танлаш ва дурагайлаш йүллари билан бирмунча тезпишар навлар яратилди. Булар ингичка толали 2 ИЗ, 35-1, 35-2 ва бошқа навлар зди.

2 ИЗ нави чигити экилгандан пишгунга қадар ўртача 150 күн талаб қиласы, түпининг бүйін ўртача, шохлари тарвақайлаб ўсади, тупи ётиб қолмайды. Битта күсакдан чиқадиган чигитли пахтаси 3 г, тола узунлиги 38-40 мм, тола пишиқлиги 4,5-5,0 г/к, тола чиқиши 28-30%. Камчиліктер: вилт касаллигига чидамсиз ва хосили бирмунча кеч етиларди.

Умуман олганда, иккинчи нав алмаштириш даврида экилган ўрта толали ва ингичка толали ғұзаларнинг ҳамма навлари вилт касаллигига чидамсиз зди, деб айтиш мүмкін.

Иккинчи нав алмаштириш натижасыда ва ғұза агротехникасиянинг бирмунча яхшиланиши туфайли пахта хосили 12-15% га ошди. Тұқымачилик саноатининг талабига жавоб берадиган технологик сифати юқори бўлган тола олишга эришилди. Жумладан, ўрта толали ғұза навларидан тола чиқиши 28,9% дан 33% гача кўпайди.

Учинчи нав алмаштириш 1941-1945 йилларда ўтказилди. Бу даврда серхосил, тола сифати бирмунча яхшиланган ва вилт касаллигига анчагина чидамли ўрта толали С-460 (Қанаш), С-18819, С-1298 навлари экилди.

Улар ичидә энг кўп тарқалгани С-460 ҳисобланади. Бу нав ўртапишар, чигити экилгандан пишгунга қадар 145-150 күн талаб

қилади. Тупи ётиб қолмайды, битта күсакдан чиқадиган пахта вазни 7,0-7,5 г, толаси 32-33 мм, тола чиқиши 39-40%. Вилт касаллигига чидамли. Бу нав 1940 йилдан бошлаб 8517 нави билан алмаштирилди, шунингдек, бошқа ўрта толали навларнинг ҳам ўрнини эгаллади.

Мана шу ижобий хусусиятларга эга бўлганлиги учун С-460 нави Ўрта Осиёда энг катта майдонни эгаллади. Бироқ кейинчалик бу нав анча кечпишар бўлганлиги туфайли куз салқин келган йилларда биринчи нав пахтани кам берди, айниқса терим даврининг жуда ҳам чўзилиб кетишига сабабчи бўлди.

С-18819 нави толасининг сифати анча юқори ва вилт касаллигига чидамли бўлгани учун 2034 ва 8196 навларини сиқиб чиқарди. Навнинг дастлабки кўсагининг пишиши С-460 га нисбатан эртароқ бошланса ҳам, навбатдаги кўсакларнинг очилиш тезлиги жуда суст эди. Бундан ташқари териб олишда чаноқ пахтанинг тагида якка чигит қолиб кетар, такрор териш натижасида терим унуми паст бўларди.

Бу нав алмаштиришда фузариоз вилт касаллигига чидамсиз бўлган ингичка толали эски навлар ўрнига бу касалликка чидамли С-10964; 504-В; 123-Ф каби янги навлар экилди. Ўзбекистонда салмоқли майдонни эгаллаган С-10964 нави чигит экилгандан пишгунга қадар 155 кун талаб қилади. Бош пояси баланд, шохланиши IV кенжга турга хос, тупи тарвақайлаб ўсади. Битта кўсакдан чиқадиган пахта вазни 4 г, тола узунлиги 37-38 мм, тола чиқиши 31-32%. Нав фузариоз вилт касаллигига чидамли бўлгани учун 1955 йилгача экиб келинди.

Учинчи нав алмаштириш натижасида пахта ҳосили 13-15% га ошди. Бундан ташқари 1944 йилга келиб ўрта толали навларнинг тола узунлиги 30,5 мм.га етди, тола чиқиши эса 33% дан 35,5% гача кўпайди.

С-460 нави кечпишар бўлиб қолганлиги ва тола сифати бирмунча ёмонлашгани учун **тўртинчи нав алмаштириш** 1947-1950 йиллар давомида ўтказилди. Эски пахтакор туманлар учун С-460 нави ўрнига 108-Ф, С-450-5,55, 138-Ф, 149-Ф ўртапишар, КК-1086, КК-1083, С-3210, С-4727 тезпишар навлари ва янги пахтакор районлар учун 1306-ДВ, 611-б эртапишар навларини экиш белгилаб қўйилди. Эски пахтакор туманлар учун С-460 нави 108-Ф нави билан алмаштирилди. Янги нав бирмунча эрта ети-

лиши ва вилт билан камроқ касалланиши туфайли тез тарқалди. Биринчи совуқ тушгунга қадар териб олинган ҳосили С-460 га нисбатан 15-20% ортиқ бўлди.

108-Ф ва С-4727 навлари кейинчалик вилтга чидамсиз бўлиб қолса ҳам тола сифати юқори бўлгани учун ҳозир ҳам янги ўзлаштирилган ва вилт касаллиги тарқалмаган ерларда экиб келинмоқда. Кейинги йилларда 108-Ф нави пахтасини тайёрлаш нархи давлат томонидан оширилди. 138-Ф нави бирмунча ўртача кечпишарлигига қарамай ҳозирги вақтда ҳам Ўзбекистон ва Туркманистоннинг жанубий районларида яхши ҳосил берганлиги учун экиласди.

Ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида ингичка толали навлардан 5904-И, 5476-И ва бирмунча кечроқ С-6002, 9078-И 8763-И, С-6015 экила бошланди.

Кейинги йилларда пахта етиштирувчи деярли ҳамма республикаларда экиласётган ўрта толали ва ингичка толали ғўза навлари фузариоз ва вертицеллиёз вилт касали билан кўплаб касаллангани учун 1971 йилдан бошлаб **бешинчи нав алмаштириш** бошланди.

Бешинчи нав алмаштириш 1970-1985 йилларда ўтказилди. Бунда «Тошкент-1», «Тошкент-3», «Тошкент-6», «175-Ф», «Қизил Равот», «Уйчи-2», «Термиз-7», «Термиз-14» каби навлар жорий этилди. Бу нав алмаштиришда ҳосилдорлик 5-6 ц/га кўпайди, тезпишарлик 5-6 кунга тезлашди, III-тур тола салмоги ортди.

1980 йилларнинг ўрталарига келиб кенг майдонларда экиласётган «Тошкент-1» навини зарарлайдиган вилт касаллигининг ирқи пайдо бўлди ҳамда навнинг толаси дағаллашди. Шунинг учун олтинчи нав алмаштириш зарурати туғилди.

Олтинчи нав алмаштириш 1986 йилдан бошланиб, бу даврда ғўзанинг серҳосил, тезпишар «Андижон-9», «С-6524», «Бухоро-6», «Наманганд-77», «Термиз-16», «Қирғизистон-3», «Чимбой-3010» навлари ҳамда «175-Ф» каби навлар асосий майдонларга экилди. 1995-2000 йилларда ғўзанинг янги «Фарғона-3» нави кенг майдонларни эгаллади, аммо тола сифати жаҳон бозори талабларига мос келмаганлиги учун кейинчалик экилмай қолди. Ғўза навларини алмаштириш 2000 йиллардан бошлаб минтақавий ҳолатга ўтмоқда. Хусусан, ҳозирги даврда Фарғона водийисида кўпроқ С-6524, «Оққўргон-2», «Андижон-35», «Бухоро-102», «На-

манган-77», «Тошкент-б»; Тошкент вилоятида ҳам аксарият С-6524, «Наманган-77», «Ан-Боёвут-2»; Сирдарё ва Жиззах вилоятларида «Ан-Боёвут-2», С-6524, С-4727, «Оқдарё-б»; Самарқанд вилоятида «Оқдарё-б», «Омад», «Бухоро-102»; Бухоро ва Навоий вилоятларида «Бухоро-б», «Бухоро-8», «Ан-Боёвут-2»; Сурхондарё вилоятида «Наманган-77», «Бухоро-б», «Термиз-31»; Қашқадарё вилоятида «Бухоро-б», «Наманган-77», «Бухоро-8»; Хоразм вилоятида «Хоразм-127», «Мехнат», «Ан-Боёвут-2», «Бухоро-б» ва Қорақалпогистон Республикасида С-4727, «Оқдарё-2», «Бухоро-б» навлари экилмоқда.

Бундан ташқари селекциячилар томонидан яратилган кўплаб янги, истиқболли навлар ҳам қисман жорий этилаётир.

Назорат учун саволлар:

1. Ҳозирга қадар нечча марта гўза нави алмашуви рўй берди?
2. Қайси йилларда биринчи гўза навини алмаштириш ўтказилган ва бу даврда қандай навлар экилган?
3. Иккинчи гўза навини алмаштириш нечанчи йилларда рўй берган ва қандай гўза навлар экилган?
4. Учинчи гўза навини алмаштириш нечанчи йилларга тўғри келади ва бу даврда қайси гўза навлари экилган?
5. Тўртинчи гўза навини алмаштириш нечанчи йилларда ўтказилган ва қандай гўза навлари ўзаро алмаштирилган?
6. Пахтачиликда бешинчи гўза навини алмаштириш нечанчи йилларда бўлиб ўтди ва бу йилларда қандай гўза навлари экила бошланди?
7. Пахтачиликда гўза навини алмаштириш нимага асосан, қачон ва қандай ўтказиласди?



ЎзПИТИнинг Тошкент яқинидаги марказий селекция станциясида ўсаётган дарахтсимон кўп йиллик ғўза туплари (улар ҳар йили куз ва қиши ойларида иссиқхонада сақланади).

Фойдаланилган адабиётлар

1. **И. Каримов** - «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Тошкент, 1995 й..
2. **М. Мухаммаджанов, С.Сулайманов** - «Корневая система и урожайность хлопчатника»,.Ташкент, «Ўзбекистон»,1978 г..
3. **Э.Т.Шайхов, Н.Нурмуҳаммедов ва бошқ...** «Пахтачилик», Тошкент, «Меҳнат», 1990 й..
4. **Пахтачилик справочники.** Муаллифлар жамоаси. Тошкент, «Меҳнат», 1989 й..
5. Каталог сортов хлопчатника - Выпуск второй, Ташкент, 1993 г..
6. **А.В.Трушкин, С.К.Қодиров** - Пахтачиликдан амалий машғулотлар. Тошкент, «Ўзбекистон» - 1993 й.
7. Ўзбекистон ғўза навлари - Тошкент - 2001 й.
8. **С.Қ.Қодиров, Т.С.Худойбердиев** - Пахта хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси. Андижон, «Ҳаёт» нашриёти - 2003 й..
9. **С.Қ.Қодиров., Т.С.Худойбердиев** - Пахтачилик: ғўза агротехники. Аниджен. «Ҳаёт» нашриёти. -2002 й..
10. **А.И.Автономов, М.З.Казиев., А.И.Шлейхер и. др-**Хлопководство - изд: «Колос», 1983 г..
11. **А.А.Колдаев, А.Г.Самойлов** - Пахтачилик, IV қисм. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, - 1953 й..
12. **О. Яқубжонов, С. Баҳромов** - Плёнка остига чигит экиб, пахта етиштириш технологияси. - Андижон, «Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ, 2005 й..
13. **О. Яқубжонов ва бошқ..** - Андижон вилоятининг илмий асосланган деҳқончилик тизими.-Андижон, «Andijon nashriyoti» ОАЖ,2002 й..

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Ёзга ўсимлиги ҳақида умумий маълумот	5
- Ёзга ўсимлигининг келиб чиқиши	5
Пахтачилик билан шугулланувчи асосий мамлакатлар	11
Марказий Осиё пахтачилиги	13
Ёзга маҳсулотлари, уларнинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти	15
Ёзанинг ботаник синфлари	17
Ёзга турлари ва уларнинг биологик, морфологик хусусиятлари	21
II боб. Ёзанинг морфологик тузилиши ва ривожланиши.....	28
Ёзга илдиз тизимининг морфологик тузилиши ва ривожланиши	28
Ёзга бош поясининг морфологик тузилиши ва ривожланиши.....	36
Ёзга шохи ва шохланиш турлари.....	39
Ёзга баргининг морфологик тузилиши ва ривожланиши.....	46
III боб. Ёзга мева қисмларининг морфологик тузилиши ва ривожланиши.....	50
Ёзга шонаси ва гулининг морфологик тузилиши ҳамда ривожланиши.....	50
Ёзанинг гуллаш тартиби.....	58
Ёзга кўсагининг морфологик тузилиши ва ривожланиши	65
Ёзга меваларининг тўкилиши	72
Чигитнинг морфологик тузилиши ва ривожланиши	76
Пахта толасининг технологик хусусиятлари ва ривожланиши	85
IV боб. Ёзга тупининг умумий ривожланиши	101
Ёзанинг ривожланиш босқичлари	101
Ёзанинг ташқи омилларга талаби.....	103
V боб. Ўзбекистон ёзга навлари	123
VI боб. Ёзга навларини алмаштириш	142
Қишлоқ ҳўжалиги ва саноатнинг ёзга навларига нисбатан талаблари	142
Фойдаланилган адабиётлар	149

Муаллифлар:

Ойбек Яқубжонов - қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори

Саломжон Кодирович Кодиров - қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди.

Муҳаррирлар - М. Худоёров, И. Эгамназаров

Тех. муҳаррир - М. Мирзакаримова

Компьютер устаси - Р. Исмонов

Мусаҳҳих - Н. Тожиматова

Босмахонага 2006 йил 9 январда берилди. 2006 йил 9 марта босишига рухсат этилди. Формати 60x84 1/16. Офсет босма. Panda Bulkvar UZ гарнитураси. Ҳажми 9,5 шартли б.т. Тиражи 500 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

«Andijon nashriyot-matbaa» ОАЖ босмахонаси (Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71) да чоп этилди.